

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ф. Н. ЭРНАЗАРОВ**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

(Иқтисодий таълим йўналишидаги талабалар учун)

**Тошкент – Иқтисодиёт - 2009**

Эрназаров Ф.Н. Мустақиллик дарслари: Ўқув услубий қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, – 146 б.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада “Мустақиллик дарслари” ўқув дастурига асосланган ҳолда маъруза ва амалий машғулотларни ташкил этишга доир услубий тавсиялар берилган.

Ўқув-услубий қўлланма республика ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ва бошқа ушбу масала билан қизиқувчилар учун тавсия этилади. Илк маротаба атрофлича ёритилаётган мазкур масала келгусида янада такомиллашиб боради ва ўқув-услубий қўлланма ҳақидаги барча фикр-мулоҳазалар муаллиф томонидан албатта инобатга олинади.

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Ҳ. Ҳамидов.

Такризчилар: т.ф.н., доц. С.Р. Тўраев,  
т.ф.д., проф. К.К. Каримов.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-услубий Кенгашининг №20 -сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

© Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети, 2009.

© Иқтисодиёт, 2009.



## КИРИШ

Ҳар қандай кишилик жамияти, унинг турли хил тарихий даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаёти кўп жиҳатлардан фақатгина ўзларига хос ва мос бўлган, ўзлари асосланадиган дунёқарашлар, сўз ва иборалар, тушунчаларга эга бўлади. Хусусан, бугунги кунда мустақиллик, сўз ва фикр эркинликлари, шахс ва виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, миллий ғоя, маънавият, кадрият, демократия, демократик жамият демократик кадриятлар, халқаро интеграция, халқаро ҳуқуқ ва шу каби бошқа тушунчалар ҳам муҳим саналади. Мазкур атама ва тушунчалар ичида “мустақиллик” ибораси марказий ўринни эгаллайди. Президентимиз И.А. Каримов қайд этганидек, мустақиллик шароитида яшаш, ишлаш кўнгилга бир олам ғурур ва шуқуҳ бахш этибгина қолмай, ҳар бир вазир, раҳбар, ҳатто оддий фуқаро зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди<sup>1</sup>. Чунки юқорида қайд этилган илмий-фалсафий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, ижтимоий, ҳуқуқий атама, тушунча ва иборалар “мустақиллик” тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Давлат мустақиллиги ҳақида сўз борганда уни қуйидагича ифода этиш мумкин:

Мустақиллик — иймон, эътиқод эркинлиги.

Мустақиллик — миллий кадрият, маданият ва маънавият, маърифат ва дин-диёнат озодлиги.

Мустақиллик — давлатнинг миллий чегараси, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан дахлсизлиги.

Мустақиллик — муайян давлатнинг давлат бошқарувига, унинг ички ишларига ҳеч кимнинг четдан аралашмаслиги.

Мустақиллик — миллий тилнинг давлат мавқеига эга бўлиши.

Мустақиллик — миллий армиянинг барқарорлиги, ягоналиги ва унинг бошқаларга бўйсунмаслиги.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мустақиллик — улкан масъулият / Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т.: Ўзбекистон, 1995, 107-б.

Мустақиллик — давлат ҳудудидаги барча ер ости ва ер усти бойликлари, шунингдек унга тегишли чегара осмонининг дахлсизлиги.

Мустақиллик — турли мамлакатлар билан ҳар қандай алоқа ва муносабатлар эркинлиги.

Мустақиллик — давлат рамзларига эга бўлиш.

Юқорида санаб ўтилган барча жиҳатлар билан бирга шуни ҳам инобатга олиш жоизки, ҳар қандай давлат мустақиллиги бошқа бир давлат мустақиллигини тан олиш, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаат асосида ҳамкорлик қилиш, бошқа давлат менталитети, кадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш билан бирга мустаҳкамланиб боради.

Давлат мустақиллигининг асосий кадриятларидан яна бири унинг ижтимоий, маънавий моҳияти бевосита омма фикрини уйғотишда, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги хусусида қайғуриш ҳиссини кучайтиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Мустақиллик ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Бу ютуқни қўлга киритиш учун халқимиз юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилиб, гоҳида очик кураш олиб борди. Бу курашларда озодлик учун Ватан мустақиллиги учун жонини фидо қилган фарзандларидан ажралдилар. Ватан мустақиллиги учун йўқотиш қанча кўп бўлмасин, халқимизни мустақиллик, озодлик туйғуси ҳеч қачон тарк этмади, чунки бу қонуният эди. Бу қонуниятнинг моҳияти шунда эдики, ҳар бир халқнинг мустақил давлат тузиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи табиатан, аниқроғи, Оллоҳ Таоло томонидан берилган муқаддаси инъомдир”<sup>2</sup>.

Албатта, ҳар бир халқ ўзининг миллий тарихини бошқа халқлар тарихидан кам деб билмайди. Лекин ҳар бир халқ тарихининг қадимийлиги ва буюклигини белгилашда унинг ўзи томонидан берилган баҳо эмас, балки дунёда умумэътироф этилган бир қатор омиллар алоҳида ўрин тутаяди. Булар ўша халқ яшаётган заминда одамзотнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ энг кўҳна манзилгоҳларнинг мавжудлиги, илк цивилизация, яъни маданий

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 1992, 23-б.

тараққиётнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ёдгорликларнинг борлиги, ушбу заминнинг миллий давлатчилик ва юксак цивилизация анъаналарига бойлиги; дунё тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган, жаҳон тараққиётига беқиёс таъсир кўрсатган, нафақат миллий, балки умумбашарий аҳамиятга эга бўлган улкан воқеалар, буюк шахслар, ноёб осори атиқалар ҳамда муқаддас зиёратгоҳларнинг кўплиги ва бошқалар.

Ўзбекистон тарихи мазкур мезонларнинг барчасига тўлиқ жавоб беришини бугунги кунда нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам, таниқли давлат арбоблари ҳам тан олмоқда. Айнан шу ҳақиқатга таянган ҳолда ўзбек халқи тарихини буюк ва қадимий эканлигини эътироф этишимиз ҳамда у билан ҳақли равишда фахрланишимиз керак. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг ўз асрларида: “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалага ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўйядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғирилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”<sup>3</sup>, - дея фикрлари асосида маънавий тарбия масаласини долзарблигини яна бир бор ифода этишимиз керак.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон таълим муассасаларида 1991 йилдан махсус мустақиллик дарслари жорий этилган. Мазкур ўқув-услубий қўлланмада мустақиллик дарслари учун тасдиқланган махсус ўқув режа ва дастури асосида белгиланган мавзулар бўйича матнлар, турли хил чизмалар, назорат учун саволлар ва такрорлаш учун тестлар кенг миқёсда ишлаб чиқилди.

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 4-б

Ўқув қўлланмада ёритилган масалалар ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни ватанпарварлик, фидойилик, инсонийлик руҳида тарбиялашга амалий ёрдам беради.

## БИРИНЧИ ДАРС

### МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ БАҲПО ЭТИЛИШИ

#### Режа

1. Ўзбекистон – буюк ўтмиш ва узок тарихга эга бўлган давлат. Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол учун кураш тарихидан.
2. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл тутиши.
3. Ўзбекистон – мустақил давлат.
4. Оғир синов йиллари.
5. Огоҳлик – мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили.

Ўзбек халқи ўз тарихий тараққиёти давомида оғир ва мураккаб синовларни бошдан кечирган. Марказий Осиё давлатлари жойлашган географик кенглик, айниқса, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доимо турли ташқи босқинчи кучлар диққатини ўзига тортиб келган. Чунки бу ҳудуд Шарқ билан Ғарбни, Шимол билан Жанубнинг боғланишида энг қулай чорраҳада жойлашган бўлиб, гўзал ва бетакрор табиатга, серҳосил тупроғи ва ерости бойликларига эга. Бунинг натижасида юртимиз ҳудуди, шаҳар ва қишлоқлари жуда кўп марта вайрон этилган, халқимизнинг фидойи фарзандлари Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлган. Бойликларимиз таланган, аجدодларимиз тазйиқ ва таъқиб остида яшаган.

Халқимизнинг Ватан мустақиллиги учун олиб борган кураши тарихига назар ташлар эканмиз, унинг оғзаки ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қаҳрамонлар образлари тасвирланганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бу қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар. Чунончи, Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ҳақидаги халқ оғзаки эпосларида ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган.

“Тўмарис” эпосида Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига, хусусан, эрамиздан аввалги VI асрда бу ўлкага бостириб кирган Эрон аҳмонийлари шоҳи Кир II га қарши Массaget қабилаларининг қаҳрамонона кураши акс этган. Кир II қўшини тор-мор этилиб, унинг ўзи милоддан

аввалги 529-йилда жанг майдонида ўлдирилади. Боши танидан жудо қилиниб, қон билан тўлдирилган мешга солинади.

Доро қўшинларига қарши турган халқ қаҳрамонининг жасоратини акс эттирган “Широк” эпоси ҳам Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашини акс эттиради. Ватанпарварлик ва жасорат, Ватани ва халқининг бахт-саодати йўлида фидойилик қилишга шай, тайёр туриш каби юксак маънавиятлилик сак қабиласининг ўғлони чўпон Широк тимсолида гавдаланган.

Юқорида келтирилган ҳар иккала халқ оғзаки ижоди намуналари замирида ҳақиқий тарихий далиллар ётади. Тўмарис ва Широк халқ қаҳрамонлари аҳмонийлар тажовузига қарши курашган, ўз халқи, Ватани учун жонини ҳам аямайдиган буюк ва мислсиз мардлик ҳамда жасорат тимсоли ҳисобланади.

Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандар Ўрта Осиё худудига босқинчилик юришларини уюштирди. Унга қарши Спитамен бошчилигидаги сўғдийлар кураш олиб боради. Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Искандар учун Спитамен катта хавф туғдирганлиги сабабли, унга қарши жиддий тайёргарлик кўради. Милоддан аввалги 328 йилда Спитамен Бақтрияда ва Қуйи Зарафшонда юнон-македонларга қарши ҳужум бошлайди, аммо бу жанглар Спитамен қўшини учун муваффақиятсиз яқунланиб, Спитамен саклар билан чўл худудларга чекинишга мажбур бўлади ва у ердаги жангларда ўлдирилади. Спитамен бошчилигидаги кураш мағлубиятга учраганига қарамасдан, Ватан мудофааси ҳамда озодлиги учун олиб борилган муқаддас кураш тимсоли сифатида тарихимиз саҳифаларида муҳрланиб қолган.

VII асрнинг охири – VIII асрнинг бошларида араб босқинчилари Мовароуннаҳрни босиб оладилар. Бунда истило ва истидодга қарши кураш ғоялари ягона мақсад йўлида, масалан, Турон заминни истилочилардан озод қилиш учун бўлган жангларда бирлаштирувчи ғоя бўлади. Хусусан, Муқанна

бошчилигидаги кўзғолон ва унинг озодлик учун кураш ғоялари истилочиларга қарши курашда мафкура вазифасини бажарди.

XIII аср бошида Ўрта Осиё ҳудудига Чингизхон бошчилигида мўғуллар бостириб киради. Уларга қарши курашган қаҳрамон амирлардан бири Хўжанд ҳокими Темур Малик бўлган. Бир ярим ой давомида жон олиб, жон бериб Хўжанд шаҳрини ҳимоя қилган. Ўт ичида қолган шаҳарни иложсиз тарк этиб, Сирдарё ўртасида бир оролга жойлашади ва душманга қарши курашишни давом эттиради. Ниҳоят, махсус кемалар ясаб, дарё оқими бўйлаб Хоразм томон сузиб кетадилар. Халқ қаҳрамони Темур Маликнинг бундан кейинги қаҳрамонликлари Хоразм ва она юртнинг бошқа ҳудудларини босқинчилардан ҳимоя қилувчилар сафида кечди.

1221 йилнинг ёзида мўғуллар Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганчга хужум қилганда Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сингари саркардалар халқ қасоскорлари билан бир сафда жанг қилдилар. Бу жангда оташнафас шоир, ҳақиқат ва маърифат илми пешвоси Шайх Нажмиддин Кубро беназир ибратдир. Мамлакат бошига мусибат тушганда 76 ёшли шайх ўз муридларини ёвга қарши курашга илҳомлантириб турди. Чингизхон доғруғи дунёга кетган шайх ҳузурига элчи жўнатиб, унга ўз яқинлари билан шаҳарни тарк этишни таклиф этади. Шайх эса, табиийки, Чингизхон “марҳамат”ини рад этиб, унинг элчисига “Шу тупроқда туғилибмиз, шу тупроқда ўламиз!”, – деб жавоб беради. Эртаси куни шайх Нажмиддин Кубро ўз шогирдларини қуроллантириб, мўғулларга қарши жангга бошлайди. Ўзи ҳам қўлида қурол билан душманга қарши жанг қилади. Жароҳатлангач, йиқилаётиб душман байроғига чанг солади. Жангчи мўғуллар жонсиз шайх қўлидан байроқни ажратиб ололмаганлар.

Мовароуннаҳрни босиб олиш мўғуллар учун осон кечмади. Хоразмшоҳнинг тўнғич ўғли Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби Ватан ҳимоячилари сўнги нафасларигача душманга қарши курашаётган халққа раҳнамолик қилдилар. Улар ўзларининг ботир жангчилари билан ўн

йил давомида гоҳ Мовароуннаҳр, гоҳ Афғон ва Ҳинд, гоҳ Эрон ёки Кавказда пайдо бўлиб, мўғулларга қақшатқич зарбалар беришда давом этдилар.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда юз берган муҳим ватанпарварлик жасоратларидан яна бири — Маҳмуд Торобий етакчилигида истилочиларга қарши кўтарилган кўзғолон бўлди. Кўзғолон 1238 йили Бухоро шаҳридан уч фарсах узоқликда жойлашган Тороб қишлоғида бошланди. Кўзғолонга мўғул босқинчиларининг кун сайин ошиб бораётган зулми ва аскарининг бебошлиги сабаб бўлди. Лекин кўзғолончилар етарли даражада фаоллик ва ташаббус кўрсата олмадилар. Кўзғолон бошқа шаҳарларга тарқалмади. Жанглардан бирида Маҳмуд Торобий яраланиб, ҳалок бўлади. Мўғулларга қарши курашларнинг мағлубиятга учрашига карамай, бу курашлар уларнинг зулмини кучсизлантиришга хизмат қилган.

Мовароуннаҳрни мўғул истилочиларидан озод этиш, тобора парчаланиб бораётган мамлакатни бирлаштириш, унинг мустақиллигини таъминлаш, босқинчилар зулми остида йилдан–йилга ночорлашиб, қашшоқлашиб бораётган халқ турмушини яхшилаш йўлида олиб борилган курашларга буюк Соҳибқирон Амир Темур бошчилик қилди.

1370 йилда Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, мамлакатда қайта тиклаш ишлари, ободончилик, суғориш тармоқларини барпо этиш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратди. Турли тоифаларга мансуб мулк эгаларини бир қўл остида бирлаштирди. Давлат сарҳадларини душманлардан ҳимоя этиш мақсадида Мўғулистонга етти марта ҳарбий юришларни амалга оширди ва ғалабаларга эришди. Мовароуннаҳрнинг шарқий ва шимолий ҳудудлари дахлсизлигини таъминлади. Бунинг натижасида Мовароуннаҳр марказлашган, қудратли давлатга айланди.

Умуман олганда, Амир Темур давлатида:

- шаърий ва инсоний қонунлар устуворлиги;
- қудратли ҳарбий қўшинга эгаллиги;
- инсон, жамият манфаатлари улуғворлиги;
- мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланганлиги;

- давлатлараро ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларнинг мустақамланиши;

- қонун устуворлиги таъминланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустақамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида кадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади”<sup>4</sup>.

Амир Темур вафотидан сўнг темурийзодалар ўртасида тахт учун курашлар марказлашган давлатни парчалабгина қолмай, уни заифлаштирди. Натижада XVI аср бошларида Дашти Қипчоқ томонидан кўчманчи ўзбеклар давлати ҳукмдори Муҳаммад Шохбахт Шайбонийхон кўшинлари Мовароуннаҳрни босиб олди. Кейинчалик, Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрда ташкил этган давлати Бухоро хонлиги деб атала бошланди.

XVIII асрга келиб эса Ўрта Осиё ҳудуди учта (Бухоро, Хива, Қўқон) хонликка бўлиниб кетди. Бироқ Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги сиёсий ҳукмронлик учун низо ва урушлар пировардида мамлакатни инқирозга туширди. Бундай сиёсий вазиятдан фойдаланган Россия империяси XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё давлатларини босиб олди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги сиёсий мустақиллигини сақлаб қолган бўлсада, иқтисодий нуқтаи назардан Россия империясининг протекторати остида қолган эди. Қўқон хонлиги бутунлай тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон ўлкаси ташкил этилди.

Россия империяси истибдодига қарши маҳаллий аҳолини тинимсиз норозиликлари халқ қўзғолонлари ва ҳаракатлари шаклида намоён бўлиб турди. Хусусан, 1892 йилги Тошкент қўзғолони, 1898 йилги Андижондаги Мадали Эшон қўзғолони, XX аср бошларидаги Номоз Ботир бошчилигидаги Самарқанд вилоятидаги қўзғолонлар бунинг ёрқин мисолидир. 1916 йилда

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 410-б.

Туркистонда мустамлакачилик зулмининг янада кучайиши, оғир иқтисодий танглик, очарчилик ва қашшоқликнинг авж олиши сабабли истибдодга қарши халқ кўзғолонининг янги тўлқини бўлиб ўтди. Бироқ, кўтарилган озодлик ҳаракатлари тарқоқ ғоявий жиҳатдан бирлашмаган бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири хонликлар ўртасидаги адоват, қарама-қаршилик ва зиддиятлар бўлган. Шунинг учун улар осонликча бостирилар эди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жадиличлик ҳаракати кенг тус олди. Мазкур ҳаракатнинг таниқли намоёндалари Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Убайдулла Хўжаев, Полвонниёз Ҳожи Юсуповлар мамлакатни инқирозли ҳолатидан бошқарув, дин, маориф, маданият соҳаларини ислоҳ қилиш йўли орқали олиб чиқишга ҳаракат қилган.

Жадиличлик Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида турлича кечган бўлишига қарамасдан, уларни ягона ғоя, яъни мустақиллик учун курашиш ғояси бирлаштирган. Улар турли хил маданий жамиятлар, нашриётлар, китоб дўконлари, жамоатчилик кутубхонлари, янги услуб мактабларини очдилар. Жадиждар ўзларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари билан миллат манфаатларини ҳимоя қилган.

XX асрнинг 20-йилларига келиб Ўрта Осиё ҳудудида совет ҳокимияти ўрнатилиб, “янги” мафкура – коммунистлар мафкураси таркиб топди. 70 йил давомида ҳукмрон мустабид сиёсат доирасида “ғайри инқилобий” қарашлари учун маҳаллий зиёлиларга қарши кураш олиб борилди. 1930, 1950, 1980 – йиллардаги сиёсий қатағонлар тўлқини юзлаб маданият, фан, адабиёт, сиёсат арбобларининг қурбон бўлишига сабаб бўлган.

XX асрнинг 70-80 йилларида собиқ иттифоқ иқтисодиётининг ривожланиш суръати тобора пасайиб, буйруқбозлик бошқарув усули мамлакат ривожланишига тўсқинлик қилмоқда эди. Бундан ташқари, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб

хусусиятларини тушунмаган коммунистлар маҳаллий халқнинг урф-одатлари, анъаналарини камситдилар.

XX асрнинг 80-йилларида собиқ СССРнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида инқирозли вазиятлар кескинлашиб борар эди. Натижада, иттифоқ таркибидаги республикаларни давлат мустақиллигини кўлга киритишга қаратилган интилишлари фаоллашиб борди. Ўзбекистонда мазкур жараёнлар 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, 1990 йил 24 мартда Президентлик лавозимининг таъсис этилиши, шунингдек 1990 йил 20 июнида “Мустақиллик Декларацияси”ни қабул қилишда ўз ифодасини топди. Хусусан, “Мустақиллик Декларацияси”да умумбашарий қадриятлар ва демократия тамойилларига асосланиб давлат суверенитети эълон қилинди. 12-моддадан иборат мазкур Декларациянинг 1-моддасида: “Ўзбекистоннинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларини белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир”, - деб белгилаб қўйилди. Мазкур тарихий воқеа Ўзбекистоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақиллигини тасдиқлаб берди.

1991 йил 31 августда республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Давлат мустақиллигини эълон қилди. 1 сентябрь Мустақиллик куни деб белгиланди. Шунингдек, Олий Кенгашда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” Қонун қабул қилинди. 17 моддадан иборат ушбу қонуннинг биринчи моддасида: “Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан мустақил, демократик давлатдир”, - деб белгилаб қўйилди. Давлат мустақиллиги тўғрисидаги мазкур ҳужжатлар ўзбек халқининг асрий орзусини рўёбга чиққанлигининг ҳуқуқий ифодаси бўлди. Ўзбекистон мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш, халқимиз учун ўз тақдирини ўзи

белгилаш, ўзлари учун муносиб тараққиёт йўлини танлаш имкониятини яратди.

1991 йил ноябрда бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг VIII сессиясида Давлат мустақиллиги бўйича референдум ўтказиш масаласи кўриб чиқилди. Мазкур сессияда 1991 йил 29 декабрида Давлат мустақиллиги тўғрисида референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Референдумда овоз бериш бюллетенига: “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?” саволи қўйилган эди. Умумхалқ референдумида жами 9898707 та, яъни сайловчиларнинг 94,1% катнашиб, улардан 98,2% Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини маъқуллаб овоз берди. Шу тариқа давлат мустақиллиги халқ томонидан маъқулланди.



1-чизма. Давлат мустақиллигининг ўзига хос хусусиятлари

Бирок давлат мустақиллиги катта масъулият бўлиб, дастлабки кунларданок, уни ҳам ташқи, ҳам ички ғанимлардан асраш зарурияти пайдо бўлди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муаммолар тўпланиб борди, уларни маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан ҳал қилишга уринишлар ҳеч қандай натижа бермади. Халқ орасида пинҳона ўсиб бораётган ишончсизлик, лоқайдлик кайфиятлари аста-секин юзага чиқа бошлади. Сиёсатга қарши митинг, намойишлар ўтказиш, ҳатто ноҳуш воқеалар ҳам содир бўла борди.

Хусусан, 1989 йилнинг май-июнь ойларида Фарғонада фожиали воқеалар содир бўлди. Бунда II Жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга сургун қилинган месхети турклар ва маҳаллий аҳоли ўртасида минтақавий тўқнашувлар бўлиб ўтди. Фарғонада амалга оширилган сиёсий ифвогарлик, кейинчалик, 1990 йил февраль – март ойларида Бўка ва Паркент, 1990 йил июнида Ўш ва Ўзган воқеалари, 1991 йилнинг 8 декабридаги Намангандаги собиқ вилоят ижроқўми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституцион тузумга қарши тажовузлари, 1991 йил октябридаги Олий кенгаш 7-сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уринишлар, 1992 йил 16 январиди Талабалар шаҳарчасида уюштирилган тартибсизликлар ва шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар халқимизнинг ҳамжиҳатлигини бузиш, унинг эркинлик ва озодлик учун олиб бораётган курашига зарба беришга қаратилган эди. 1999-2001 йилларда эса мустақилликка қарши курашлар дин ниқоби остида террорчи тўдаларнинг халқ тинчлиги ва барқарорлигига хавф туғдириши билан бирга мавжуд конституцион тузумни ағдаришга қаратилган эди. 2004 йил 28 март-1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларида, 2004 йил 30 июлида эса Исроил ва АҚШ элчихоналари, Ўзбекистон Бош прокуратураси биноси олдида такроран террорчилик ҳаракатлари содир этилди. 2005 йил май ойида диний экстремистик гуруҳлар томонидан Андижонда содир этилган ваҳшиёна терактларида бир қанча бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди. Юқорида қайд этилган ғайриинсоний ҳаракатларнинг асл моҳияти жамиятдаги бунёдкорлик

мухитини бузиш, танланган демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга йўналтирилган эди.

Бироқ ёвуз кучларнинг мақсадлари амалга ошмади. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги раҳбарият томонидан ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида кескинлик бартараф этилди. Шунингдек, мазкур ҳолатлар ҳар бир ўзбекистонликни ёшлар тарбияси, юрт тинчлиги ва осойишталиги масаласида огоҳ ва янада хушёр бўлишга, фахрланишимиз мумкин ва лозим бўлган бебаҳо кадриятлар – мустақиллик, миллатлараро тотувлик, тинчликни, Ватанни хавф-хатардан сақлашда янада масъулиятли бўлишга туртки бўлди.

Бугун биз — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган тарихий бир даврда яшамоқдамиз. Маънавий тарбия соҳасидаги амалга оширилаётган ишларни янада самарали олиб борилишида юқорида номлари зикр этилган улуғ аждодларимизнинг ҳар бири ҳақида кенг оммага, энг аввало ёшларга мўлжалланган кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар, мақола ва рисолалар ёрдамида тарғиб этишни кучайтиришимиз зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” номи рисоласида маънавий тарғибот ишларини кучайтиришнинг қуйидаги йўллари асослаб берилган:

– одамнинг иродаси, дунёқараши бақувват бўлиши учун унинг ҳаётга, эртанги кунга, ўзининг куч ва имкониятларига ишончини мустаҳкамлашда асосли ва ҳаққоний маълумот ва ахборотларга эга бўлиши зарур. Бу борада оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий–иқтисодий сиёсатни, янгиланиш ва ўзгаришларни ҳар томонлама чуқур, таъсирчан усуллар ёрдамида ёритиб бориши керак;

– ҳар бир инсон қалбида ота–боболаримиз хоки ётган бу юрт, бу муққадас замин – бизники, унинг бугуни ва истиқболи фақат ўзимизга боғлиқ, мустақиллик пойдеворини қурган инсонлар бошлаган ишларни давом

эттириш – ҳар биримизни эзгу бурчимиз, деган тушунчани, керак бўлса ҳаётий эътиқодни ёшларимиз онгу шуурига сингдиришимиз зарур.<sup>5</sup>

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани — бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз<sup>6</sup>.

Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

### **Назорат саволлари**

1. Мустақиллик тушунчаси ва мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Мустақиллик учун кураш деганда нимани тушунаси?
3. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритишнинг тарихий босқичлари.
4. Умумхалқ референдуми нима, унинг давлатни бошқаришдаги аҳамияти?
5. Мустақил давлатнинг асосий белгилари.
6. Огоҳлик – давр талаби иборасини тушунтириб беринг.

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 13-15 б.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 3-б.

## ИККИНЧИ ДАРС

### ТАРАҚҚИЁТНИНГ “ЎЗБЕК МОДЕЛИ”, УНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

#### Режа

1. Ислом Каримов — мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлининг ижодкори. Амалда ўзини тўлиқ оқлаган беш тамойил.
2. Ҳуқуқий демократик давлатнинг барпо этилиши.
3. Эркин фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши.
4. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларининг яратилиши.
5. Жамият маънавий ҳаётининг юксалиши.
6. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, уни ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилган ютуқлар.

XX асрнинг 90-йиллари Ўзбекистон тарихида туб ўзгаришлар даври сифатида эътироф этилади. 1991 йилда Ўзбекистон халқининг асрий орзулари рўёбга чиқди: Ўзбекистон мустақилликка эришди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, янги жамият куриш учун туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, миллий истиқлол мафқураси асосида қатор иқтисодий ислоҳотлар ҳам амалга оширила бошланди.

Янги барпо этилаётган жамиятнинг моҳияти, афзалликлари ҳақида сўз юритилар экан, истиқлол туфайли халқимиз манфаатларига мос сиёсат ишлаб чиқилганлиги ҳамда дунёнинг ривожланган мамлакатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан кенг маънодаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигини қайд этиш жоиз.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидаги амалга ошириладиган муҳим ўзгаришлар ҳақида гап борар экан, мамлакатнинг ўша пайтдаги иқтисодий аҳволи борасида айтиб ўтиш ўринлидир. Собиқ мустабид тузумдан бизга мерос бўлиб қолган иқтисодий қарамлик натижасида Ўзбекистон ўз табиий бойликларига, ер-сув ва бошқа ресурсларига ўзи эгаллик қила олмасди. Республика худудида қурилган ва фаолият кўрсатаётган барча саноат корхоналари бевосита марказга, унинг мақсадларига бўйсундирилган эди.


Ўзбекистон раҳбарияти, ўзбек халқи республика ҳудудидаги табиий захиралардан қанча маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани, улар қаерга сарфланиб, қанча иқтисодий даромад келтираётгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмас эди. Молия-кредит муассасалари фаолияти ҳам бутунлай қарам ҳолатда эди: республикада ўзининг миллий валютаси ва валюта жамғармасига ҳам эга эмас эди. Аҳоли турмуш даражаси жиҳатидан собиқ Иттифоқ миқёсида энг ночор аҳволда эди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон аҳолисининг деярли учдан икки қисми банд бўлиб, улар қўл учидан тирикчилик қилар эдилар. Умумий иқтисодий тангликни юзага чиқарган ижтимоий ҳамда экологик муаммолар эски мустабид тузумдан қолган мерос эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республиканинг ўз тараққиёт йўлини белгилаш, Ватанимизни эркин, кучли ва равақ топаётган мамлакатга айлантириш энг биринчи галдаги масала бўлиб қолди. Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди.

Вазият тақозоси билан Ўзбекистон дастлабки кунларданок, бир ёқлама ривожлантирилган мажруҳ иқтисодиётдан мерос бўлиб қолган, табиий ва минерал-ҳомашё захираларидан нотўғри фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда, нарх белгилашда, аҳоли истеъмол таркибидаги бузилишлар туфайли вужудга келган ғоят кескин муаммоларни яқка ўзи ҳал қилишга мажбур бўлди. Маъмурий буйруқбозлик, яъни маъмурий йўл билан режалаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлардан бозор муносабатларига ўтиш тартиби ва усуллари ўзи белгилашга мажбур бўлди. Жаҳон хўжалик алоқалари тизимига кириш, давлатлараро иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишнинг энг мақбул йўллари изланди.

Буларнинг барчаси жамиятни янгилашда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда бозор муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос йўлини

излашни талаб қилар эди. Мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлининг ижодкори сифатида давлатимиз раҳбари И.А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” каби асарларида ҳамда кўплаб маъруза ва нутқларида Ўзбекистон халқи қандай мақсад сари интилаётгани, қандай жамият барпо этаётгани илмий асосда кенг ва атрофлича ёритиб берилган. Айниқса, Президентнинг “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асари мустақил тараққиёт учун чуқур иқтисодий билимларга таянган ҳолда собиқ Иттифоқ тузумининг оғир асоратларига қарамай, мамлакатнинг ўз иқтисодий тараққиёт йўли, Ўзбекистон янги асрга қандай режалар билан кириб бораётгани илмий асослаб берилган. Мазкур асарда ўзбек халқининг пировард мақсадлари — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, барқарор иқтисодиётга асосланган эркин фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат барпо этиш алоҳида таъкидлаб ўтилади.



2-чизма. Фуқаролик жамиятининг таркибий тузилиши

Бинобарин, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги туб ўзгаришлар тоталитар тузумнинг барча жабҳаларида янгиланишлар ва бурилишлар юз беришига муҳим тurtки бўлди. Мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий ислохотлар жамиятнинг ижтимоий ҳаётида бирламчи аҳамият касб этди.

Шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлининг ижодкори сифатида Президент И.А. Каримовнинг жамиятдаги янги муносабатларни қарор топтириш ёки такомиллаштиришга йўналтирилган қатор Фармойишлари, шунингдек қонунлар ва ҳукумат қарорлари янгича дунёқараш, миллий мафкура асослари тарғиботи ҳам тараққиётнинг Ўзбекистонга хос йўлини белгилаб берди. Айнан шу йўл ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечирishi учун кафолат бўла олади, миллий анъаналар ва маданиятнинг ривожланишини, маънавий-ахлоқий кадриятларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат қурилишининг бош йўналиши машаққат билан қад ростлаган мамлакатларнинг мураккаб тажрибасини, шу билан бирга, республиканинг ўз хусусиятларини ва халқимиз ақл-заковатини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган ўз йўлимиздан аниқ мақсад сари қатъият билан илгарилаб боришдан иборатдир.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш учун мамлакат иқтисодини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бунинг учун, энг аввало, иқтисодий ислохотларнинг қуйидаги асосий стратегик мақсадлари белгилаб олинди:

- жамият аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти учун зарур ва етарли шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш;
- мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни яратиш;
- хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга эришиш;
- корхоналар ҳамда фуқароларга эркин иқтисодий фаолият олиб боришлари учун шароит яратиш ҳамда имтиёз ва эркинликлар бериш;

- иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш;

- жамият аъзолари онгида янгича иқтисодий фикрларни шакллантириб бориш.

Ислохотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган стратегик мақсадлари иқтисодий муносабатлар тизимида давлатнинг ўрнини аниқлашга тегишлидир. Ўзини ўзи бошқариш вужудга келмаган, эркин рақобат бўлмаган, ташқи алоқалар чекланган бир шароитда талаб ва таклиф таъсирида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдан воз кечиши тангликнинг чуқурлашишига, нарх-наво ўсиши ва пулнинг қадрсизланиши кучайишига туртки бўлади.

Ислохотни амалга оширишда унинг босқичлари изчил бўлиши муваффақият гаровидир. Эркин бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик жамият барпо этишдан иборат пировард мақсад унга борувчи ҳар бир босқичда ўз ифодасини топмоғи лозим. Ҳар бир босқични шакллантириш мақсадлар уйғунлигини ва уларга изчиллик билан эришишни таъминлаши зарур. Ҳар бир босқич учун қўйилган аниқ вазифалар, бу вазифаларни ҳал қилишнинг пухта ишлаб чиқилган механизмига танлаб олинган мақсад сари босқичма-босқич ишонч билан олға боришни таъминлайди. Бу ҳол куч ва ресурсларни олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришга йўналтириш, энг муҳим устуворликларни аниқлаш, иқтисодий ислохот жараёнини ана шу мақсадларга эришишга бутунлай бўйсундириш имконини беради.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистоннинг қандай тараққиёт йўлидан бориши бутунжаҳон афғор оммасини қизиқтирган савол бўлгани сир эмас. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, дунёдаги барча мамлакатлар учун бир хил бўлган тараққиёт йўли, бир хил андоза бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўзига хос тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлининг

ижодкори сифатида Президент асарлари, маъруза ва нутқларида янги маъно-мазмун билан тўлдирилиб, аниқлаштириб берилди. Президент “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” янги жамият қуришнинг 5 тамойилини асослаб берди:

1. Иқтисодиётни мафкурадан тўла холи қилиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши.

2. Давлат — бош ислохотчи, иқтисодий ўзгаришлар ташаббускори.

3. Қонун устуворлиги, ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларга қурилиши.

4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашнинг устуворлиги.

5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш. Бунда ислохотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш кўзда тутилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли назарий ва амалий жиҳатдан пухта белгилаб олинди. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” бундан олдин яратилган ва мавжуд бўлган моделларнинг ҳеч бирини такрорламайди. У ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан бутунлай янги тараққиёт модели бўлиб, бу йўл халқимиз томонидан ҳам, халқаро майдонда ҳам, тараққиётнинг “Ўзбек модели” деб қабул қилинди. Мазкур модел ҳақида кейинги ўринларда батафсил тўхталиб ўтилади.

Ишлаб чиқилган тамойиллар ҳаёт синовидан ўтди. Амалий иш жараёнида уларнинг тўғрилиги ва таъсирчанлиги тасдиқланди. Бу тамойиллар жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди, энг муҳими, халқимизнинг ўзи уларни қабул қилди ва қўллаб-қувватлади. Ҳозирги вақтда мазкур тамойилларни амалга ошириб, республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик, бозор муносабатларини жорий этиш сари босқичма-босқич ўтиб бориш таъминланмоқда.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтириш бўйича қатъий ва изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган чуқур сиёсий ислохотлар ўтказиш йўлидан бормоқда. Жумладан, мустақиллик қўлга киритилгач, миллий ҳуқуқий давлат қуриш, демократик жамият барпо этиш, бозор муносабатларини шакллантириш каби долзарб вазифалар Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишни тақозо этди.

“Мустақиллик декларацияси” қабул қилинган Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган 2-сессиясидаёқ, янги Конституция лозим, деган хулосага келинган эди. Сессияда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошчилигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузилади.

Конституциявий комиссия Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш устида икки ярим йил ишлади.

Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрганилди, инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунчилик соҳасида жаҳонда қўлга киритилган ютуқлар ҳисобга олинди. Миллий давлатчилигимизнинг тажрибаси, Амир Темур ва бошқа давлатчилигимиз тарихида залворли ўрин тутган алломаларимизнинг давлатни идора қилиш соҳасидаги ғоялари янги Конституцияга асос қилиб олинди.

1992 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Муҳокама икки ой давом этди. Муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар асосида тузатишлар киритилган лойиҳа 1992 йил 26 ноябрда матбуотда иккинчи марта эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси даврида билдирилган олти

мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинди. Олий Кенгашнинг 1992 йил декабрда бўлган XI сессияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш масаласини муҳокама қилди. Сессияда депутатлар лойиҳага 80 га яқин ўзгартириш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Шундай қилиб, 1992 йил 8 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун – 8 декабр умумхалқ байрами – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Преамбула, 6 та боб, 26 та бўлим, 128 та моддадан иборат. У “Мустақиллик Декларацияси”, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунда мустақамланган тамойиллар ва ғояларни ўзида тўла мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ижодкор халқимизнинг хоҳиш, иродаси ва доно фикр-мулоҳазалари асосида ва жаҳонда тўпланган энг илғор конституциявий ривожланиш тажрибасини ва миллий давлатчилигимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш жараёнида унинг моҳиятини очиб берувчи қуйидаги асосий тамойилларни билиб олишга аҳамият бериш зарур:

1. Ўзбекистон Конституциясининг муҳим тамойили давлат суверенитетидир. “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлар бир маънони англатади.

2. Конституциямизнинг тамойилларидан яна бири халқ ҳокимиятчилигидир.

3. Давлат ҳокимиятининг уч тармоққа бўлиниши. Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши қонунлаштирилди.

4. Асосий конституциявий тамойиллардан бири демократияга содиқликдир. Конституцияда умуминсоний демократик тамойилларнинг, халқаро ҳуқуқ соҳасида умумэътироф этилган қоидаларнинг устунлиги тан олинган.

5. Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий кадрият эканлиги белгилаб қўйилган.

6. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги. Конституциянинг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”, - деб белгилаб қўйилган.



**3-чизма. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумининг принциплари**

Конституциянинг 21-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ягона фуқаролик ўрнатилган. Ўзбекистон Республикасининг миллати, элатидан қатъий назар барча фуқаролари Ўзбекистон халқини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақоми, Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. У мамлакатимизда қонунчиликнинг ривожланиши учун, ҳуқуқий ислохотлар учун асос бўлиб қолди. Юзлаб қонунлар, кодекслар, миллий дастурлар ишлаб чиқилди, умумхалқ муҳокамасидан ўтди, қабул қилинди ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амал қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг XI сессияси бўлиб ўтди ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилиб, мазкур Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига жамиятни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, икки палатали парламент тузиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Асосий Қонунимиз мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда, аввало Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, унинг палаталари мақоми ва ваколатларига доир 76-88-моддаларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. 89-модданинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари ҳамда вазифаларига доир 89, 90, 93, 95, 97-моддаларга ҳам ўзгартиришлар киритилди. 89-модданинг “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади” дейилган иккинчи қисми олиб ташланди.

Мухтасар қилиб айтганда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатлар янада демократик равишда қайта

таксимланади. Киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг, ҳукуматнинг масъулиятини кучайтиришга жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш қуйидаги омилларни ўз ичига олади:

1. Халқаро тан олинган ҳуқуқий принциплар эътиборга олиниши шарт.
2. Ривожланган демократик давлатлар тажрибаларига таяниш зарур.
3. Ўзбек давлатчилиқ тарихи ва кўп йиллик ахлоқий-маънавий кадриятларга асосланиши керак.
4. Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг энг демократик тизимларини барпо этиш.
5. Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими билан президентлик бошқаруви усулини танлаш.



*“Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир”.*

*И.А. Каримов*

#### **4-чизма. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойиллари**

Мустақилликнинг дастлабки кунларида мавжуд қонун чиқарувчи ҳокимият органи Олий Кенгаш ҳисобланиб, 1990 - 1994 йилларда фаолият юритиб, 200 га яқин қонун ва 500 дан ортиқ қарорлар қабул қилинди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, республика парламенти Олий Мажлис деб атала бошланди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида шундай деб белгиланади: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади”.

Мана шунга кўра, 1993 йил 28 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида” Қонунлар қабул қилинди. Олий Мажлис ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида 5 йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат бўлиши белгиланди.

Биринчи бор Олий Мажлисга сайлов 1994 йил 25 декабрда демократик, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилди.

Олий Мажлис 1994-1995 йилларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришдан иборат йўлни ҳуқуқий танлашга қаратилган 10 та кодекс, 2 та миллий дастур, 145 та қонун, 452 та қарор қабул қилинди. Шу билан бирга, 70 та халқаро шартнома ратификация қилиниб, халқаро конвенцияларга қўшилиш тўғрисида 58 та қарор қабул қилинди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 1999 йил декабр ойида сайловлар бўлиб ўтди. Сайловларда 7 та субъект, яъни 5 та сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан 1010 нафар номзод қатнашиб, сайланган депутатлар сони қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этди: ХДП — 48 нафар; “Фидокорлар” МДП — 34 нафар; “Ватан тараққиёти” — 20 нафар; “Адолат” СДП — 11 нафар; “Миллий тикланиш” ДП — 10 нафар; Ҳокимият вакиллик органларидан — 111 нафар; Сайловчилар ташаббус гуруҳларидан — 16 нафар. Жами: 250 нафар.

Ўзбекистон Республикаси бир палатали парламентининг 2000-2004 йилларда бўлиб ўтган 16 сессиясида 101 та қонун, 300 дан ортиқ қарор қабул

қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 329 та қонун ҳужжатиغا 1357та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Олий Мажлис 1995-2004 йилларда ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга оширди:

1. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамловчи қонунлар яратиш.
2. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш.
3. Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.
4. Шахснинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш.
5. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга ошириш.
6. Жойлардаги ҳокимият вакиллик органларига амалий ёрдам кўрсатиш.

Демак, Олий Мажлис бир палатали парламент сифатида халқ фикрини эътиборга олиб, ошкоралик тамойили асосида фаолият юритди. Бу эса миллий парламентаризм ривожланиши тарихида муносиб ўрин эгаллади.

2000 йил 25 майда II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 7 - сессиясида икки палатали парламент тузиш масаласи муҳокама қилинди.

2002 йил 27 январда “Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?” масаласида референдум ўтказилди. Референдум қатнашчиларининг 93,6%и рози эканликларини билдириб овоз бердилар.

2002 йил 4-5 апрелда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг 8-сессиясида “Референдум яқунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Бунга мувофиқ, республика парламентининг номи Олий Мажлис дейилиб, у икки палатали – қуйи ва юқори палаталардан иборат бўлиши белгилаб қўйилди. Қуйи палата – Қонунчилик палатаси, юқори палата – Сенат деб номланиб, уларнинг ваколат муддати 5 йил деб белгиланди.

2002 йил декабр ойида бўлиб ўтган II чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида” конституциявий қарорлар қабул қилинди. Қонунчилик палатаси 120 нафар депутатдан, Сенат эса 100 нафар сенатордан иборат этиб шакллантирилади.

2003 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, мазкур қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

2004 йил декабрь - 2005 йил январь ойларида мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга сайловлар ўтказилди.

Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат сайланди. Сенатга республиканинг ҳар бир вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри депутатлар кенгашларидан 6 нафардан, жами 84 нафар сенатор сайланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига асосан 16 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланди.

Икки палатали парламент ташкил этилиши натижасида Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар демократик асосда қайта тақсимланди. Парламентнинг жамият ҳаётидаги роли янада ошди. Давлат ҳокимиятининг энг демократик тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларининг ташкил этилиши ва янада либераллаштиришни давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими бўлган президентлик республика бошқарув усулининг яратилишида пухта замин вазифасини бажарди.

Ўзбекистонда бошқарув тизими тубдан ислоҳ қилинди. Миллий давлатчилик анъаналарини ўзида ифода этган ижройи ҳокимият — Олий Мажлис тузилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг

ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталари раислари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи кенгеси раиси киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Президент тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис Қарорлари, Президент Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари ижросини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарор ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. Президент топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этилишининг асосий шартларидан яна бири суд ҳокимияти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонун асосида суд ислохотлари ўтказилади.

Судларнинг мустақиллиги қонунлаштирилди, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди. Янги ислох қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи, адвокатура тизимининг мустақиллиги таъминланиб, мазкур ҳокимият қонуннинг устунлигини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенг эканлигини таъминлайди.

Янги ислоҳ қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти тизими қуйидагича белгиланади:



**5-чизма. Ўзбекистон Республикаси суд тизми**

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти қуришнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, маҳаллий давлат ҳокимиятлари ва қишлоқ фуқаролар йиғини фуқаролик жамиятининг негизи сифатида намоён бўлади. Демократик жамият бевосита фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий механизм яратишни тақозо этади.

Жамиятни демократлаштиришда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг устуворлиги асосий диққат эътиборда бўлмоғи

зарур. Шунга мувофиқ, 1992 йил январ ойидан бошлаб вилоят, туман, шаҳарларда ҳокимлик ташкил этилди. Ҳокимият қошида эса, ижроия аппарати тузилди. Ҳокимликлар ва ижроия аппаратлари жойлардаги корхона ва муассасаларга раҳбарлик қилиш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқаролар манфаатларига мос равишда ҳал этиб беради.

Ўзбекистон тараққиётининг асосий моҳияти ва бош йўли жамиятни демократлаштириш, эркин фуқаролик жамияти қуришдан иборатдир.

Демократик жамият қуриш бобида ҳамма давлат учун тайёр қолип ва андозалар йўқ. И.А. Каримов: “Дунёда бир-бирига ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бирига айнан ўхшаган икки давлат ҳам йўқ”<sup>7</sup>, - деганида ҳақлидир. Тўғри, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор: инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва уни амалга ошириши; озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi; давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги; давлат асосий органларининг сайлаш йўли билан тайинланиши ва уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши ва шу кабилар. Ўзбекистон Республикаси демократик жамият қуришда ана шу тамойилларга, умумжаҳон цивилизациясига асосланди. Шунингдек, у халқимизнинг неча минг йиллик миллий давлатчилигимиз негизларини, маънавий меросимиз илдизларини, миллий хусусиятларимиз ва бой анъаналаримизни янги жамият қурилишига татбиқ этиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон янги жамият қуришда адолат ва ҳақиқат ғоясига асосланмоқда. Республикамизда одамлар ўз қобилияти ва эҳтиёжларини тўла намоён қилиш ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, бу жараёни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратишга катта эътибор берилди. Негаки, бусиз адолатли жамият қуриб бўлмайди. Ана шундай имкониятлар яратилгандан кейингина, ҳар бир инсоннинг тақдири, турмуши ўзига боғлиқ бўлиб қолади. Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг салоҳиятига, меҳнат қилиш истагига боғлиқ бўлади.

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 2004, 38 - б.

Эркин фуқаролик жамиятининг асосий ричагларидан бири сифатида, энг аввало, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини эътироф этиш ўринлидир. Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги” Қонунга кўра, маҳаллий фуқаролар йиғинлари ўтказиладиган бўлди. Фуқаролар йиғинлари ўз-ўзини бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга сайланади. Қисқача айтганда, маҳалла тизими эркин фуқаролик тизимининг негизига айланди. Мустақиллик йилларида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий механизмларга асос солинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга таянади. Уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Ўзбекистон Республикасида ягона фуқаролик ўрнатилган. Ҳар бир фуқаро яшаш, шахсий дахлсизлик, турар жой дахлсизлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, сўз ва эътиқод эркинлигига эга бўлиб, бу ҳуқуқлар давлат томонидан ҳимоя қилинади. Фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади.

1995 йил 23 февралда I чақириқ Олий Мажлиснинг 1-сессиясида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими таъсис этилди. Вакил БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маркази, ЕХХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Фармонга биноан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилди.

Ўзбекистонда фуқаро ва давлат бир-бирига бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғланган. Давлат ўзининг фуқаролар олдидagi бурчини бажармоқда. Фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ҳам давлат олдидagi бурчлари, мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Давлат ҳар бир инсон зиммасига тарихий, маданий ва маънавий меъросни авайлаб-асраш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқ ва божларни тўлаш мажбуриятини юклайди. Конституциянинг 52-моддасида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”, деб белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, жамиятни демократлаштиришда инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг устуворлиги мана шундай қонунда кафолатланиб берилди.

Бу эса “ўзбек модели”нинг ҳаётга татбиқ этилишидаги эришилган ютуқларнинг асосий томонидир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок, демократик жамиятга ҳос сайлов тизими барпо этишга киришилди. 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, 1993 йил 28 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида” ва 1994 йил май ойида “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига

сайлов тўғрисида” ҳамда “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонунлар қабул қилинди.

Конституция ва қонунларда 18 ёшга тўлган фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис сайлови, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга. Ёши 35дан кичик бўлмаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти, 25 ёшга тўлганлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга. Фуқаро бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Демократик жамиятга хос сайлов тизимида бевосита оммавий ахборот воситаларининг муносиб ўрнини алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир. Эркин оммавий ахборот воситалари демократик институтларнинг муҳим асосий тармоғи ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари тизимида газета, журнал, ахборот агентликлари, нашриёт, телерадиокомпаниялар ва студиялар, электрон ахборот воситаларини келтириш мумкин. Журналистларнинг эркин ижод қилиши, мамлакат равнақи йўлида хизмат қилиши учун зарурий шарт-шароитлар яратилди. Оммавий ахборот воситалари бугунги кунда тўртинчи ҳокимият даражасида фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этиш аҳолининг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятининг ошиб бораётганлигида, турли сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг шаклланишида ҳам намоён бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг вужудга келиши ва фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Республика парламенти томонидан қабул қилинган “Жамоат ташкилотлари тўғрисида”ги (1991 йил 15 феврал), “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (1998 йил, янги таҳрири),

“Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида”ги (1992 йил 2 июл), “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги (1996 йил, декабр) қонунлар шулар жумласидандир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, эркин фуқаролик асосларининг яна бир асосий негизи сиёсий партияларнинг фаолияти ҳисобланади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида 4 та сиёсий партия фаолият юритмоқда. Улар қуйидагилардир:

1. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси 1991 йил 1 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида ташкил этилиб, дастур ва низоми қабул қилинди. Мазкур партиянинг “Ўзбекистон овози”, “Голос Узбекистана” газеталари ҳамда “Мулоқот” журнали нашр этилмоқда.

2. “Адолат СДП” — 1995 йил 18 февралда тузилган. Партиянинг Тошкентда бўлиб ўтган I таъсис қурултойида Дастури ва Низоми қабул қилинган. Партиянинг “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси мавжуд.

3. “Миллий тикланиш” демократик партияси (МТДП) — 1995 йил 3 июнда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида тузилиб, партиянинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Мазкур партиянинг “Миллий тикланиш” ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.


4. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛДП) — 2003 йилнинг охирида ташкил топган. Партиянинг мақсади тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. ЎзЛДПнинг “XXI аср” ҳафталик газетаси мавжуд.



**6-чизма. Сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши**

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, сиёсий партиялар фаолиятида ирқий, миллий, ижтимоий-диний адоват ва нафратни тарғиб этувчи, зўрликка ва конституциявий тузумни ағдариб ташлашга чақириш каби ҳолатлар қатъий таъқиқланади.

Шунингдек, давлат органлари, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолиятини чеклашга, бир партияли сиёсий тузум яратишга қаратилган ҳужжатлари ва хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мутлақо зид деб ҳисобланади.



### **7-чизма. Конституцион бошқарувга зид хатти-ҳаракатлар**

Эркин фуқаролик жамияти асосларининг шаклланишида жамоат бирлашмаларининг ҳам алоҳида аҳамияти бор.

Ўзбекистонда турли жамоат ташкилотлари ҳам фаолият юритмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари турли касб эгалари бўлган ходимларни жинси, диний эътиқодлари, ирқий ва миллий муносабатларидан қатъий назар ихтиёрий бирлаштирувчи мустақил оммавий жамоат ташкилоти сифатида фаолият юритмоқда.

Мустақиллик шароитида аёлларни, кўп болали оналарни ҳар томонлама муҳофаза қилишни янада кучайтириш, меҳнаткаш ва ижодкор аёлларнинг бозор иқтисодиёти билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш, илм-

фан соҳасидаги аёлларнинг имкониятларини янада кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 1 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси тўғрисидаги фармойиши билан Хотин-қизлар қўмитаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг асосий мақсади жамиятда хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг маънавий ва маданий талабларини қондириш, аёлларга ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва руҳан ёрдам бериш, оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун аёлларнинг иштирок этишларини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят хотин-қизлар қўмиталари, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, 38 шаҳар, 170 туман, 14 мингдан ортиқ меҳнат жамоалари ва турар жойларда ташкил этилган Хотин-қизлар қўмиталари фаолият юритмоқдалар. Қўмита қошида хотин-қизлар тоифаларига қараб тузилган турли-туман профессионал, ижодий ва бошқа уюшмалар иш олиб бормоқда.

1996 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Фахрийлар кенгаши — “Нуроний” жамғармасига айлантирилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолининг кенг қатламларини бирлаштирувчи 300 дан ортиқ жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари шаклланди ва фаолият кўрсатмоқда. Булар жумласига “Соғлом авлод учун” ва “Экосан” халқаро жамғармалари, “Маҳалла” ва “Наврўз” хайрия жамғармалари, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Улуғбек”, “Истеъдод”, “Меҳр-шафқат ва саломатлик”, “Болалар”, “Амир Темур”, “Алишер Навоий”, “Абдулла Қодирий” жамғармалари ва бошқалар киради.

Нодавлат ташкилотларнинг фаолияти ҳақида сўз юритганда “Камолот” жамғармаси ҳақида айтиб ўтиш ўринлидир.

Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги Фармониға мувофиқ, республика ёшларининг “Камолот” жамғармаси нодавлат хайрия-жамоат бирлашмаси сифатида ташкил топган эди. “Камолот” жамғармасининг вазифаси ёшларнинг манфаат ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни қондириш юзасидан дастурлар тузиш ва давлат кўмагида ҳаётга татбиқ этишдан иборат эди. Аммо “Камолот” ёшлар жамғармаси бундай вазифаларни бажара олмади, ёшларнинг ҳақиқий маънодаги етакчисига айлана олмади.

Президент И.А. Каримов 2001 йил 24 январ куни Тошкентда ёшлар масаласига бағишланган йиғилишда ёшларнинг чинакам суянчи бўладиган янги ташкилот ғоясини илгари сурди. 2005 йилнинг 25 апрелида “Камолот” ЁИХТ тузилиб, унинг дастури ва Низоми тасдиқланди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий мақсади ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўринни эгаллашида кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиш бериш, ёш авлоднинг таянчи ва суянчи бўлишдан иборатдир. Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар бўлимлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқ-тартибот органларида бошланғич ташкилотлари тузилди. Улар 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқароларини ўз сафларида ихтиёрий равишда бирлаштирган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистон фуқаролик жамияти асослари шакллантирилди. Бугунги кунда фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этувчи нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш устувор вазифа бўлиб турибди.

Мустақиллик йилларида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларининг яратилиши билан узвий боғлиқдир.

Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” Ўзбекистон истиқлолидан кейинги миллий тараққиёт заруратидан туғилган ривожланиш дастуридир. Унинг маъно-моҳиятини белгиловчи асосий омил — халқнинг фаровон ва эркин ҳаёт сари интилиши, тинч ва осуда тараққиёт йўлидаги хоҳиш иродасидир. Айнан мана шу омил миллий тараққиёт борасида ўзига хос йўл тутишни белгилаб берди. Шу боис “Ўзбек модели”, ўзининг шакл ва мазмун-моҳиятига кўра, бошқа бирор тараққиёт моделига ўхшамайди. Маълумки, мазкур модел ўзбек халқининг анъанавий турмуш тарзи, ҳаёт ақидаси, ҳаракат фалсафаси, руҳиятига асосланган ҳолда яратилди. Бунинг учун дунёнинг тараққий этган мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги йўли чуқур ўрганилди ва уларнинг қайси жиҳатларини қай тарзда жорий этиш тамойиллари ишлаб чиқилди. Энг муҳими, ислохотлар жараёнида қай жиҳатларини миллий анъаналар негизида жорий этиш керак, деган ҳал этувчи масалаларга ойдинлик киритиб олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда мустабид тоталитар тузум сўнггидаги иқтисодий таназул аҳволидан, янги ислоҳ қилинган ҳуқуқий демократик жамиятга олиб чиқишнинг бирдан-бир йўли сифатида мазкур моделнинг танланишини ўринли эканини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Танлаб олинган тараққиёт йўли Конституцияга асосланган бўлиб, Ўзбекистонни миллий давлатчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан камолотга муқаррар олиб борадиган йўл бўлиб, бешта асосий босқичдан иборат. Бешта асосий қоида Ўзбекистон давлатчилик қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилишдаги дастурининг ўзаги ҳисобланиб, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

**I. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги.** Бунинг моҳияти шундаки, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас, яъни, иқтисодиёт ҳар қандай сиёсатдан устун бўлмоғи лозим. Ҳам ички, ҳам ташқи муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур.

**II. Давлат бош ислохотчи.** Давлат ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши

ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпараст (ретроград) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт.

**III. Қонун устуворлиги.** Бунда қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиш зарурдир.

**IV. Кучли ижтимоий сиёсат.** Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказишга эҳтиёж сезилиши табиийдир. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

**V. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши.** Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар”сиз, яъни, эволюцион йўл билан, босқичма-босқич амалга оширилиши керак<sup>8</sup>.

Бу қоидалар Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикадаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлайди.

Бугунга келиб, амалда ўзини тўла оқлаган мазкур беш тамойил ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантиришда муҳим омил бўлади ва очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга замин яратди. Ишлаб чиқилган тамойиллар амалий ҳаёт жараёнида тўғрилиги, таъсирчанлиги билан ўз исботини топди. Иқтисодиёт, уни янада ривожлантириш муаммолари бугунги сиёсатнинг асосий мазмунига айланди. Шу билан бирга давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993, 45-б.

ташаббускори сифатида намоён бўла олди: иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаб, иқтисодий-ижтимоий соҳада ва ҳаётда туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши билан алоҳида роль ўйнайди.

Мазкур беш тамойил талабларига кўра бутун янгилашни ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланиб амалга оширилди. Биринчи навбатда иқтисодий базисни барпо этиш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш янги барпо этилаётган жамият учун муҳим ҳисобланади. Бунда иқтисодий ўзгаришлар стратегияси мафкурадан бутунлай холи қилиниши, яъни сиёсий мақсадларга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилмаслиги керак. Гар иқтисодий ислоҳотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилса, бундай мамлакатларда иқтисодиёт барбод бўлади: ишлаб чиқариш ҳажми кескин камаяди, аҳолининг турмуш тарзи моддий жиҳатдан ёмонлашади ва бунинг натижасида ижтимоий зиддиятлар келиб чиқади. Агарда иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб, сиёсий мақсадларга бўйсундирилмаса, бундай мамлакатларда иқтисодий ислоҳотлар демократик ва сиёсий ислоҳотлар учун мустаҳкам моддий негиз яратади. Чунончи, сиёсий демократик ислоҳотларни энг муҳим кўринишларидан бири сўз эркинлиги, виждон эркинлиги ҳамда иқтисодий фаолият билан шуғулланиш эркинлиги ҳуқуқини берадиган кучли қонунларга эга бўлган, бевосита иқтисодий негизнинг қанчалик мустаҳкам бўлишини тақозо этади. Шунинг учун биринчи тамойил ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини аниқ белгилаш йўлида ислоҳотнинг замонавий стратегиясида бошланғич нуқта ҳисобланади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тўла-тўқис тарзда ижтимоий ислоҳот ҳамдир. Бу ўзининг ҳаракат услубига кўра, иқтисодий ривожланиш самарадорлигини ижтимоий қафолат ва ижтимоий адолат билан боғлаш мақсадини кўзда тутаяди. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигини таъминловчи омиллар қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

1. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини ўтказиш. Бунда мулкчиликнинг нодавлат шаклларига: хусусий, ҳиссадорлик, жамоа, кооператив ва бошқа турларига асосланилади, янги ташкил этилаётган хўжалик субъектларининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш йўли билан кўп укладли иқтисодиёт шакллантирилади.

2. Бозор муносабатларида баҳони босқичма-босқич эркин белгилаш. Бунда монополиячиликка йўл қўйилмайди. Давлат корхоналари фаолиятини тижорат заминида ташкил этиш, хўжалик субъектларининг жавобгарлиги, тўлиқ иқтисодий мустақиллик учун соғлом рақобат муҳитини яратиш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

3. Бозор инфратузилмасини ташкил этиш. Бунда бозор шароитида ишлашга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш, горизонтал хўжалик алоқаларини бутун чоралар билан ривожланиш, шунингдек, бозорларни товар, молия, сармоя, иш кучи, технологиялар билан таъминлаш назарда тутилади.

4. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш механизминини жорий этиш.

Бозор иқтисодиётида давлат иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси сифатида намоён бўлади. Чунки, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор — давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозор ҳисобланади. Ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг, айниқса, унинг асосини, тизимини белгилайдиган тармоқлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, нарх-наволарни тартибга солиш турини, солиқ ва кредит муносабатларида муайян имтиёзлар яратилиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан ана шу тармоқларга ёрдам бериши лозимдир. Бозор муносабатларига ўтишнинг қийин даврида аҳоли манфаатларини фақат кучли тақсимлаш воситасига эга бўлган давлатгина ҳимоя қилишга қодирдир. Давлат иқтисодий фаолиятнинг хусусий асосларини вужудга келтиради ва тасдиқлайди ҳамда иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлади. Бундан ташқари, тартибга солинадиган бозор шароитида асосий

мақсад йўналишларни ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилаш ва бу йўлни босиб ўтиш юзасидан тактик қарорлар қабул қилишни давлат зиммасига юклатилади. Қолаверса, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш аҳоли ижтимоий ҳимоясининг самарали тизимини вужудга келтиришда ҳам давлат катта роль ўйнайди. Бозор институтларини яратиш учун қулай шароит туғдиради.

Умуман, бозор шароитида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш, одатда, иқтисодиётнинг давлат секторини ривожлантиришни бошқариш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўли билан бевосита, шунингдек, ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар ёрдамида билвосита амалга оширилади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонун устуворлигига асосланган учинчи тамойили ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қатъий замин бўла олади. Бусиз хўжаликни шакллантиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Бунда янги ҳуқуқий тизимни ишлаб чиқаришга тўғри келади. Унинг ўзагини асосий қонунлар –Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Қонунчилик фақат бозор муносабатлари қатнашчиларини аниқлабгина қолмай, балки уларни қарорлар қабул қилишга ва натижалар учун белгиланган қоидаларга риоя этилиши учун ҳуқуқий жавобгарликни ҳам талаб этади. Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принципи экан, у ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъий ҳукмронлигини назарда тутаяди. Чунки, бирор давлат органлари, юридик шахслар ёхуд хўжалик субъектлари, мансабдор шахс қонунга бўйсунмиш шарт, яъни қонун барча учун баробардир. Қонун устуворлиги шуни англатадики, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади. Унинг барча қатнашчилари, шубҳасиз, ҳуқуқий меъёрларни бузганлиги учун қонун олдида жавобгар бўлиши зарур. Демак, бозор иқтисодиётига ўтишда қонун устуворлиги жамият ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши учун муҳим асос бўла олади. Бинобарин, ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири – кучли ижтимоий сиёсат ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолатини таъминлайди. Зеро, барча ислохотлар – иқтисодий ҳамда сиёсий ўзгаришлардан кўзланган пировард мақсад жамият аъзоларининг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдан иборатдир. Шу сабабли, жамият бозор иқтисодиёти шароитида янги ҳолатга ўтар экан, ҳеч истисносиз, ислохот даврида кишиларнинг моддий аҳволида кескин ёмонлашиш, ахлоқий қадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўлмаслиги учун ижтимоий ҳимояга қатъий эҳтиёж сезилади.

Давлатнинг фаол ислохотчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам негизни вужудга келтиради. Энг аввало, аҳолининг энг камбағал, муҳтож табақаларига вақтида мадад бериш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш ислохотлар муваффақиятининг кафолатидир. Бозор иқтисодиёти муносабатларини жорий этишдан аввал кишиларни олдиндан кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилиши керак. Бу эса қуйидагиларга намоён бўлади:

1. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни ўта ноқулай ижтимоий шароитда бошланди. Чунончи, туб ислохотлар аҳолининг турмуш даражаси жуда паст бўлган шароитда ўтказишга мажбур бўлинди. Аҳолининг демографик таркибида боқимандаларнинг сони кўп бўлиши билан олдиндан белгилангани боис улар давлат мададига муҳтож эди. Бундай шароитда кучли ижтимоий фаолиятни вужудга келтирмай туриб, ислохот ўтказиши мумкин эмас.

2. Тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган жамият ижтимоий тақсимоотидаги бир текислик психологиясига барҳам берилиши зарур. Чунки бир текислик психологияси инсоннинг яратувчанлик фаолиятини

рағбатлантормайди, унда боқимандалик кайфиятини келтириб чиқаради. Кучли ижтимоий сиёсат жамиятнинг ишловчи, иждоккор тоифаси меҳнатининг муносиб баҳоланишига имкон яратди.

3. Ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти йўлини вужудга келтириш ижтимоий ҳимоянинг яхлит тизимини тақозо этади. Бу тизим фуқаролар эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашнинг иқтисодий-ижтимоий кафолатларини ўз ичига олиши лозим. Бозор томон ҳаракат қилинган сари, ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари — ижтимоий ҳимоя қилиш шакли, чора-тадбирлари ўзгариб боради. Масалан, бозор иқтисодиётининг дастлабки босқичида улгуриш ва чакана нархларда барқарорлик бўлмайди. Инфляция кучайиб, иқтисодиётда бир текислик йўқолади. Аҳоли моддий аҳволининг кескин ёмонлашуви, оммавий қашшоқлик ва умумий ишсизликка йўл қўймаслик учун ижтимоий сиёсат ўта муҳимдир. Аҳолининг кам даромадли табақалар — ногиронлар, нафақадорлар, кўп болали ва камбағал оилалар, ўқувчи ва талабаларга амалий моддий ёрдам кўрсатиш ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий йўналишидир.

Бозор муносабатларига ўтишда ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари қуйидагича белгиланди:

1. Фуқароларнинг иқтисодий фаолият эркинлиги, кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш.
2. Ижтимоий ҳимоя жараёнида аҳолининг турли қатламларига алоҳида ёндашиш.
3. Аҳолининг энг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш.
4. Иқтисодий тақсимот масаласида иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли меҳнатига қараб тақдирлашни жорий этиш. Меҳнаткашлар ўз малакаси ва ишининг сифатига яраша маош олиши зарур.
5. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш.

б. Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, санъат ва маданият, илм-фан мушкул аҳволга тушиб қолиши табиий. Мазкур тармоқларни ишончли тарзда қўллаб-қувватлаш қатъий тақозо этилади.

Айни ана шу жиҳатлар оқибат натижада давлатнинг қудрати ва бойлиги, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаши мумкин.

Бешинчи тамойилдан кўзланган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш мавжуд хўжалик юритиш усулининг батамом янгича усулини ишлаб чиқишдир. Бозор муносабатларига хос бўлган руҳият, дунёқараш шаклланиб, кишилар шунга мувофиқ равишда иш тута бошлаган тақдирдагина бозор иқтисодиёти воқеликка айланади. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ана шу воқеликнинг асосий омилларидан биридир. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади.

Асосий эътиборни хусусий бизнесга қаратиш борасида қайта-қайта эътироф этилганидек, ривожланган бозор инфратузилмасини яратишга, рақобат муҳитини шакллантириш талаб этилади. Бундан ташқари, хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштирган ҳолда мулкдорлар синфини шакллантириб, бу жараёнга тармоқни ташкил этувчи йирик корхоналарни жалб этиш, мамлакат иқтисодиётига хориж сармояларини киритиш, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодий тараққиётимизда устувор ўринни эгаллашига эришиш, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш, республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти тизимида кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш каби омиллар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асоси эканини доимо ёдда тутиш зарур. Шу сабаб, энг асосий вазифа — ижтимоий ларзаларсиз, кишиларнинг қашшоқлашувига йўл қўймаган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўта боришдан иборатдир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бевосита жаҳон иқтисодий кўлами билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, бугунги кундаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўз таъсирини ўтказиши табиий ҳолдир.

Шу ўринда жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодига қандай таъсири бўлади, деган савол барча юртдошларимизни қизиқтириши табиийдир. Бу борада Президентимизнинг “...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади<sup>9</sup>”, – деган сўзларини яна бир бора эсга олиш муҳимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда бошқа МДХ мамлакатлари сингари, давлат ва жамият қуришнинг қандай тамойиллари ва усулларига асосланиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётини белгилашда қайси йўлдан бориш масаласи кўндаланг турар эди. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан бозор

---

<sup>9</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик»<sup>10</sup>.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим кўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молиявий тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб олим ва етакчи мутахассисларимиз томонидан иқтисодиётимизда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирини пасайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига инқироз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграциялашмаганлиги, мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капитални ушлаб турувчи компания ва молиявий институтларнинг йўқлиги, хусусийлаштириш механизми ва шарт-шароитлари натижасида деярли барча устав фондлари корхонларнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги каби ҳолатлар асосида инқирознинг салбий таъсири у қадар катта бўлмаслиги мумкин. Аксинча, ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган

---

<sup>10</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартираф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.

ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўллари кидирадилар. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири жиддий бўлмаганлигини қуйидаги омиллар билан асослаш мумкин<sup>11</sup>:

- маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланганлиги;

- давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;

- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3 % ни ташкил қилмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. 24-25 б.

ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро даражадаги тўлов қобилиятига эгаллигини ифодалайди.

Республикамызда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узок муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатлари олди олинди.

2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир.

Натижада 2008 йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 70 % тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилган.

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75 % тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизнинг экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, ҳукуратимиз томонидан инқирозга чоралар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи ўз аксини топди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок миллий-маънавий кадриятларнинг тикланишига асосий эътибор қаратилди. Зеро, жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарт ва кафолати ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун иқтисодий барқарорликнинг ўзигина етарли эмас. Мамлакат равнақи учун жамият аъзоларининг маънавий савияси ҳам ўта муҳимдир. Чунки, муайян бир жамият ўз маънавий имкониятлари, кишилар онгига маънавий-ахлоқий кадриятларнинг ривожлантирмай, халқнинг миллий руҳини уйғотмай туриб юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. Шу сабабли, жамиятнинг маънавий юксалиши Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналишларидан бири деб ҳисобланади.

Тарихий тараққиёт шуни кўрсатадики, аجدодларимиз узоқ йиллар ажнабий босқинчиларнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий таҳдидига кўплаб учрагани боис халқимизнинг бой маънавий мероси, урф-одатлари маълум вақт қадрсизликка юз тутган. Айниқса, икки юз йилдан ортиқ даврни ўз ичига олган чоризм мустамлакачилиги ва советлар тузуми даврида миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз оёқ ости қилинди. Она тилимиз, бой маънавий меросимиз қадрсизлантирилди, кўплаб масжиду мадрасалар, миллий мактаблар, тарихий ёдгорликлар бузилди, қаровсиз қолди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб, мамлакатимизда бой маънавий меросимизни тиклаш ва ривожлантириш, жамият маънавиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамият маънавиятининг юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислохотларнинг йўналишлари белгилаб олинди.

Хусусан, бу борада маънавий-маърифий ислохотларнинг зарурати ва моҳияти ҳақида Президентимиз И.А. Каримов шундай фикрларни баён этади “Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислохотлар – қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримиз удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда”<sup>12</sup>.

Мустақиллик йилларида бой маънавий меросимизни тиклаш тадбирлари амалга оширилди. Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизациясига буюк ҳисса қўшган боболаримиз — Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг миллий ва маънавий мероси халқимизга қайтарилди, уларнинг таваллуд топган кунлари бутун мамлакатимиз бўйлаб нишонланди, руҳлари хотирга олинди, асарлари нашр этилди. Уларнинг маънавий мероси бугунги кунда халқимизга янги жамият куришда маънавий куч-қудрат бағишламоқда, жамиятимизни маънавий юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ўзбек давлатчилиқ тарихи нафақат тарихий воқеалар ҳақида хабар беради, балки аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли билан бирга, уларнинг хатоларидан ҳам етарлича сабоқ олишга ўргатади. Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билиш, миллий-ахлоқий қадриятлар ҳамда анъаналар ва муқаддас Ислом динининг аҳамияти жуда катта. Ҳеч бир халқ ўз тарихини билмай туриб, асрлар оша тўпланган маънавий-ахлоқий меросга таянмай туриб, ўз келажагини тасаввур ҳам қилиш мумкин эмас.

Шу боис, мустабид тузум даврида сохталаштирилган халқимиз тарихини холисона, ҳаққоний ёритиш, барча ўқув масканларида Ватан тарихини ўқитиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

---

<sup>12</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 2001, 202-б.

Ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги тарихини, тарихимизнинг бошқа саҳифаларини холисона илмий асосда ёритиш вазифалари Президентимиз И.А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йил июн ойида бўлган суҳбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига берилди.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ёритиш ва ўрганиш масалалари партиявий, синфий ёндашувлардан, ҳукмрон коммунистик мафкура таъсиридан халос этилди. Бир неча 10 йиллар давомида бузиб кўрсатилган ёки сўз юритмай келинган тарихий воқеаларни холислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида ёритган қатор илмий асарлар, дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратилди. Президент Фармони билан 1996 йил Амир Темури йили деб эълон қилинди. Амир Темури таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга бағишланган тадбирлар Ўзбекистонда, дунёнинг 50дан ортиқ мамлакатларида ўтказилди. UNESCO қарори билан Соҳибқирон юбилеи жаҳон миқёсида нишонланди. Парижда Амир Темурига бағишланган маданият ҳафталиги, “Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши” мавзусида халқаро конференция ва кўргазмалар бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрида Амир Темурига ҳайкал ўрнатилди, Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди, унинг номи билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар таъмирланди.

1999 йилда ватанпарвар сиймо, халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, халқ даҳоси яратган Алпомиш достонининг 1000 йиллигини нишонланиши, Урганч ва Термизда улар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуаси жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий ғурурни кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа халқ фарзандларининг номлари абадийлаштирилиб, уларнинг ўлмас асарлари чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи, фашизмга қарши жанглarda жон фидо этган халқимизнинг фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Хотира майдони” мажмуаси барпо этилди. Бу тадбирлар халқимизда миллий онгни юксалтиришга, тарихий хотирани тикланишига, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок, диний қадриятлар, шунингдек, жамият аъзоларининг диний эътиқоди қайта тикланди. Қадимий халқ байрамлари, диний байрамларимиз Президент И.А. Каримов Фармони билан дам олиш ва байрам кунлари деб эълон қилинди. Ватандошларимиз Ўзбекистон тарихида биринчи марта ҳукумат ҳомийлигида ҳар йили Ҳаж ва Умра сафарларига чиқиб, муқаддас амалларни адо этишга муваффақ бўлдилар.

Республикада ташкил этилган “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ҳамда “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси жамиятнинг маънавий раўнақи йўлида фаолият олиб бормоқда.

Республикада 17 диний конфессия рўйхатга олинган ва расман фаолият кўрсатмоқда. 170 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди ва уларда Ўзбекистонда яшовчи 130 миллат ва элат вакиллари ўзларининг диний эҳтиёжларини қондирмоқдалар. 1,7 мингдан ортиқ масжидлар, насроний ибодатхоналари, синагоглар ва бошқа диний марказлар таъмирланди ва янгидан қурилди. 10 та диний таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилда Тошкентда Ислам университети очилди.

Ўзбекистон ҳудудида халқимизнинг улуғвор ва шонли тарихига оид 2000 дан ортиқ ёдгорликлар таъмирланди.

Ўзбек халқининг минг йиллар давомида шаклланган, мустамлакачилик даврида оёқости қилинган инсонпарвар урф-одатлари ва анъаналари, маданий қадриятлари эҳтиётлаб тикланди ва янги маъно-мазмун билан

бойитилди. Мақомчилар, тўй-маросим кўшиқлари, шоир-бахшилар ва фольклор-этнографик дасталарнинг ўнлаб кўрик-танловлари ўтказилди. Пианиночи ва скрипкачиларнинг симфоник ва камер мусиқалари замонавий эстрада гуруҳларининг фестивал ва танловлари бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди. Давлат тили ҳақидаги қонунда ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулки эканлиги, унинг равнақи, қўлланилиши ва муҳофазаси давлат томонидан таъминланиши белгилаб қўйилди. Олий давлат ҳокимияти, маънавий ҳокимият ва бошқарув органларида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда иш юритиш, асосан, ўзбек тилида олиб борилмоқда. Республикамизнинг маъмурий-худудий бирликлари, кўчалари, географик ўринларнинг номларига ягона миллий шакл берилди ва мустаҳкамланди. Шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, кадр-қиммати ҳам ўз ўрнига қўйилган.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатнинг маънавий соҳадаги ислоҳотлари борасида шундай дея эътироф этади:

“Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади”<sup>13</sup>.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини, унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум қонун-қоидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча соҳаларда

---

<sup>13</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 29-б.

кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш зарурати энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига чиқади.

Биз ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига кадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги — эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азм-у қарор қилдик. Табиийки, бу мақсадга эришиш учун қандай стратегик йўл, ислоҳотларнинг қандай шакл ва усули маъқул экани ҳақида олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик, эл-юртимиз вакиллари билан биргаликда кўп ўйладик, атрофлича маслаҳатлашдик. Бу борада тараққий топган давлатлар мисолида ўзини оқлаган илғор тажрибаларни чуқур ўргандик.

Энг муҳими, халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва кадриятларимиз, аҳолининг руҳи ва кайфиятини ҳам ҳар томонлама ҳисобга олдик. Чунки ҳар қандай ислоҳотнинг пировард натижаси аввало унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу ҳақиқат келиб чиққан ҳолда, одамларга ислоҳотларнинг маъно-моҳиятини аниқ-равшан тушунтириб бериш, шу асосда жамият аъзоларида ишонч уйғотиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай кенг миқёсдаги ўрганиш ва ҳар томонлама изланишлар натижасида биз бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт моделини ишлаб чиқдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари — яъни, иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён.

Таъкидлаш жоизки, бугун ҳаётда ўзини тўлиқ оқлаган бу моделнинг негизида авваламбор ҳаётга реал қараш, прагматик ёндашув мужассам, десак, айна ҳақиқат бўлади.

Умуман олганда, маънавий ислоҳотлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамият маданий-маънавий ҳаётининг юксалиб бориши, айниқса, 2007 йилда Тошкент шаҳрининг “Ислом маданияти пойтахти” деб эътироф этилишида намоён бўлади. 2008 йилда Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом мажмуасининг қайта тикланиши борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам маънавий ҳаётимизнинг юксалишидаги қувонарли натижаси деб эътироф этиш мумкин.

2008 йил ўз моҳият-эътиборига кўра, маънавий-маданий ҳаётда кескин бурилиш йили сифатида, Президент Фармонида асосан, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланиб, тарихий-маънавий меросимизнинг кўплаб жиҳатлари қайта кашф этилди.

2009 йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик бораётир.

Маънавий-маърифий соҳадаги ютуқларимиз ва таълим тизимидаги туб ўзгаришларда яққол намоён бўлмоқда. Халқ таълимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини мустақамлаш соҳасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Янги олий ўқув юртлари ташкил этилиб, билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим тизимидаги 16 университетнинг 12 таси мустақиллик йилларида ташкил этилди. Мустақиллик йилларида энг зарур замонавий мутахассисликлар бўйича ўнлаб янги олий ўқув юртлари — Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти, Навоий тоғ-қончилик институти, Тошкент Молия институти ва бошқалар ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, жамият маънавий ҳаёти, бевосита маърифий ислоҳотлар билан муштарак ҳолда амалга оширилди.

Аввал айтиб ўтилганидек, мустақилликнинг дастлабки йилларидан таълимни тубдан ислоҳ қилиш ва кадрлар масаласи жамият тараққиёти йўлидаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолди.

Президентимиз Ислоом Каримов ташаббуси билан таълимни тубдан ислоҳ қилиш йўллари ишлаб чиқилди. 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг 9-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлар миллий дастури” қабул қилинди. Миллий дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборатдир.

Миллий дастур рўёбга чиқмоқда. Ёшлар умумий ўрта таълимни 9 йиллик мактабларда оладилар, яна уч йил давомида янгидан ташкил этилган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўрта махсус билим ва касб-хунар ўрганадилар.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури белгиланган вазифаларни бажариш умумхалқ, умуммиллат ишига айланди. 2001 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичи якунланди. 2001 йилда республикамизда 6742та мактабгача таълим муассасаларида 608500 нафар ўғил-қизлар тарбияланди. Уларда 65862 нафар педагог, тарбиячи ва бошқа ходимлар хизмат қилди. 9727 та умумтаълим мактабларида 440762 нафар ўқитувчи 6,3 млн. ўқувчига таълим бермоқда. Умумий ўрта таълим бўйича барча ўқув фанларидан Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва улар 346 та мактабда тажрибадан ўтказилиб, таълим жараёнига жорий этилди. Давлат таълим стандартларига мос ўқув дастурлари ва дарсликлари яратилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг муҳим, Ўзбекистонга хос хусусияти янги турдаги 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини яратишдир. 1998-2004 йиллар давомида замонавий ўқув-лаборатория

ускуналари билан жиҳозланган 54 та академик лицей ва 533 та касб-хунар коллежи барпо этилди. Бу мақсадлар учун 135 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Ўрта махсус ўқув юртларида зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестициялари миқдори 150 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, амалиётга киритилди ва дарсликлар яратилди. 2003-2004 ўқув йилида академик лицейларда 26,2 минг, касб-хунар коллежларида 531,6 минг ўқувчи таълим олди.



### 8-чизма. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури моҳияти

Олий таълим тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Олий таълим икки босқичдан — бакалавриат ва магистратурадан иборат бўлиб, қайта ташкил этилди. 62 та олий ўқув юртларида таълим олаётган бўлажак бакалавр ва магистрлар сони 2003-2004 ўқув йилида 254400 нафарни ташкил

этди. Бу олий ўқув юртларида 18486 нафар профессор-ўқитувчилар меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг 1462 нафари фан доктори, 7201 нафари фан номзодидир. Ўтган 4 йил давомида барча йўналишлар бўйича бакалавр ва магистрлар учун қўйиладиган талабларни ўзида мужассамлаштирган Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари яратилди. Олий таълим учун 1129 номдаги дарслик ва ўқув адабиётлари нашр этилди ва олий ўқув юртлари кутубхоналарига тарқатилди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, чет элда ўқишни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Республика болалар фонди”, “Соғлом авлод учун”, “Истеъдод” жамғармалари ташкил этилди. “Зулфия” мукофоти таъсис этилди. Таълим соҳасида халқаро ташкилотлар билан бир қатор ҳамкорликлар йўлга қўйилди. 2000 дан ортиқ талаба ва мутахассислар чет элда тахсил олиб келди.

Ўзбекистон таълим тизими дунё миқёсида катта қизиқиш уйғотмоқда. Москвадаги Олий таълим Халқаро Фанлар академияси президенти В. Шукшунов Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ушбу Миллий дастурни мазмун-моҳияти жиҳатидан тенги йўқ ҳужжат, деб таърифлади. Ўзбекистонда яратилаётган таълим тизими “Таълимнинг ўзбек модели” деб эътироф этилди.

Миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш борасида кейинги 10 йил давомида талай натижаларга эришилди. Талабалар таълим олаётган олий таълим муассасаларидаги ўзгаришларнинг амалий натижаси 2008 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тантанасида ёрқин ва яққол кўзга ташланди.

Хулоса қилиб айтганда, тараққиётнинг ўзбек модели жамият ижтимоий-иқтисодий сиёсий ва маънавий ҳаётида ўзини тўла оқлади. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос йўналиши қатъий белгиланган тартибда мамлакат равнақи учун хизмат қилмоқда.

## Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистонда Президентлик институтининг таъсис этилиши.
2. “Ўзбек модели” мазмун ва моҳияти.
3. “Маҳалла – фуқаролик жамиятининг негизи” иборасини тушунтириб беринг.
4. Демократик давлатнинг асосий белгилари.
5. Ўзбекистон Республикаси бошқарув тизими? Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг тузилиши.
6. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалий аҳамияти ва моҳияти.

## УЧИНЧИ ДАРС

### ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ВАТАН ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

#### Режа

1. Ватанимизда ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши ва мустақамланиши.
2. Ватан хавфсизлигининг таъминланиши. Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, модернизациялаш соҳасидаги тадбирлар.
3. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.
4. Ўзбекистоннинг терроризмга қарши халқаро антитеррор ҳаракатни қўллаб-қувватлаши.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг геосиёсий тузилишида туб ўзгаришлар даври сифатида эътироф этилди. Бу давр собиқ Иттифоқ деб аталган мустабид империянинг парчаланиб, мустақил республикаларга бўлинишидан катта сиёсий воқеа сифатида тарихга битилади.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаги ижтимоий-сиёсий вазият туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этди.

Янги барпо этилган мустақил республикада давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиши муаммолари нафақат минтақавий доирада, балки, умумжаҳон жамиятига молик ҳодиса эди.

Мустабид тузум давридаги бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулига барҳам берилган ҳолда, истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ, хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтиш жорий этила бошлади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг республика ва унинг халқи манфаатларига мос келадиган мустақил ижтимоий-сиёсий сиёсатни ўтказиш зарурати туғилди. Мустақилликка эришилган кундан буён

ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида улкан ва жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Аввало, давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳоннинг энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди. Ҳокимият бўлинининг конституциявий тамойиллари асосида қатор қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Мамлакатимизда сиёсий ўзгаришларга мос равишда ихчам, очиқ ва тадрижий ривожланишга эга бўлган ижтимоий тизим яратилди. Сиёсий ислохотларнинг ҳар томонлама чуқурлашишига қулай шароит яратилди. Янги барпо этилган мустақил давлатимизнинг Асосий Қонунида давлатнинг ижтимоий-сиёсий негизи, янги демократик жамият шаклланишида мазкур асоснинг моҳият таъсири борасидаги масалаларни қамраб олган. Шунга кўра, жамиятнинг тараққиёт босқичларини аниқ белгилаб олиш зарур эди.

Маълумки, ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. У муайян бир халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосиласидир. Шунинг учун яқин ўтмишдаги миллий фожиялардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, қадимий-меросий илдизларга қайтиб, ўтмишнинг бой анъаналарини янги жамият қурилишига татбиқ этилиши мақсадга мувофиқдир.

Жамиятни демократлаштириш олдинда турган асосий вазифа сифатида қуйидаги муҳим шартлар ҳисобга олинади:

1. Миллий давлатчилик анъаналарига асосланиш. Бунда барпо этилаётган давлатнинг ижтимоий-сиёсий асослари, бевосита, тарихий тажрибалар, миллий анъаналар ва қадриятлар асосида ташкил топади.

2. Жамият аъзоларининг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари ўзаро мутаносиб бўлиши

зарур. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб, кўр-кўрона кўчириш асло кутилган натижани бермайди. Аксинча, бундай йўл чалкаш ва мамлакат учун хатарли вазиятларга олиб келиши мумкин. Демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат натижасида, ҳаётий сабоқларга таянган ҳолда, синов ва курашлардан объектив хулоса чиқарибгина эришиш мумкин.

Демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этишни, уларни ҳимоялаш зарурлигини авваламбор жамиятнинг ўзи англамоғи зарур.

3. Демократик жараёнларни халқ миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари, унинг табиатини ўзида мужассам этиши зарур. Масалан, Фарбдаги демократик жараёнлар бевосита индивидуализм фалсафасига таянса, Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғоясига асосланган ҳолда, жамоатчилик фикрининг устуворлиги замирида шаклланади. Шуни алоҳида таъкидламоқ зарурки, демократия – ўзбошимчалик эмас, балки, демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларнинг мос равишда ривожланишидир. Шарқона ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши зарур. Буларнинг барчаси жамиятни бошқариш тизимини белгилаш пайтида алоҳида ҳисобга олиниши керак.

Ватанимизда ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши бевосита юқоридаги муҳим демократик шартларга асосланади. Қолаверса, бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий босқичларидан бирида қайд этиб ўтилганидек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қатъий қафолатни вужудга келтиришдир. Ижтимоий барқарорликни қарор топтириш қуйидаги омилларга асосланади:

1. Бозор муносабатларига ўтиш ниҳоятда ноқулай ижтимоий шароитда бошлангани боис, кучли ижтимоий қафолатни вужудга келтиради. Маълумки, республикада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни жуда ноқулай ижтимоий шароитда бошланди. Ўзбекистон бошқа мустақил

республикалардан фарқли равишда, туб иқтисодий ислохотлар аҳолининг турмуш даражаси жуда паст бўлган шароитда ўтказишга мажбур бўлмоқда. Республика аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳақиқий даромад, ўртача ойлик иш ҳақи ва пенсиялар миқдори жиҳатидан, озиқ-овқат маҳсулотлари, ашёвий буюмлар билан таъминланиш, пулли хизмат, уй-жой майдони, ижтимоий-маданий муассасалар тармоғи жиҳатидан энг сўнгги ўринлардан бирида эди. Аҳолининг мутлақ кўпчилиги қашшоқликда кун кечираётган эди. Аҳолининг демографик таркиби боқимандаларнинг сони кўп бўлишини олдиндан белгилаб қўйган эди.

Республика аҳолисининг деярли тўртдан уч қисми ўзининг энг зарурий эҳтиёжларини қондиришга ҳам қодир эмас, балки давлат мададига муҳтож эди. Буларнинг ҳаммаси биргаликда ислохот йўлидаги ҳар бир кадамни қўйишдан олдин, аҳолининг қашшоқ табақаларини ҳамда маълум миқдорда даромад оладиган шахсларни олдиндан ҳимоялаш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўришни талаб қилар эди. Бундай шароитда кучли ижтимоий кафолатни вужудга келтирмай туриб, ўтказилган ислохот барбод бўлиши муқаррар эди.

2. Жамият аъзолари онгидаги боқимандалик кайфиятига батамом чек қўйиш. Бунда инсонлар онгидаги бир текисчилик психологиясини тағ-томири билан тугатиш қатъий зарурат эканлигини алоҳида эътироф этиш керак. Инсоннинг жамиятдаги ўз ўрни ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиши, у ўзини кичкина одам, унинг учун ҳамма муаммони давлат ҳал қилади, деб ҳисоблаши – ўтмишдан қолган асосий меросдир. Бизда кишилар шундай тарбияланган, бу уларнинг айби эмас. Ҳамма иллат шундаки, кишиларимиз улар учун кимлардир ўйлайди, деб ҳисоблашади.

Давлат ва ҳукумат, корхона ва хўжалик бор экан, улар ҳаммасини ўйлайди ва бизни кулфатда қолдирмайди, деб ҳисоблайдилар. Пировард натижада шундай муносабат вужудга келадикки, меҳнат омиллари мутлақо йўқ бўлиб кетиб, инсон табиатидаги улкан салоҳият барҳам топади. Энг ачинарлиси шундаки, ўз фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги, самарадор ва

натижали меҳнати билан муносиб турмуш шароитини таъминлаши мумкин эканлигини тушуниб етиши амри маҳол бўлиб қолди. Бундай шароитда кишилар ўз имкониятини ишга солмайди, балки юлғичлик, меҳнатсиз даромад олиш, ижтимоий тўловлардан текинга фойдаланиш ҳисобига яхши турмушни таъминлашнинг номақбул йўллари топишга уринади. Бир текисчилик юз бераётгани ва ўз меҳнати муносиб баҳоланмаганини кўрган одам эса ранжийди, тафаккури ўзгаради. Бундай шароитларга барҳам берилсагина жамият аъзоларига янги ҳуқуқий-ижтимоий қарашларни сингдириш мумкин.

3. Бозор муносабатларининг барча хизмат тизими жамият эҳтиёжларини хизмат қилишга қаратиши лозим. Масалан, бозор муносабатларини вужудга келтиришнинг дастлабки босқичида улгуржи ва чакана нархларнинг анчагина қисми эркин тус олади. Бундай шароитда пулнинг кадрсизланиши кучаяди, иқтисодиёт бир текис ишлай олмайди. Бу даврнинг асосий вазифаси аҳоли ҳаётини таъминлайдиган амалдаги тизимни сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашдан, аҳолининг моддий аҳволи кескин ёмонлашиб, оммавий равишда қашшоқлашишига, умумий ишсизликка йўл қўймасликдан иборат бўлган ижтимоий сиёсат мос келади. Бу босқичда ижтимоий ҳимоялаш чоралари асосан товон тўлаш вазифасини бажарди.

Асосий эътибор ҳаётий зарур озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси пасайишига йўл қўймасликка, керакли ашёвий молларнинг камайтирилмаслигига, уларни бемалол харид қилиш кафолатини вужудга келтиришга, валютанинг кўп кириб келиши натижасида ички бозорнинг барбод бўлишига йўл қўймасликка, аҳоли даромадлари ва нарх-наво натижасини бошқа мустақил республикалардаги даражага босқичма-босқич тенглаштириб боришни таъминлашга қаратилди.

Аҳолининг энг кам даромадли табақаларига – ногиронлар, нафақадорлар, кўп болали ва камбағал оилалар, ўқувчи ёшлар, яъни энг қийин аҳволга тушиб қолган кишиларга амалий ёрдам кўрсатиш ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий йўналиши бўлди. Шу мақсадда аҳолининг

мазкур тоифалари учун кундалик зарур молларни сотиб олишда, коммунал ва транспорт хизматига ҳақ тўлашда қўшимча имтиёзлар жорий этилди. Пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдори анча оширилди. Ҳозир республикада 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлаш тизими амал қилмоқда. Икки ёшгача бўлган ҳамда камқонлик касалига чалинган хомиладор аёлларнинг бепул овқатланиши йўлга қўйилди. Умумий таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчиларига бепул нонушта берилди. Мактаб ўқувчилари ва талабалар тушлик овқати қийматининг 50 % чегириб ташланди.

4. Ҳозирги вақтда республика аҳолиси ижтимоий жиҳатдан ишончли равишда ҳимоя қилинган бўлиб, ўзгариб бораётган шароитларга мослаштирилган ҳолда амалга оширилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кишиларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал этишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва хайрия ташкилотларининг (“Наврўз”, “Маҳалла”, “Меҳр-шафқат” ҳамда бошқа хайрия ташкилотларининг) маблағлари фаол ишга солинмоғи лозим.

Ижтимоий ҳимоялаш давлатнинг ҳам, жамоат ташкилотлари ва турли хайрия ташкилотларининг ҳам асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Бунинг маъноси шуки, пенсия таъминоти, талабаларга, кўп болали ва муҳтож оилаларга ҳақ тўлаш тизимида уларнинг турмуш даражаси бюджет воситасида ва давлат кафолати йўли билан, шунингдек, турли хайрия ташкилотлари, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг жамғармалари орқали ҳам қўллаб-қувватланиши мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг психологиясини ўзгартириш жуда ҳам муҳимдир. У ижтимоий ҳимоялашнинг пассив объектдан, давлатнинг моддий ёрдамидан бевосита ва билвосита фойдаланувчидан ўз тақдирининг фаол соҳибига, ўзининг ижтимоий фаровонлиги учун масъул бўлган шахсга айланиши лозим. Аҳолининг меҳнат фаолиятини кучайтириш ҳисобига унинг якка тартибда ўзини-ўзи ҳимоя қилиш воситалари тўла ишга солиниши лозим.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, бевосита бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий босқичи сифатида, кучли ижтимоий сиёсатнинг йўналиши борасида белгилаб берилган эди. Бу йўлда мустақиллик йилларида амалга оширилган тадбирлар ва бажарилаётган саъй-ҳаракатлар республиканинг ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Фуқароларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги бўйича конституциявий ҳуқуқлар таъминланди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш аниқ мақсадни кўзлаган ва ўз эгасига йўналтирилган ҳолда амалга ошириш назорат қилинди. Бунда аҳолининг турли қатламлари манфаатларига алоҳида ёндашилган ҳолда, ижтимоий муҳофаза тизимининг ўзига хос жиҳатлари амалга татбиқ этилди. Иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли меҳнатини рағбатлантиришда мазкур табақанинг меҳнат ва ижодий имкониятини тўлиқ даражада рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Мана шунга кўра, республикаимизда фаолият кўрсатаётган “Меҳр нури”, “Маҳалла”, “Наврўз” каби нодавлат жамғармалар ходимлар иқтидорини рағбатлантиришга асос бўлмоқда.

Ижтимоий барқарорлик ўз моҳият эътиборига кўра иқтисодий ва маънавий онгланишни тақозо этади. Турли сиёсий адабиётларда, қолаверса, Президентимиз асарларида ҳам мазкур соҳага кўплаб ўринларда тўхталиб ўтилаётгани бежиз эмас, албатта.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг жорий этилиши туфайли юртдошларимизнинг онг-у тафаккури ва дунёқараши қанчалик ўзгариб кетгани ҳам шундан далолат беради. Кўпчиликка яхши аёнки, 90-йилларнинг бошларида аксарият одамлар бизда ҳам кимнингдир хусусий заводи ёки фермаси уёқда турсин, кичкинагина дўкони бўлиши мумкинлигини ҳам тасаввур эта олмас, тасаввур этган тақдирда ҳам ўзига қабул қила олмас эди. Чунки ҳамма нарса давлат мулки бўлган эски тузумда хусусий мулкка эга бўлиш, тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланиш бизга бегона бўлган тушунчалар сифатида баҳоланар эди.

Бугунги кунда эса хусусий мулк тушунчасига нисбатан муносабат қандай ўзгариб, у ҳаётимиздан қанчалар чуқур жой олиб бораётганига барчамиз гувоҳмиз ва бу ҳолат ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди<sup>14</sup>.

Кишилиқ тарихи, бугун дунёдаги кўпгина тараққий топган, барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан ташкил топган тоифа ўзини ва оиласини боқишда, шу билан бирга орттирган даромади ҳисобидан ўз яқинлари ва муҳтож инсонларга беғараз ёрдам кўрсатиш, эл-юрт учун хизмат қиладиган мактаб, касалхона, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, бир сўз билан айтадиган бўлсак, давлат ва жамият зиммасидаги кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

Энг муҳими, бундай инсонлар юртимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорликни сақлаш ва ҳимоялаш, ёруғ келажагимизни қуриш йўлида астойдил жон куйдириб меҳнат қилади.

Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиздан озиқланган иқтисодий тараққиёт йўлимиз жамиятимиз ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатаётганининг ёрқин ифодасидир. Энг муҳими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда<sup>15</sup>.

Ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун мустақилликнинг дастлабки кунларидан диққат-эътибор қаратилгани бугунги кундаги турмуш тарзимизда ўзининг амалий натижаларини намоён қилмоқда. Ҳар бир йилдан номланиши эътиборига кўра, алоҳида ўзига хос тарзда ижтимоий-сиёсий тадбирлар кўзланди ва уларни амалга ошириш бевосита назорат остига олинди. Масалан, 1996 йил – “Амир Темур йили”, 1997 йил – “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йил – “ Оила йили”, 1999 йил –

---

<sup>14</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 69-б.

<sup>15</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 70-б.

“Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар йили”, 2002 йил – “Қарияларни кадрлаш йили”, 2003 йил – “Обод маҳалла йили”, 2004 йил – “Меҳр ва мурувват йили”, 2005 йил – “Сихат-саломатлик йили”, 2006 йил – “Шифокорлар ва ҳомийлар йили”, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2009 йил – “Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти йили” – деб белгиланди. Ҳар бир йил асосан, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохот ва тадбирларни амалга оширилиши билан алоҳида аҳамиятлидир.

Иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни самарали ҳал этилиши пировард натижада инсон манфаат-ҳуқуқларини таъминлашнинг моддий кафолатини яратишга олиб келади.

Бугун Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш ва ижтимоий муҳофаза кабилар қонун билан ҳимоя қилинган.

Кучли ижтимоий сиёсат мамлакат ижтимоий барқарорлигининг калитидир. Чунки бу жараён давлат ва фуқаролар муносабатларининг энг асосий ричаги сифатида майдонга келади. Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Чунончи, давлатимизнинг сўнгги ўн йилликдаги кучли ижтимоий сиёсатининг ёрқин натижаси ўлароқ, мамлакатимизда мустаҳкам ижтимоий барқарорлик сақланмоқда. Бунда мамлакатимизнинг миллий ва нуфус хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда, жамиятнинг ҳаддан ташқари табақалашшига йўл қўймайдиган, аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат юритмоқда.

Хусусан, бу борада 1995 йилдаёқ Президентимиз И.А.Каримов Дания пойтахти Копенгагенда ўтган халқаро конференцияда нутқ сўзлаб, улкан ижтимоий муаммоларнинг самарали ҳал қилиниши нафақат Ўзбекистон, балки, оламшумул ижтимоий-иқтисодий муаммо эканини таъкидлаган эди. “Ижтимоий барқарорликка эришиш учун ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш биргина мамлакатнинг ичида бўлиши эҳтимолдан ҳоли бўлиб, бунга бутун

минтақанинг, қолаверса, бутун жаҳоннинг эътибори қаратилиши лозим. Ижтимоий тараққиёт манфаатлари ана шундай янгича тушунишнинг негизидир»<sup>16</sup>.

Мазкур ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мустақилликдан кейинги йиллардаги ижтимоий ислохотларда, фармонлар ва дастурларда ўз ифодасини топмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сўнгги ўн йил ичидаги ислохотлар ичида 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ҳамда “Ёшлар йили” Давлат дастурининг қабул қилиниши ижтимоий соҳадаги алоҳида муҳим ходиса деб эътироф этиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, Ўзбекистонда миллий тотувлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Кишилиқ жамияти тарихида синфлар, табақалар ва давлатлар юзага келиши билан бирга мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик уни таъминлаш масаласи ҳам вужудга келди. Шу жиҳатдан қаралганда ижтимоий-сиёсий барқарорлик масаласи ўзининг чуқур тарихий илдизига эга бўлган масалалардан биридир.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамият ҳаётининг барча жабҳалари – иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, маданий-маиший, ғоявий йўналишлари билан узвий боғлиқдир. Бу борада иқтисодиётнинг бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтишига ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши ниҳоятда муҳим омил эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳар бир тарихий-этник бирликларнинг ўзларига хос бўлган муҳим томонларининг сақланиши, унинг яна ҳам такомиллашувини тақозо этади. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамма ерда ўзининг миллий либосига, шаклига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистонда ҳам демократик жамият қуриш жараёнида ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувликнинг таъминланиши ва мустаҳкамланиши, янада ривожлантирилиши ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам ушбу масала мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданок

---

<sup>16</sup> Каримов И.А. Минтақавий муаммолардан жаҳоншумул муаммоларга. // Халқ сўзи. 1995 й. 12-март

Ўзбекистон раҳбариятининг, хусусан, Президент И.А. Каримовнинг диққат эътиборида бўлган энг асосий вазифалардан бўлиб қолди. Қолаверса, Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳозиргача қўлга киритилган энг асосий, энг муҳим ва энг катта ютуғимиз бу мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро муносабатлардаги тотувликдир. Бу ютуғимизни жаҳон ҳамжамияти жамоатчилиги, бизга дўст, хайрихоҳ бўлганлари ҳам, бизга нисбатан бепарқлик, ҳаттоки душманлик, кўра олмаслик муносабатида бўлганлар ҳам сўзсиз тан олишди ва олишмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик мустақиллик туфайли вужудга келган янги бир ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ғоявий муҳит ва вазиятда янги сиёсий ташкилотлар, кучлар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоатчилик фаолиятлари ва бошқа омиллар асосида амалга оширилмоқда ва мустаҳкамланиб, ривожлантирилмоқда. Бу жараёнда Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти дастури етакчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ушбу дастурга биноан Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг маънавий тикланишлари самарали бўлишининг асосий шарти ижтимоий-сиёсий барқарорликдир. Ўз навбатида, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик бу тинчлик, ҳамжиҳатлик, осойишта ва ижодий меҳнат муҳити қатъий узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муҳим шароитдир. Демак, ижтимоий-сиёсий барқарорлик бу кенг халқ оммасининг кундалик меҳнат жараёнларини қаерда ва қандайлигидан қатъий назар, кескин узилиш ва бурилишларсиз давом этишдир.

Сиёсий барқарорлик давлатни бошқариш жабҳасига тааллуқли бўлиб, бу борадаги жараёнларни ҳам кескин узилишларсиз, бурилишларсиз бир маромда давом этишини ифода этувчи тушунчадир. Бунда биринчи навбатда, давлат ташкилотлари ўз вазифаларини узилишларсиз давом эттиришлари

назарда тутилади. Шундай қилиб, ижтимоий-сиёсий барқарорлик тушунчаси Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш билан узвий боғлиқ бўлган, унинг зарур шарти ва омили ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаолиятларни кескин узилиш ва бурилишларсиз, аниқ дастур асосида амалга оширилаётганлиги ва бошқарилаётганлигини ифода этади.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ибораси билан айтганда, халқимизнинг митингбозлик, дабдабобозликларга берилмасдан, тинч, қадам-бақадам яратувчанлик фаолияти билан бандлиги, ишчини дастгоҳ ёнида, деҳқонни далада, шифокорни шифохонада, муаллимни синфхонада, хуллас ҳар кимни ўзининг кундалик иш жойида меҳнат қилиши бу ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг моҳияти, мазмуни, ифодаси ва намоён бўлишидир.

Кўп миллатли Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувликнинг таъминланиши ва мустаҳкамланиши, энг биринчи навбатда, жамият аъзоларининг менталитетидан келиб чиққан ҳолда, миллий кадриятларга асосланиб амалга оширилди. Собиқ Иттифоқ идеологиясидаги миллий масала концепциясини баҳолашдан фарқли равишда, ўз халқига содиқ кишиларни “миллатчи” деб эмас, “миллатпарвар” деб эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик икки омил — ҳам ички, ҳам ташқи омиллар билан белгиланади. Барча мамлакатлар билан ўзаро тенглик, манфаатли ҳамкорлик, куч ишлатмаслик, таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлигини тан олиш, мавжуд келишмовчилик ва низоларни тинч йўл билан, музокаралар орқали ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларини ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа мезонларига асосланган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва унинг натижаси ташқи омилни ифода этади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида баён қилинган.

Барча фуқаролар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, уларнинг кундалик моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳимоя,

мамлакатда миллатлараро тинч-тотувлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатиш учун олиб борилаётган фаолиятлар ички омилнинг моҳияти ва асосини ташкил этади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида қўлга киритилган энг катта ютуқлардан бири миллатлараро тотувликнинг қарор топишидир. Бу эса, ҳеч шак-шубҳасиз, ижтимоий барқарорлик калити бўлиб, бевосита қуйидаги омилларга таянади:

1. Давлатчиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
2. Минтақада давлатлараро, миллатлараро муносабатларда тинч-тотувлик ва ҳамкорликни таъминлаш.
3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш.
4. Амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш.
5. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига, жаҳон иқтисодий тизимига чуқурроқ кириб боришини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси полиэтник, яъни кўп миллатли демократик давлатдир. Бу узоқ давом этган мураккаб тарихий жараённинг ҳосиласи бўлиб, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг ўрнатилишида ушбу вазиятни алоҳида эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этиб ўтилганидек, "... барча фуқаролар, миллати ва элатидан қатъи назар, ..." (4, 8 – моддалар). Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган диний, миллий-этник асосларда содир бўлаётган зиддиятлар ушбу муҳим омилнинг моҳиятини чуқурроқ англашни тақозо этади.

Мустақиллик давридаги миллий тотувлик масалаларига холис баҳо бериладиган бўлса, шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, қуйидаги этник ва миллатлараро омиллар миллий ўзига хосликни, қулай ва бой имкониятларни белгилаб бериши билан аҳамиятлидир:

1. Таркиб топган давлат чегаралари, уларнинг дахлсизлигини тан олиш ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг конституциявий қонидаси, суверенитетини таъминлашнинг ҳамда сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий шарти бўлмоғи лозим, деб эътироф этилди.

2. Минтақадаги халқлар миллий ўзлигини англашининг ривожланиши 1991 йилдан кейин орқага қайтмайдиган прогрессив жараён тусини олди. Уларнинг кўплари миллат сифатида узил-кесил шаклланди. Бу миллатлараро муносабатлар жараёнида жуда муҳимдир.

3. Минтақада яшаётган халқларнинг жўғрофий, этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро мулоқот ва давлатлараро ташқи сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ижобий жиҳати сифатида майдонга чиқди.

4. Хусусан Ўзбекистонда “Туркистон — умумий уйимиз” ҳаракати доирасида амалга оширилаётган этник сиёсат ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараёндир. Чунки у минтақада миллатлараро тотувликка эришиш мақсадини кўзлайди. Шубҳасиз, бу сиёсат Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг асосий давлат стратегик ва миллий манфаатларига тўла-тўқис мос тушади. Зотан, “Туркистон” деганда азалдан фақат келиб чиқиши туркий бўлган халқларга эмас, балки ўлканинг ҳамма аҳолиси назарда тутилади.

5. Минтақадаги интеграция жараёнлари ҳам барча халқлар ва бутун кўп миллатли аҳолининг давлат ва миллий манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлаштиришга асосланган ҳолда ривожланиши даркор.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли таркиби унинг маданий ўзига хослиги, қулай ва бой имкониятларини белгилаб беради. Бу имкониятлар қуйидагилардир:

1. Минтақанинг табиий-иқлим шароитлари, тарихий-маданий тажрибанинг бу ерда яшаётган кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиши билан изоҳланади.

2. Минтақа кўшни давлатларнинг чегара ҳудудларига яқинлиги билан изоҳланади. Бу ҳол маданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатишига ва кўп тиллилик вужудга келиб, аҳоли бир неча тилларни эркин билишига ёрдам беради.

3. Ижтимоий муносабатлар – оилавий, ҳудудий ва бошқа муносабатларни ташкил этишнинг тарихан таркиб топган шакллари билан изоҳланади.

4. Марказий Осиёнинг туб халқлари табиатида бошқа миллат вакилларига нисбатан кенг феълликнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бу соф инсоний туйғу, масалан, ўзбекларда шу қадар ривожланганки, миллий-маънавий кенгфеъллик уларнинг умумий маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган.

Ўзбекистон давлати демократик жамият қуриш жараёнида ҳар бир миллат ва элатни, улар сон жиҳатидан қанчалигидан қатъи назар, сақлашга, эркин ва ҳуқуқларини таъминлашга маданий турмуш тарзини авайлаб асрашга катта эътибор бермоқда. Бинобарин, ҳар бир миллат ва элат бу узоқ тарих мобайнида шаклланган, ривожланган ўзига хос маданий воқелиқдир. Жамиятнинг жозибадорлиги, гўзаллиги ва бойлиги ана шу маданий воқелиқнинг хилма-хиллигидандир.

Ҳар бир миллат ва элатнинг шаклланишида, ривожланиб боришида тарихан бошқа миллат ва элатлар билан муносабатлари, ҳамкорликлари моддий ва маънавий алоқалари жуда катта таъсир кўрсатган. Моддий ва маданий ҳамкорликларсиз ҳеч бир миллат ва элатда ривожланиш бўлмайди. Маданий ҳамкорлик учун ҳар бир халқнинг тарихий бирлиги, шакл ва тамойиллари мавжуд бўлиши даркор. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида ҳар бир миллат ва элатларнинг қонун олдида ҳақиқий маънода тенглигини таъминлаш, шу билан бирга уларнинг моддий, айниқса миллий-маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш, эркин меҳнат қилишлари, маълумот олишлари учун тенг шароитлар яратилди.

Республика ҳукумати миллатлараро муносабатларни демократик асосда бошқариб боришда ҳам ҳаракат дастурларини ишлаб чиқди, хусусан, республикада яшовчи барча миллат ва элатларнинг миллий-маданий марказлари барпо этилиб, ҳозирги кунда уларнинг сони 120 атрофида. Улар фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида 1993 йил 10 январда Президентимиз И.А. Каримов ташаббуси билан “Республика миллий-маданий маркази” ташкил этилди. Бу марказ ҳозирги кунда миллатлараро муносабатларни бошқаришда, миллий-маданий эҳтиёжларни қондиришда муҳим иш олиб бормоқда.

Бу миллий-маданий марказлар республикада яшовчи ҳар бир миллат ва элат вакилларининг бой тарихий-маданий мерослар ва анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш бошқа миллат ва элат вакиллари билан яқинлашиш, дўстликни ривожлантириш ва инсонпарварлик ғояларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим воситалардан бири ҳисобланиб, улар асосида миллатлараро муносабатлар маданияти шаклланади. Янги шаклланган миллатлараро муносабатлар маданияти ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омилларидан бири деб биламиз.

Янги маданият ҳар бир миллат ва элат маърифати, маънавияти ва маданиятининг асосий негизи сифатида ягона давлат доирасида уйғунлашиб, улар келажагини белгилайди ва ягона давлат манфаати доирасида кўтарилади. Бу эса ижтимоий-сиёсий барқарорликни, мамлакатимизда демократик жамият қуришни таъминлашига муҳим ҳисса кўшади. Ўз навбатида, мамлакатимизда демократик жамият қуриш йўлида ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг мустаҳкам таъминланиши ва ривожланиши ҳар бир миллат ва элат, унинг ҳар бир вакилининг туб эҳтиёжларига тўла мос келади.

Ўзбекистонда миллатлараро янги муносабатлар маданиятининг қарор топиши ва ривожланишида миллий-маданий марказлар фаолиятларини ташкил этиш, ундан фойдаланиш билан бирга ҳар бир миллат ва элатлар миллий турмуш тарзининг йўлга қўйилиши, миллий-маданий анъаналарнинг қайта тикланиши, бу борадаги халқ ижодини ўрганиш ва янада

ривожланишини рағбатлантириш ва бошқа шу каби ишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир миллат ва элат умуминсоний қадриятларга ҳам эга. Буларнинг ривожланиши миллий умуминсоний қадриятлар орасидаги ўзаро уйғунлик, бирлик миллатлараро тотувлик, бу йўл орқали эса, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайди.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликнинг таъминланишида 1995 йил вужудга келган “Халқ бирлиги” жамоатчилик ҳаракатининг фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга. Бу жамоатчилик ҳаракатининг асосий шиори Ўзбекистонни юртим, Ватаним деб билган, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллариининг ватани — Ўзбекистондир.

Ҳозирги вақтда миллий ва бошқа ижтимоий ҳаракатлар, шу жумладан ёшлар ҳаракати, маданий, диний ҳаракатлар қайта жонланмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ҳавойилиқдан реал воқеликка, иқтисодий ва сиёсий вазиятни жиддий баҳолашга ўтилмоқда. Бу эса мазкур ҳаракатларни ўзлари олға сураётган қатъий ва кескин талаблар, шартларни қайта кўриб чиқишга ҳамда улардан воз кечишга, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан ўзларини қайта тарбиялаб, кибр-ҳавога асосланган, оломонбоп, тор сиёсий манфаатларни енгишга мажбур қилмоқда.

Ўзининг таркиби ва мазмуни жиҳатидан хилма-хил халқлар бирлигидан ташкил топган бизнинг жамиятимизда миллатлараро тотувликни сақлаб қолишга Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги билан боғлиқ ҳамма муаммоларни ҳал этадиган қонунчилик базаси ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади”, - деб таъкидланади. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига “ ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили ва

динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар” тенг сайлов ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида яққол кўзга ташланади. Унда айтилганидек, “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”.

Шу муносабат билан миллий уйғониш жараёнлари фақат ўзбеклар орасидагина кечиб қолмаётганлигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатлар вакиллари орасида ҳам этник-маданий асосларда жипслашиш жараёнлари фаол юз бермоқда.

Ўзбекистоннинг миллий сиёсатини амалга оширган вақтда миллатлараро муносабатлар жараёнида миллий ва минтақавий хавфсизликка тўлақонли эришиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор берилмоқда:

1. Давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устувор бўлишига асосланиши лозим, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳам камситилмаслиги шарт.

2. Давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиши лозим.

3. Жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти кишиларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли механизмини таъминлаган ҳолда республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мосдир. Бу тараққиёт ҳар бир кишининг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ҳар бир оилани ривожлантириш ва фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос яратмоқда.

Шундай қилиб, ҳар қандай давлатнинг полиэтниклиги этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг этнослар ўртасида ўзаро табиий муносабат ўрнатилишига таянадиган босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён мавжуд бўлишини назарда тутаяди. Бу ҳол, давлат ва

минтақанинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган этник ва миллатлараро можаролар келиб чиққудек бўлса, уларнинг олдини олиш мақсадида мазкур жараёнларни мунтазам равишда ижтимоий таҳлил этиб боришни зарур қилиб қўяди.

Халқимиз узоқ ва бой тарихи мобайнида ижтимоий-сиёсий кадриятларни яратишда динга таянилган. Бу ҳолат асрлар оша халқимиз менталитетига айланган. Яна шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, мамлакатимиз фуқароларининг исталган динга эътиқод қилишлари, виждон эркинлигини тўла таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Конституциямизнинг 12,13, 21, 29, 31, 57, 61-моддаларида дин диндорлар ва диний ташкилотларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳақ-ҳуқуқларига оид вазиятлар қонун асосида қатъий белгиланган.

Айниқса, Асосий Қонуннинг 31-моддасига биноан барча фуқаролар учун виждон эркинлиги тўла кафолатланади. Ҳар бир фуқаро хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашлар мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамызда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояси фуқароларнинг диний омилларга қараб бир-биридан ажратишга мутлақо йўл қўймайди. Аксинча, жамият аъзоларининг ҳақиқий тенглиги, ўзаро ҳамжиҳат ва ҳамкорлигига кенг йўл очиб беради. Бу эса, мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг тўла таъминланиши ва мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшайпмиз. Халқаро миқёсдаги тинчлик ва барқарорликка янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда, низо ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда.

Дунё халқаро террорчилик, радикал экстремизм, айирмачилик ва наркотрафик кўламининг тобора кенгайиб бораётгани, ядро қуроли ва оммавий қирғин қуроли тарқалиши хавфига дуч келди. Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-

коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар юз бермоқда.

Яна бир гап шуки, халқаро майдонда юз бераётган воқеалар ўткир низоли муаммоларни ҳал қилишнинг анъанавий, шаклларидек туюлган ёндашув услублари ҳар доим ва ҳар соҳада ҳам ўз самарасини кўрсата олмайгани ва лўнда қилиб айтганда, такомиллаштирилиши зарурлигидан далолат бермоқда.

Сўнги йиллар воқеаларининг мантиқий давоми, бутун дунёда вазиятнинг жадал ўзгариши, шак-шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасига жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришини исботлаб ўтириш шарт эмас. Бу, биринчи навбатда, минтақанинг нафақат геостратегик ўрни, улкан табиий-иқтисодий ва минерал хомашё захираларига бойлиги, балки, Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган уруш тугаши билан пайдо бўлаётган янги имкониятлар билан боғлиқ.

Қисқача айтганда, ечилмаган муаммолар ва анчагина ташвишли аломатлар мавжудлигига қарамай, воқеалар ижобий томонга бурилмоқда ва вазиятни барқарорлаштириш, минтақани узоқ муддатли, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга асослар етарли.

Ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ечилган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, узлуксиз таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат дастури 1-иловага кўра тасдиқлансин:

– ёшлар манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

– таълим жараёнининг узлуксизлиги ва давомийлиги нуктаи-назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта-махсус, касб-хунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

– ишга тушириладиган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан буюртмачи ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгидан педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилишни такомиллаштириш;

– ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсир ва турли оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

– олий ўқув юртлиари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса кичик шаҳар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

– мусиқа, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойларини ободонлаштириш учун зарур маблағ ва кредитлар ажратиш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон Фармойишига мувофиқ ташкил этилган республика комиссияси зиммасига “Ёшлар йили” Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклатилсин.

Республика комиссияси аъзоларидан 2-иловага мувофиқ таркибда “Ёшлар йили” Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

3. “Ёшлар йили” Давлат дастурини амалга ошириш республика комиссияси ва Кенгаши (Ш.М. Мирзиёев):

– вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта муддатда “Ёшлар йили” ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши таъминлансин;

– ушбу дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатилсин; Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича “Ёшлар йили” Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари “Ёшлар йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилиши, унинг амалга оширилиши, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини мустаҳкамлаш учун жамиятнинг сиёсий институтлари тизимида давлат ролини янада аниқроқ белгилаш керак. Бу, энг аввало миллий ҳавфсизлик

асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг барқарорлиги, қатъий сиёсий ва иқтисодий тараққиётини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатлари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ташқи ва ички таҳдидлардан қафолатланган тарзда ҳимояланганлигини билдирадиган миллий хавфсизлик – комплекс тадбирлар тизимидир. Унда кучли давлат билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари амалга ошираётган фаол ишлар, шунингдек, турли нодавлат тузилмаларининг кенг тармоғи миллий хавфсизликни таъминлашнинг зарур ва муҳим таркибий қисмларига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг жанубий чегаралари яқинидаги қуролли можароларнинг ўчоқлари ҳарбий хавфнинг потенциал манбаларидир. Бу вазият давлатимизнинг мудофаа қобилияти, яъни рўй бериши мумкин бўлган тажовуздан ҳимояланишга тайёрлик даражасини фақат бизнинг мамлакатимиз учун эмас, балки бутун минтақа учун ҳам миллий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим шarti даражасига кўтармоқда.

Маълумки, давлатнинг мудофаа қобилияти унинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий ва маънавий имкониятларидан таркиб топади. Бу соҳада биз юритадиган сиёсатнинг асослари Олий Мажлис томонидан жамиятимизнинг ҳамма қатламлари кенг ва ҳар томонлама муҳокамасидан сўнг қабул қилинган ҳарбий доктринада мустаҳкамлаб қўйилган. Халқимиз унинг мудофаа хусусиятини ҳамда унга асос бўлган қоидаларни маъқуллади. Бу, энг аввало, куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, мудофаа қобилиятини оқилона даражада сақлаб туриш, халқаро ҳуқуқ қоидалари ва меъёрларига оғишмай риоя этиш мажбуриятларини қабул қилиш, халқаро битимлар бўйича ўз зиммамизга олган мажбуриятларни бажариш ва шу кабилардир.

Давлат мудофаа қобилиятининг энг муҳим қисми унинг Қуролли Кучларидир. Уларнинг жанговар қудрати ҳамда босқинчини қуролли можаролар ва уруш бошлаб юборишдан тийиб туриш вазифаларини

базаришга тайёрлик даражасидан ҳамда мамлакат ҳудудига босқинчилик қилинган тақдирда оддий қурол-яроғларнинг ҳар хил турларидан фойдаланган ҳолда босқинчини тор-мор қилишдан иборатдир.

Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр-қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир.

Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг географик-стратегик мавқеи ва ҳудудининг географик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига қуруқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур.

Қуролли Кучларнинг ҳарбий қудрати, жанговар қобилияти кўплаб омиллардан таркиб топади.

Биринчиси, шахсий таркибнинг миқдори ва сифати. Бу сифат унинг профессионал даражаси, ахлоқий-руҳий қатъияти, жисмоний тайёргарлиги ва интизоми билан белгиланади.

Кўриниб турибдики, Қуролли Кучларимизнинг таркиби, тузилиш ва миқдори, бир томондан, минтақадаги ҳақиқий ҳарбий-сиёсий вазиятга, эҳтимолий ташқи ҳарбий таҳдидларга мувофиқ бўлмоғи лозим. Иккинчи томондан эса, давлатимизнинг реал имкониятлари ва ресурсларига мос бўлиши керак.

Шахсий таркибнинг талабга жавоб берадиган сифат даражасини таъминлашда унинг профессионал тайёргарлиги, ўқув-моддий базанинг ҳолати ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бунда ёшларга ҳарбий таълим берувчи

бутун тизимнинг роли ҳам беқиёсдир. У жамиятимизнинг жисмонан ва маънан бақувват аъзолари, жаҳон тараққиёти ютуқларини, халқимизнинг маданий ва маънавий қадриятларини ўзлаштириб олган Ватан фидойиларини тайёрлаши керак.

Бу йўналишда анча иш қилинди. Хусусан, хилма-хил кўшин турлари учун зобит кадрлар тайёрлаш тизими барпо этилди. Бизда тўртта ҳарбий билим юрти, шу жумладан учувчилар тайёрлайдиган ҳарбий билим юрти, шунингдек, 1994 йилда очилган, алоқа мутахассисларини тайёрлайдиган ҳарбий факультет ҳам мавжуд. 1995 йилда ташкил этилган Қуролли Кучлар Академияси офицер кадрларга олий ҳарбий таълим бера бошлади.

Давр биздан ўқув-тарбия жараёнини, миллий кадрлар тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштиришга жиддий эътибор беришни талаб этмоқда. Бу жараён замонавий талабларга жавоб бериши, ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқлари, жанговар ҳаракатларни олиб бориш тажрибаси, шу жумладан чет эл тажрибасини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Бунда Марказий Осиё минтақасининг хусусиятларини назарда тутиш, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур сингари буюк аждодларимизнинг саркардалик қобилиятларини, ҳарбий санъатлари ва стратегик тафаккурларини ўрганиш, улардан сабоқ олиш зарур.

Иккинчиси, Қуролли Кучлар ҳарбий кудратининг энг муҳим қисми бўлган қурол-яроғлар ва ҳарбий техниканинг миқдори ва сифати масаласидир.

Давлат Қуролли Кучларни жанговар техника ва қурол-яроғларнинг энг сўнгги намуналари билан қуроллантириш чораларини кўрмоқда. Зотан, Қуролли Кучларни қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминлаш ва улар сифатини душмандан устунлигини таъминлашга эришадиган даражада тутиб туриш ҳар қандай давлат учун ҳам жуда мураккаб муаммодир.

Учинчиси, ҳарбий инфратузилма бўлиб, Қуролли Кучлардан жанговар ҳолатда фойдаланишда унинг роли беқиёсдир.

Қуролли Кучларни барпо этиш йилларида бошқарув ва алоқа тизими, ҳарбий, ички ва техник таъминот, хилма-хил қўшин турларини жойлаштириш тизими умуман шаклланди. Ҳудудни тезкор жиҳозлаш такомиллаштирилмоқда. У қўшинларнинг бугунги тузилиши, миқдори ва жойлашувига мосдир.

Қуролли Кучларни такомиллаштиришнинг навбатдаги вазифалари бу борадаги ҳаракатлар қўламини кенгайтириб боришни талаб этади. Аниқки, улар ўзаро мутаносиб бўлиши, бир-бирига муносиб жанговар ва ички қисмлардан ташкил топиши лозим. Ҳарбий инфратузилма қўшинларнинг жойини тезлик билан ўзгартиришини таъминлаши шарт. Биз Қуролли Кучларни самарали барпо этиш ва бошқариш учун стратегик ва оператив жиҳатдан олдиндан кўра олиш имкониятини таъминламоғимиз зарур.

Тўртинчиси, саноатни тез қайта куриш ва сафарбарлик режаси топшириқларининг бажарилишини таъминлаш учун замин ҳозирлаш; сафарбарлик ресурсини қабул қилиш ва шароитга мослаштириш; белгилаб қўйилган энг қисқа муддатда ҳарбий жиҳатдан уйғунлашувни тугаллаш; кенг қўламдаги босқинчилик юз берган тақдирда жанговар вазифани бажаришга тайёр бўлишни таъминлаш. Булар мамлакатнинг мудофаа қобилияти учун фоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат иқтисодиёти, саноат имкониятлари, унинг сафарбарлик тайёргарлиги мамлакат мудофаа қобилияти ҳолатига таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Зеро, иқтисодий имконият Ватанимиз мудофаа қобилиятининг асосидир.

Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятини, ҳарбий хавфсизлигини мустаҳкамлашда ташқи иқтисодий ва сиёсий соҳаларнинг ҳам роли муҳимдир.

Ҳозирги шароитда хавфсизликка фақат коллектив ҳолда эришиш мумкин. У бу соҳада ҳамфикр давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан, уларнинг имкониятларини бирлаштириш билан таъминланади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси БМТ, ЕХХТ байроғи остида тинчликни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган ҳар қандай тадбирларда иштирок этишга тайёр. У минтақада коллектив хавфсизликни вужудга келтиришнинг ташаббускорларидан биридир. Тошкентда 1992 йил май ойида МДХ давлатлари ўртасида ана шундай дастлабки шартномалардан бири имзоланди.

Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси бўлган Ўзбекистон бирон-бир ҳарбий-сиёсий блокда қатнашишни номақбул, деб ҳисоблайди. Буни миллий хавфсизликнинг, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг кафолати, деб билади. Шунингдек, МДХ ҳудудида ҳарбий-сиёсий блокни шакллантириш дунёни эски, бошдан кечирилган “совуқ уруш” даврларига қайтаришини назарда тутиб, бундай блокни бузишга қарши чиқади.

Биз Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ташқи таҳдидга қаршилик кўрсатиш борасидаги муносабатларни бевосита манфаатдор бўлган давлатлар билан шартнома асосида ташкил этиш ниятидамиз. Бунда умумий хавфсизлик ва минтақада барқарорликни сақлаб қолиш тамойилига амал қиламиз. Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, бундай ҳарбий-сиёсий шартномаларни тузиш мамлакатимизнинг тўла суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳамда унинг мавжуд чегаралари дахлсизлигини таъминлаши керак.

1994 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” Дастурига қўшилди. Бу дастур коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизимини, Марказий Осиё минтақасида ҳам вужудга келтиришга қаратилгандир. НАТО билан ҳамкорлик қилиш ҳарбий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриш бу уюшма доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ва ишланмалардан фойдаланиш имконини беради. НАТОга аъзо мамлакатларнинг турли тадбирларида, шунингдек ҳарбий бўлинмаларнинг биргаликдаги машқларида қатнашиши мумкин бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳарбий қисмларимизнинг жанговар тайёргарлигини кўтаришга, илғор жанговар тажрибани ўрганиш, яъни

пировардида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини юксалтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга давлатимизнинг жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқаларини мустаҳкамлашга шароит туғдиради.

Ўзбекистон чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзининг икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигини кенг ривожлантирар экан, афтидан, улар билан ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни ҳам фаоллаштириш зарур бўлади.

Хавфсизлик тизимини шакллантириш ҳақида гапирганда, биз мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш муаммоларини самарали ҳал қилиш, биринчидан, бир идора доирасида амалга оширилиши мумкин эмаслигини, ҳарбий инфратузилмасини, саноатнинг мудофаа тармоқларини ривожлантиришга алоқаси бўлган бошқа ташкилотлар ва институтларни ташқи сиёсатни амалга оширишга жалб этишни ҳамда бу идораларнинг фаолиятини ўзаро аниқ уйғунлаштиришни талаб қилишини назарда тутамиз.

Иккинчидан, мудофаа қобилиятини таъминлашнинг айрим жиҳатларини ривожлантиришга қаратилган мустақил идоравий режалар ва дастурларни ишлаб чиқишдан воз кечиш ҳамда ягона комплекс режа ишлаб чиқишга ўтишни, мамлакатнинг ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаа қобилияти таъминланишини тақозо этади. Бу эса ресурслар ва маблағлар чекланган бир шароитда, улардан самарали фойдаланиш ҳамда мудофаа қобилияти талаб даражасида бўлишини таъминлаш имконини беради.

Вазирликлар ва идораларнинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда, уни таъминлашга қаратилган ягона комплекс режа ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Миллий хавфсизлик кенгаши муҳим роль ўйнамоқда.

Учинчидан, ички ва ташқи шароитлар, масалан, аҳолининг демографик тузилиши, қурол-яроғларнинг техникавий даражаси ва бошқалар ўзгариб туради. Шу туфайли мамлакатимиз мудофаа қобилиятининг ҳолатини ва уни

ривожлантириш истиқболларини, бошқа давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси ва амалиётини мунтазам ўрганиб боришга ҳар доим эътибор бериш талаб қилинади.

Бу муҳим қоидаларни тушуниш ҳамда бизнинг давлат ва муҳофаа қурилишимизнинг муайян шароитларида уларни рўёбга чиқариш, шунингдек муайян ижрочиларнинг бу соҳа учун жавобгарлигини мустақил ошириб бориш – Ўзбекистоннинг барқарор ва қатъият билан ривожланиб боришини таъминлаб берадиган шартлар ана шулардан иборатдир.

Бугунги кунда бутун инсониятнинг тақдири, ижтимоий тараққиёт истиқболлари халқаро алоқаларга боғлиқ бўлиб қолди. Халқаро майдондаги ҳар бир сиёсий танглик, можаро барча мамлакатлар ва халқлар манфаатларига даҳлдор бўлиб қолди. Ҳатто, айрим олинган мамлакат ичкарасидаги низоли жараёнларни, урушларни бартараф этиш ҳам жаҳон ҳамжамиятининг вазифасига айланди. Давримизнинг муҳим хусусияти аҳоли талаб-эҳтиёжларининг ғоят даражада ўсиб бораётганлиги билан белгиланади. Алоҳида олинган бир мамлакат ресурслари билан унинг аҳолиси талаб ва эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Ҳатто, ривожланган мамлакат учун ҳам бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш объектив зарурат бўлиб қолди.

Ҳозирги дунёда бирон-бир мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам, бошқалардан ажралган ҳудуд эмас. Шу боис барча мамлакатлар, халқлар бир-бири билан боғланган, ўзаро алоқададир. Бу эса, бевосита ташқи сиёсатнинг тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик тамойилларига қай даражада асослангани билан боғлиқдир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсий йўлни белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, ҳозирги мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари долзарб вазифа сифатида кўндаланг бўлиб турар эди. Бу осонгина ечиладиган вазифалар эмас эди, албатта. Масаланинг мураккаблиги шундан иборат

эдики, собиқ Иттифоқ даврида ташқи сиёсат юритиш, ташқи дунё билан алоқа қилиш, ташқи савдони ташкил этиш Москва, марказий ҳокимият томонидан олиб борилар эди. Республикалар эса, жумладан Ўзбекистон ҳам ташқи дунёдан ажралган, тўғридан-тўғри алоқа қилолмайдиган ёпик мамлакат эди. Шу боис, давлатнинг ташқи сиёсат юритиш тажрибасига ҳам, жаҳон дипломатиясини, ташқи иқтисодий фаолиятини биладиган кадрларга ҳам эга эмас эди. Республикада бундай кадрларни тайёрловчи бирорта ҳам ўқув юрти йўқ эди. Вазият зудлик билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришни талаб қилмоқда эди.

Президент И.А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” ва бошқа асарларида мустақил ташқи сиёсат юритиш қоидалари назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида ташқи сиёсат қоидалари қонунлаштирилди ва жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнлари ортга кайтмасликнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди. “Ўзбекистон республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда норматив ҳужжатлар ана шулар жумласидандир. Булар фаол ва кенг қўламли ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат яратиб берди.

Ташқи алоқаларни таъминлайдиган вазирлик ва муассасалар ташкил этилди. Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, ихтисослаштирилган ташқи савдо фирмалари шулар жумласидандир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва бошқа университетларда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга

қўйилди. Ташқи сиёсатга тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан катъий назар, ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш;
- ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;
- давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ёки улардан ажралиб чиқиш;
- тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;
- давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тан олиншини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёнинг кўпгина нуфузли давлатлари тан олди, уларнинг 120 дан ортиғи билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 43 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Булар жумласига АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Буюк

Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистонда 88 хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 ҳукуматлараро ва 13 ноҳукумат ташкилотлар ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 30дан ортиқ давлатда – АҚШ, Туркия, Германия, Хитой, Покистон ва бошқаларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ва консулликлари ишлаб турибди. Айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви натижасида мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўринга, мустақил овозга эга бўлди.

Маълумки, 1991 йилнинг 21 декабрида Белоруссиянинг пойтахти Минскда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топди. 1993 йил январда эса, Минскда МДҲ давлатлари бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда МДҲнинг Низоми имзоланди ва МДҲнинг ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни якунланди.

1991-1999 йилларда МДҲ давлат бошлиқларининг 25 га яқин кенгаши бўлиб, уларда ҳаммаси бўлиб иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ташкилий ва умумий соҳаларга оид 1300 га яқин масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий ва маданий алоқалари катта машаққатлар ва секинлик билан мустаҳкамланиб борди. Қабул қилинган ҳужжатларнинг аксариятининг амалий ижроси у қадар ижобий бўлмади. Бунга сабаб, томонларнинг муаммоларни ечишни истамаётганликлари эмас, аксинча, ўзаро ҳамкорлик тенг ҳуқуқли асосда, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритилишига интилаётганлиги билан боғлиқ эди. Ўтган йиллар давомида эришилган аҳдлашувларни амалга оширишнинг самарали механизми яратилмади, ўзаро ҳисоб-китоблар мувофиқлаштирилмади.

2001 йил 29-30 декабр кунлари Москвада МДҲ ташкил этилган куннинг 10 йиллигига бағишланган юбилей Саммити бўлиб ўтди. Саммит катнашчилари Афғонистондаги воқеалар тўғрисида баёнот қабул қилдилар.

Баёнолда аксилтеррор операцияси ижобий баҳоланди. МДХнинг 17 йиллик тарихи гувоҳлик берадики, Ҳамдўстликнинг ташкил этилиши фойдали бўлди. Чунки, собиқ Иттифоқ парчалангач, юзага келган давлатларнинг бири-бирига боғланган иқтисодиётини тўлдириб туриш зарур эди. МДХ ана шундай тўлдирувчилик ролини бажарди, парчланиш жараёнида низо, жанжал чиқишига йўл қўймади. Шунинг учун, айтиш мумкинки, Ҳамдўстлик 10 йил олдин қандай керакли ташкилот бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам шундай кераклидир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутди. Икки томонлама ҳамкорлик деганда, икки давлат ўртасидаги, яъни, Ўзбекистоннинг бошқа бир мамлакат билан давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш жараёни тушунилади.

Ўзбекистон Россия Федерацияси билан давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. 1992 йил, 30 майда Президент И.А. Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегациясининг Россияга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартнома икки давлат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос солди. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, элчихоналар очилди.

Россия Федерацияси Президенти Б. Елциннинг 1993 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи пайтида икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш чораларини кўришга аҳдлашилди. 1993 йил 19 мартда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

В. Путиннинг Россия Президенти этиб сайланиши Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. В. Путин қисқа

муддатда Ўзбекистонга икки марта — 1999 йил 10-11-декабрда ва 2000 йил 18-19 май кунларида давлат ташрифи билан келди. Ташриф давомида икки давлат президентлари ва расмий делегациялари ўртасида савдо иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, хавфсизлик, жумладан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Декабрдаги учрашувда “Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, тўғрисида шартнома” имзоланган бўлса, май ойидаги музокаралар нихоясида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида “Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмалари Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида битим”, “Халқаро автомобиль қатнови тўғрисида битим” имзоланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар янгича мазмун касб этмоқда. Икки мамлакат ўртасида турли мақсадларга йўналтирилган 150 та ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2000 йилда 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда 520 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, шунингдек Россия Федерацияси фирма ва компаниялари рўйхатга олинган Россияда эса Ўзбекистон сармоясини иштирокида тузилган 250га яқин қўшма корхона мавжуд. Ўзбекистон Россиядан машиналар ва жиҳозлар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора металл ва бошқа товарлар сотиб олиб, Россияга турли машина ва жиҳозлар, пахта толаси, озиқ-овқат молларини экспорт қилади.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 2001 йил 3-5 май кунлари, 2004 йил апрел ойида Россияга ташрифи ва Россия Федерацияси Президенти В. Путиннинг 2004 йил июн ойида Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтарди.

2004 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида битим имзоланди. Шу йилнинг 14 ноябрида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартнома ҳужжатлари ўзаро хавфсизликни таъминлаш, глобал таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компанияси билан “Лукойл” нефть компанияси ОАЖ ҳамда “Газпром” ОАЖ ўртасида маҳсулот тақдирот тақсимотига оид битим имзоланди. Бу ҳужжат Россия томонидан Ўзбекистон ёқилғи энергетикаси соҳасига қарийб 2,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритишни назарда тутди. Икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми 2004 йилда 1 млрд. 642 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон-Россия ўртасидаги муносабатлар том маънодаги тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ҳурмат қилиш тамойиллари асосида чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида давлатлараро алоқалар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ йўлга қўйилди. 1992 йил 15-16 феврал кунлари АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1992 йил 16 март куни Тошкентда биринчи бўлиб АҚШ элчихонаси очилди. 1993 йил 14 сентябрда АҚШ давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси Строб Талбот Ўзбекистонда бўлди ва мамлакатимиз президенти билан икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари тўғрисида суҳбатлашди. 1995 йил 6 апрелда АҚШ мудофаа вазири Уильям Перьси Ўзбекистонга келди. Ўзбекистоннинг НАТО “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурида иштироки муҳокама қилинди. АҚШ армияси ўқув-машғулот марказида тинчликни таъминлаш мақсадида ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон Қуролли Кучлари взводи иштирок этди. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро

химоя қилиш тўғрисида, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисида шартномалар тузилган. Тошкент-Нью Йорк ўртасида бевосита хаво йўли очилди.

Ўзбекистонда 1996 йил бошларигача америкалик сармоядорлар иштирокида 200 та ўзбек-америка қўшма корхона ташкил топди ва фаолият кўрсата бошлади. Булар орасида Навоий вилояти Зарафшон водийсидаги Мурунговда АҚШнинг Ньюмонт Майнинг корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиб олувчи “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси бор. Бу корхонада 2002 йилгача 83 тонна олтин тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1996 йил 23-28 июн кунларида АҚШда бўлиши Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни янги поғонага кўтарди. И.А. Каримов АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, томонлар манфаатига дахлдор бўлган сиёсий, иқтисодий ҳавфсизлик масалалари муҳокама этилди. Икки мамлакат Президентларининг учрашуви, ушбу мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга сиёсий замин ҳозирлади. 1996 йил 25 июн куни Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси очилди.

2001 йилда Ўзбекистонда АҚШ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар сони 70 дан ортди. АҚШ сармояси иштирокида республикамизда барпо этилган 305 та қўшма корхона саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, газ-кимё, нефть, олтин қазиб олиш, транспорт, коммуникация ва таълим соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда. “Зарафшон-Ньюмонт”, “Ўзтексако”, “Ўзкейсмаш”, “Ўзкейстрактор”, “Ўзэксайд”, “Биэай”нинг Хўжаобод газ омбори қурилиши, “АББ Луммус Глобал” билан ҳамкорликдаги Шўртан газ-кимё мажмуаси шулар жумласидандир. Ўзбекистоннинг АҚШ билан савдо айланмаси 300 млн. АҚШ долларидан ошди.

2001 йил 11 сентябр куни халқаро террористлар АҚШда содир этган фожиали воқеалар пайтида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб АҚШ ҳукуматининг Халқаро терроризмга қарши аксилтеррор коалиция тузиш ҳақидаги таклифи тарафдори бўлиб чиқди. 2002 йил 11-14 март кунлари Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Президенти Ж. Буш таклифига биноан расмий давлат ташрифи билан АҚШда бўлди. АҚШ Президенти Ж. Буш ва мартабали ҳукумат вакиллари И.А. Каримовни Оқ уйда обрў-эътиборли меҳмон сифатида кутиб олди. Томонлар халқаро аҳвол, Марказий Осиёдаги жараёнлар, халқаро терроризмга қарши кураш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, иқтисодий ҳамкорлик масалаларида фикр алмашдилар. Ташриф якунида “Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация”, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядровий материаллар ва технологиялар тарқалишининг олдини олишда ҳамкорлик, молия, қишлоқ хўжалигига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

АҚШни синовли дамларда қўллаб-қувватлагани учун Президентимиз И.А. Каримов Америка Қўшма Штатлари жамоатчилиги томонидан “Халқаро миқёсдаги лидер” мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофот Америка Қўшма Штатлари халқини Ўзбекистон халқига бўлган ҳурмат-эътиборининг тимсолидир.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутди. 1996 йил 21 июнда Флоренция шаҳрида имзоланган Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги “Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим”, унинг 1999 йил 1 июлда кучга кириши мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизига айланди. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, техник-илмий ва маданий-гуманитар алоқалари йилдан йилга ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Республикамизда Европа Иттифоқига аъзо

мамлакатларнинг 145 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитация қилинди. Европалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 491 та корхона ишляпти, улардан 111 таси юз фоизлик Европа капиталига эга. 1995-2002 йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларининг фирма ва компаниялари республикамизда умумий қиймати қарийб 8 млрд. АҚШ долларига тенг йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашди. 2002 йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан махсулот айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 65,8 млн. АҚШ долларини, 2003 йил январ ва октябр ойлари якунлари бўйича эса 910 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқининг аъзоси, улкан иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Германия билан ўзаро манфаатли алоқалари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг Германияга 1993 йил 28 апрел куни бошланган ва беш кун давом этган расмий ташрифи Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги умуммуносабатларни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. И.А. Каримов ГФР федерал Президенти Рихард фон Вайзенкер ва Федерал канцлер Гелмут Кол билан самимий, ўзаро тенглик асосида, ишонч ва қатъият билан суҳбатлашди. Икки давлат ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида, сармоялар қўйишни амалга ошириш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида битимлар имзоланди. “Deutsche Bank”, “Mercedes-Benz” ва “Siemens” компанияларининг раҳбарлари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Улар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди. Сафар натижаларига кўра, Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия тузилди. Тошкентда икки томонлама савдо-иқтисодий палата ташкил этилди. ГФР нинг элчихонаси очилди. 1994 йил 1 сентябрда ГФР пойтахти Боннда Ўзбекистон Республикасининг Европада биринчи элчихонаси очилди. Ҳозирги пайтда элчихона Германиянинг янги пойтахти Берлин шаҳрида фаолият юритмоқда. “Тошкент-Франкфурт” ҳаво йўли очилди, Ўзбекистонда “Дойч банк”нинг бўлими фаолият кўрсата бошлади.

Германиянинг “Гейделберг” фирмаси Ўзбекистонда нашриёт-матбаа соҳасида ҳамкорлик қилаётган йирик компаниядир. “Гейделберг” компанияси асбоб - ускуналари билан Янгийўл китоб фабрикаси, Тошкент ва Нукус полиграфия комбинатлари, Самарқанддаги “Тонг” нашриёти қайта жиҳозланди. Ўзбекистондаги “Растр” ва “Гротекс” нашриётлари “Гейделберг” фирмаси технологияси асосида ишламоқда. Натижада мактаблар учун дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа турдаги нашриёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча яхшиланди. 2001 йилда Ўзбекистон-Германия – Россия ҳамкорлигидаги “Наманган қоғоз” қўшма корхонаси куриб, ишга туширилди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 2001 йил 2-5 апрел кунлари Германия Федератив Республикасига, Германия Федерал канцлери Герхард Шредернинг 2002 йил 9-10 май кунлари Ўзбекистонга қилган расмий сафари Ўзбекистон-Германия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Икки мамлакат тадбиркорлари ва расмий доиралари ўртасида алоқалар кенгайиб бормоқда. 1997 йилда Ўзбекистонда 55 та Германия компаниясининг ваколатхоналари фаолият юритган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 80 га етди. Уларнинг энг йириклари “Хобас ТАПО”, “Хива Карпет” ва бошқалардир. 2003 йилда германиялик сармоядорлар иштирокида энгил саноат, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, доришунослик саноати, транспорт ва бошқа соҳаларда ташкил этилган 138 та корхона фаолият кўрсатди, улардан 40 таси юз фоизлик Германия капиталига эга. Ўзбекистонга киритилаётган Германия сармоялари ҳажми 2001 йилдаёқ 1 млрд. АҚШ долларидадан ошди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 2001 йилда 283,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Германия Федератив Республикаси Ўзбекистоннинг Европадаги энг йирик иқтисодий ҳамкоридир.

Ўзбекистон ва Франция ўрасидаги муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. 1993 йил 28-30 октябр кунлари

Ўзбекистон делегациясининг Францияга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Президент И.А. Каримов Франция Президенти Ф. Миттеран, Франциянинг бошқа раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан дўстона суҳбат ва самарали музокаралар юритди. Франсуа Миттеран қабул маросимида нутқ сўзлаб: “Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих, теран анъаналарга эга бўлган, инсониятнинг фахрига айланган алломаларни етказиб берган Ўзбекистон доимо французларнинг диққатини тортиб келган. Бу ташрифдан кейин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиз биз учун янада яқин бўлиб қолди”, - деб таъкидлаганди. Бу Ватанимиз тўғрисида, унинг шон-шухратини улуғловчи, холисона, олижаноблик билан берилган баҳодир. Сафар натижасида Парижда “Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома”, маданият, илмий-техникавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Париж Хартиясини имзолаши республикамизда демократиянинг янада ривожланиши, шунингдек Ўзбекистоннинг Европа ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан янада яқинлашуви учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Миллий банки билан Франциядаги йирик “Кредит коммерсиал де Франс” банки ўртасида муддаолар ҳақида битим имзоланди, унда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи куриш лойиҳасини пул билан таъминлаш кўзда тутилди. Таниқли “Элф-акитен” нефть-кимё концерни “Технип” фирмаси ва бошқа компаниялар билан Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи куришга келишилди. Франция ва Ўзбекистон ўртасида савдо-сотик ҳисоб-китобларини таъминлаб турган “Креди коммерсия де Франс” банки завод курилишини ҳам маблағ билан таъминлади. Ўзбекистон бу банкка маблағ қўйди, у ҳамкорлик учун кафолат бўлиб турибди.

1994 йил 25-27 апрел кунлари Франция Президенти Франсуа Миттераннинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон ва Франция ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, шунингдек ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларациялар имзоланди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, илмий-маданий алоқалар кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, нефть ва газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон халқаро ишларда катта тажриба ва нуфузга эга бўлган Буюк Британия билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. 1993 йил 22-25 ноябр кунлари Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошлиқ республикаимиз делегациясининг расмий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида бўлиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тарихида буюк воқеа бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг қиролича Елизавета II, Бош вазир Ж. Мейжор билан самимий, очиқ ўзаро манфаатли учрашувлари, музокаралари бўлиб ўтди. Сафар самарали ўтди. Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия қироллиги ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар тўғрисида шартнома, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, ҳаво йўлларини очиш тўғрисида битим, икки мамлакат ҳудудида фуқароларнинг эркин юриши ҳақида меморандум имзоланди. Тошкент – Лондон ҳаво йўлида самолёт қатновининг йўлга қўйилиши алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1996 йилнинг бошларида Ўзбекистонда Британия Кенгаши бўлимининг иш бошлаши ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги янги қадам бўлди.

Ўзбекистоннинг Финляндия, Австрия, Белгия, Швейцария, Италия, Испания, Греция, Полша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий

алоқалари ўрнатилди ва кенгайиб бормоқда. Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакат — Швейцариядаги ваколатхонасига ҳам айланди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида алоқаларнинг йўлга қўйилиши мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси билан Европарламент ўртасида ҳам алоқалар ўрнатилди. Бу алоқалар Ўзбекистон парламенти билан Европарламент ўртасида 1998 йилда тузилган ҳамкорлик қўмитаси даражасида кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Хорижий мамлакатлардан республикага илғор технологиялар, сармоялар кириб келиши, кўплаб қўшма корхоналарнинг қурилиши оқилона ташқи сиёсат натижасидир.

2003 йилда республикада хорижий сармоя иштирокида барпо этилган 2087 та қўшма корхона жаҳондаги 80 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатди. Улар 386,7 млрд. сўм ҳажмида истеъмол моллари, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чиқарди, алоҳида хизмат кўрсатди. Жаҳондаги 80 дан ортиқ хорижий банк билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонга киритилган чет эл инвестициялари 14 млрд. АҚШ долларидан ошди. Бир йилда тахминан 1 млрд. АҚШ доллари ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон жаҳондаги 140 мамлакат билан савдо-сотик қилмоқда. Ҳар йилги товар айирбошлаш ҳажми 6-8 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Илғор мамлакатлар кадрлар тайёрлашда, банк соҳасида ва бошқарувда, ахборот тармоқларини йўлга қўйишда етакчи биржалар билан алоқалар ўрнатишда, қонунчилик тажрибасини ўрганишда республикамизга кўмаклашмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир давр ичида халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш соҳасида асрларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

XX аср охирларида халқаро майдонда мураккаб жараён ва халқаро муаммолар юзага келди. Бу борада умуминсоният учун энг катта хавф ҳисобланган халқаро терроризм таҳдиди умумжаҳон муаммосига айланди.

XX аср охирида “минтақавий можаролар” деб аталган бундай ҳаракатлар эндиликда “халқаро терроризм” деб баҳолаётгани сир эмас.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида терроризм тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: *терроризм* (лот. *terror* — қўрқинч, даҳшат) — сиёсий рақибларни, муҳолифларни йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш).

Ўтган асрнинг охирларидан унинг янги кўринишлари вужудга келди (чет эл давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларини, уларнинг дипломатик вакилларини ўлдириш ёки ўғирлаш, элчихоналар, миссиялар, халқаро ташкилотларнинг биноларини портлатиш, аэропортлар ва вокзалларда портлашлар содир этиш, ҳаво кемаларини олиб қочиш, одамларни гаровга олиш ва ҳ.к.). *Халқаро терроризм* кенг тарқалиб, терроризм ошкора сиёсий тус ола бошлади. Террорчилар айрим мамлакатлар ҳукумати ва унга яқин тузилмалардан мадад оладиган ҳоллар юзага келди. Улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортди. Террорчилар қўлига ядровий, кимёвий, биологик қурол тушиб қолиши хавфи кучайди, электрон террорчилик пайдо бўлди. Кўп ҳолларда терроризм диний *экстремизм, наркобизнес, сепаратизм* билан боғликлиги, чатишиб кетиши кузатила бошлади.

Терроризмга қарши курашни кучайтириш бўйича аксарият мамлакатларда кўп томонлама конвенциялар ва қонун актлари қабул қилинди. Жумладан, 2000 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикасида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» махсус Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар деб таърифланади. Қонунда давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари, террорчиликка қарши операциянинг ўтказилиши, террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси каби масалалар ҳуқуқий асослаб берилган.

1996 йилда Шанхайда, 1997 йилда Москвада бўлиб ўтган Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлат раҳбарларининг бирлашган Саммитида ҳарбий соҳада ҳамда чегара ҳудудларида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида шартномалар имзоланган эди. Шу тариқа, “Шанхай форуми” ёки “Шанхай бешлиги” ташкилоти тузилган эди.

2001 йил 14-15 июн кунлари Хитойда навбатдаги Шанхай Саммити бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қатнашди ва Ўзбекистоннинг “Шанхай форуми”га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисида баёнот имзоланди.

2001 йил июн ойида бўлиб ўтган Саммит якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисида декларация ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди.

2002 йил 6-7 июн кунлари Шанхай хавфсизлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Шанхай хавфсизлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Декларацияси, ташкилотнинг таъсис ҳужжати — Шанхай хавфсизлик ташкилоти Хартияси, Шанхай хавфсизлик ташкилотининг доимий амал қилувчи идоралари — Пекинда Котибият ҳамда Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ижроия қўмитасини ишга туширишга қарор қилди. Бу ташкилотлар 2004 йилнинг январидан бошлаб иш бошлади.

2004 йил 17 июн куни Тошкентда Шанхай хавфсизлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Саммити бўлиб ўтди. Унда икки асосий масала — хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича музокаралар бўлди. Саммитда 2004 йил март ойида Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракати нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида вазиятни ишдан чиқаришга қаратилганлиги қайд этилди. Бутун дунёда террорчилик кучайиб, ядровий, кимёвий, биологик ва электрон террорчилик хавфи пайдо бўлганлиги, террорчиларнинг базаларини йўқотиш, одамларнинг онгини заҳарлайдиган, террорчиликни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин кураш олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Шу боисдан, Тошкентда ташкил этилган МАТТ зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган.

Шанхай хавфсизлик ташкилотининг Тошкент саммитида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Саммитда Шанхай хавфсизлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг хавфсизлик орқали ҳамкорликка бошлайдиган ташкилотдир, деб

таъкидланди. Саммитда иқтисодий ҳамкорликнинг қуйидаги йўналишларини рағбатлантиришга келишиб олинди:

- транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;
- табиий минерал хомашё захираларини ўзлаштириш;
- сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш;
- экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш;
- фан-техника ва юқори технология, энергетика соҳаларида интеграциялашиш;
- инвестициялар хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий пойдевор яратиш, бу соҳадаги турли тўсиқ ва муаммоларни ҳал этиш.

Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзинтао Хитой ҳукумати Шанхай ҳавфсизлик ташкилоти доирасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга 900 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишини маълум қилди.

Саммит якунида Тошкент декларацияси, Шанхай ҳавфсизлик ташкилотининг ваколатлари тўғрисида конвенция, наркотик ва психотроп моддаларнинг айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир ҳужжатлар — жами 10 та ҳужжат имзоланди.

Жумладан, саммитда Шанхай ҳавфсизлик ташкилотининг ривожланиши, нуфузи ортиши ҳамда бугун шакллантирилаётган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида Президентимиз И.А. Каримов шундай фикрлар билдирган:

1. В.В. Путиннинг бугун шакллантирилаётган Шанхай ҳавфсизлик ташкилоти халқаро сиёсатнинг амалий органи сифатида ўз ўрнини топиши, унда Шанхай ҳавфсизлик ташкилоти таркибига кирувчи ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари инобатга олинishi кераклиги.

2. Халқаро терроризм, радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳеч

муболағасиз, Шанхай хавфсизлик ташкилотининг энг муҳим таркибий қисми эканлиги, айнан шу муаммоларни ҳал қилиш учун Минтақавий аксилтеррор маркази тузилганлиги. Бу ўринда, террорчилик ҳаракатлари кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай ғайриинсоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши йўналтирилган кураш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биз ақидапарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч, биринчи навбатда ёшларимиз онгини эгаллаётган ва захарлаётган, уларни ўзининг итоаткор куралига айлантираётган мафкура йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, бугунги кунда муайян террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Минтақамизда “Ҳизбут-таҳрир” каби экстремистик, айирмачилик фаолияти тобора хавфли тус олаётган эди. У конституциявий, дунёвий тузумга қарши чиқиб, ўрта асрлардаги Ислоҳ ҳалифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмағур ғояни тарғиб қилмоқда. Дарвоқе, бу реакцион, ақидапарастлик ҳаракати деярли барча араб мамлакатларида тақиқланган, яқинда минтақанинг кўпгина мамлакатлари ва Россияда ноқонуний деб эълон қилинди. Лекин, таассуф билан тан олиш керакки, бу ёвуз кучга қарши ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва изчиллик кўзга ташланмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашга таъсир кўрсатмай қолмайди.

3. Келажакда Шанхай хавфсизлик ташкилоти фаолиятида иқтисодий йўналиш изчил юксалиб бориши шубҳасиз. Бу ҳақда Шанхай хавфсизлик ташкилотига аъзо бошқа давлат раҳбарлари ҳам таъкидлашди. Турмуш шароитини тубдан яхшилаш ва муносиб келажакни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш пировардида, ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар халқлари кутаётган мақсад-муддаодир. Бугун биз камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар ҳақида гапиряпмиз. Миграция масалалари ҳам муайян кескинлик касб этмоқда. Бу ва бошқа муаммоларнинг ҳал этилмагани мамлакатларимиз ва бутун минтақа келажаги учун катта хавф солмоқда. Шу боис, Шанхай хавфсизлик ташкилоти доирасида ҳам

интеграция, умумминтақавий бозор яратишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида биргаликда қилинадиган ишларимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бу масалаларнинг ҳал этилиши Шанхай хавфсизлик ташкилотига аъзо барча давлатларнинг асосий манфаатларига бир хилда мос келади. Шу маънода, транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамкорлигимизнинг энг муҳим стратегик йўналиши бўлиши даркор. Сўз, аввало, Марказий Осиё ва Хитойни Россия, Европа ва жаҳон бозори билан боғлайдиган, мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, минтақага кенг кўламда инвестициялар киритилишини таъминлаш учун мисли кўрилмаган имкониятлар очадиган йўналишлар ҳақида бормоқда. Юқоридагилардан хулоса қилиб, яна бир бор ишонч билан айтиш мумкинки, Шанхай хавфсизлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг ушбу саммити муҳим воқеа бўлиб қолади ва мамлакатларимиз ҳамда бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асосий омиллари.
2. Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ислоҳ қилиниши ва давлат хавфсизлигининг мустаҳкамланиши.
3. Диний ва дунёвий бағрикенглик тушунчаси, унинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги аҳамияти.
4. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тамойиллари.
5. Терроризм тушунчаси ва унинг таҳдиди.
6. Халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг кўшган ҳиссаси.

## ТЎРТИНЧИ ДАРС

### ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

#### Режа

1. Инсон — жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омили. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида умумэътироф этилган тамойиллар.
2. Ўзбекистонда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг устуворлиги ва амалиёти.
3. Барча мамлакатлар учун универсал демократиянинг йўқлиги.
4. Жамиятни демократлаштиришда ҳар бир халқнинг ўз тарихий, миллий хусусиятларининг ҳал қилувчи омил эканлиги.
5. “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралashiш, демократияни экспорт қилишга уринишнинг ўзи демократиянинг табиатига зид эканлиги.

Ҳар қандай жамият ижтимоий ҳаётининг асосини муайян жамият аъзолари – инсонлар ташкил этади. Инсон жамиятни янгилаш ва демократлаштириш натижаларини белгилаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Бу борада Президентимизнинг қуйидаги фикрларини қайд этиб ўтиш ўринлидир: “Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлиги ва мулки — унинг меҳнатсевар, саҳий ва меҳмондўст халқидир”<sup>17</sup>.

Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадриятларни, кудратли салоҳиятини ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради.

Бу омилнинг кучи ва таъсири, энг аввало, юксак маънавият билан, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. У аҳолининг билимдонлик даражаси, иш билан бандликнинг

---

<sup>17</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997, 252-б.

профессional-малака тузилмаси ва бошқа кўпгина шарт-шароитлар орқали шаклланади.

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган давлатлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда.

Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат, рационал мағиз бор, чунки уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсидир белги-аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда. Бундай таъриф, менимча, кўп томондан масаланинг моҳиятини тўғри ифодалайди. Нега деганда, ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак — бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон

мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Инсон салоҳияти ва меҳнат захираларини шакллантиришда ижтимоий-демографик вазият ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръати юқори. Кейинги йилларда аҳолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига қарамай, у ҳали ҳам МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори даражада эканлигини айтиш кифоя. 1990-1996 йилларнинг ўзида мамлакат аҳолисининг сони 13,3 фоизга кўпайди. Аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1996 йилда 2,0 фоизни ташкил этди ёки аҳоли бир йилда 450 минг кишига кўпайди. Ҳозир республикада 25 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Бу эса, қўшни мамлакатлардагидан кўп.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик аҳволнинг яна бир муҳим хусусияти жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир. Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш даражаси юқори, энг муҳими, оилаларнинг бузилиши дунё бўйича паст даражада. Оила бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Республикада оилалар асосан кўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакиллари бирга яшайдилар ва бирга хўжалик юритадилар. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний ва миллий-маънавий қадриятлардан, анъаналардан баҳраманд қилиш, билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратади. Худди ана шундай оилаларда кишилар болалик чоғиданоқ меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим эгаллашга интилишни ўрганадилар.

Ижтимоий-иқтисодий маънода буларнинг ҳаммаси республиканинг меҳнат захиралари барқарор, интенсив равишда тўлдирилиб туришини, демакки, кўп меҳнат талаб қиладиган корхоналар ва ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш учун катта имкониятлар мавжудлигини англатади.

Ҳозирда республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат захиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил қилади ва ҳар йили 210-220 минг кишига кўпайиб бормоқда.

Меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти унинг ёши ва касбий таркибидир. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI асрда меҳнат захиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчиликини ташкил этишига имкон беради.

Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли захирасидир. Ҳозир қишлоқ хўжалигида барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, энг аввало, саноатга ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Шунинг учун ҳам ҳозир республикада ҳал қилинаётган энг долзарб муаммолардан бири ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш ҳисобланмайди. Балки энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатдир. Вазифа республиканинг ҳар бир фуқаросига меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин танлаш учун чинакам имконият яратишдир.

Ўзбекистондаги меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти унинг таълим даражаси юқорилигидир. Республикада аҳолининг ялпи саводхонлиги муаммоси тўла ҳал қилинган. Саводхонлик даражаси 99,06 фоизни ташкил этади. Бу эса республикани инсон салоҳияти юқори даражада ривожланган иқтисодий тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторга олиб чиқади.

Меҳнат захираларининг умумий ва профессионал таълим даражаси ҳам юқоридир. Республикада мажбурий умумий ўрта таълим қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай таълимни умумий таълим мактаблари,

лицейлар, гимназиялар, ўрта касб-хунар ўқув юртлири ва тижорат мактабларининг кенг тармоғи орқали олиш мумкин.


Бу борада қизиқарли ва намунали статистика мавжуд. 15 ва ундан катта ёшдаги ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда, олий ва тўлиқсиз олий маълумотлилари сони анча ортди. Ҳозирги вақтда у 143 кишини ташкил этади. Шу билан бирга таълим олиш 11,4 йилга етди. Ҳар 1000 кишининг 200 нафари ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ҳар тўрт кишининг биттаси олий ёки ўрта махсус маълумотга эга. Яъни, ҳозир билим даражаси жиҳатидан республика ҳақли суратда ўқимишли мамлакатлар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган иқтисодий, сиёсий ва маданий ислохотлар инсоннинг жамиятни янгилаш ва демократлаштириш натижаларини белгиловчи асосий омил эканлигини тўла намоён этади. Хусусан, бу борада 1997 йилнинг “Инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши ва бугунги кунда ҳам катта эътибор берилаётган инсон манфаатлари ҳимоясини амалга оширишнинг чора-тадбирлари дастурида қуйидаги вазифалар кўзда тутилган эди:

- шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш;
- инсон ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;
- инсоннинг маданий, маънавий, интеллектуал лаёқатини рўёбга чиқиши учун шарт-шароит яратиш.

Дастурда инсоннинг кўпқиррали манфаатларига жавоб берувчи тадбирлар белгиланган. Асосийси, дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг қуруқ гапга айланиб қолишига йўл қўймасликда.

Мазкур дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаро, ҳар бир шахри, ҳар бир қишлоғи ҳаётида ўз ифодасини топиши ўта муҳимдир.



**9-чизма. Жамият аъзоларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизими**

Мустақиллик йилларида инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, яъни умумэътироф этган тамойиллар, инсонга ўз инсоният талабларининг амалга оширилишини таъминловчи жаҳонда умумэътироф этган яшаш ҳуқуқи, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари жамият ҳаётининг асосий мазмуни бўлиши зарур. Бинобарин, инсоннинг шахс сифатида унинг давлат, жамият билан муносабатлари хусусида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида шундай деб эътироф этилади: ***“Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.”*** Ушбу моддада Қомусимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ўз ифодасини топган. Унда жамият ва фуқаролар манфаатининг устунлиги ҳамда давлатнинг улар олдида жавобгарлиги қонун билан мустаҳкамланган ва кафолатланган. Унда давлатнинг ижтимоий аҳамияти белгилаб берилган, унинг мақсади халқ манфаатларига хизмат қилиш эканлиги кўрсатилган.

Истиқлол шарофати билан ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас деб эълон қилинди ва давлат ҳимоясига олинди. Бу ниҳоятда улкан аҳамиятга эга ҳуқуқий ютуқдир. Чунки сўнгги 70 йил давомида Ўзбекистон собиқ совет маъмурий-буйруқбозлик тизимига қарамлик ва сиғиниш ҳолатида эди. Ҳар бир фуқаро давлат маҳкамаси мурватининг кичик, аҳамиятсиз қисмига айланиб қолган эди. Энди эса барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида жавобгардирлар.


Айнан давлатнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари учун бўлган жамият устидан хавfli ҳукмронлигига йўл қўймаслик мақсадида, Конституция давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаро олдидаги мажбуриятларини белгилаб қўйган.

Давлатнинг фуқаролар олдидаги масъуллиги демократик-ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Давлат қонун доирасида инсонларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитларни

яратиб бериши керак. Шунинг учун ҳам давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатларига, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим.

Давлатнинг масъуллиги тамойили Ўзбекистоннинг Конституциявий ривожланиши тарихида биринчи бор мустаҳкамлаб қўйилди. У фуқаролик жамияти учун катта аҳамиятга эга, чунки давлат тўраларнинг ҳамда мансабдор шахсларнинг тажовузларидан ҳимояланишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Конституциявий ҳуқуқда давлат жамият ҳаётини мамлакат миқёсида ташкил этиш масалаларини ҳал этиш, мамлакатнинг ташқи дунё билан муносабатларини белгилаш ваколатига эга бўлган ҳокимият тузилмаси сифатида қаралади.



### 10-чизма. Фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари

Дунё мамлакатларининг конституцияларида давлатга таъриф берилмайди. Лекин асосий қонун сифатида уларда давлатнинг жамият ҳаётини ташкил этиш тартиби кўрсатилади: халқ (халқ суверенитети,

фуқаролик, асосий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг конституциявий институтлари), ҳудуд (унинг яхлитлиги, ягоналиги ва дахлсизлиги), бутун халққа ва бутун ҳудудга тааллуқли бўлган давлат ҳокимияти).

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларининг устуворлиги масалалари қуйидагича эътироф этилади: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”.

Умумий маънода демократия деганда, ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳлил қилинганда эса демократия — халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашларни ҳам ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шаклини ҳам билдиради.

Демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, руҳиятининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия ғояларини баён қилиш мумкин. Сиёсатда демократияни юқоридан “тушириш” мумкин. Лекин бу билан демократия сизу бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи лозим. Бу эса бир зумда бўладиган демократик турмуш тарзининг таркибий қисми бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир. Баъзи давлатларда бунга эришгунча кўплаб авлодлар ўтган.



### 11-чизма. Демократия ва унинг мезонлари

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Чинакам демократиянинг зарурий ва ҳуқуқий таркиби сифатида кўппартиявийлик принципи амалда шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига сайловлар кўппартиявийлик принципи асосида ўтказилди.

Ўзбекистон миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъий назар, умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳақиқатда таъминлаб берадиган давлатдир. Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддасдир. Демократия ва инсон ҳуқуқлари сингари умумбашарий қадриятлар Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади.

Инсоннинг энг муҳим ва муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи мазкур ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қафолатлашдан иборат. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шarti. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция, қонунлар ва давлат идоралари томонидан ҳимоя қилинади.

Ҳокимиятни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига таҳдид соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг маънавий ва демократик эркинликларига қарши чиқадиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқаридадир.

Шунингдек, Конституциянинг 14-моддасида инсон ҳуқуқларининг ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларига асосланиши қатъий этироф этилиши алоҳида аҳамиятлидир: “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”. Бу қоида орқали конституция демократик давлат фаолиятининг асосий принципларидан бирини эълон қилган: унга кўра, инсонга муносиб ҳаётни ва унинг ривожланишини таъминлаш умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон ижтимоий адолат давлатидир. Шу муносабат билан у фуқароларни, айниқса аҳолининг энг ночор қатламлари бўлмиш ногиронларни, кўп болали оилаларни, етим-есирларни ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жамият ҳаётини тубдан яхшилашга хизмат қилувчи муҳим йўналишларни бош ислоҳотчи бўлмиш давлатнинг ўзи танлаб, уларни амалга оширишда ўзи етакчилик қилмоқда. Ҳар қандай ижтимоий-адолатли жамият ва давлатнинг ўлчов мезони жамиятнинг энг ночор табақаларига муносабат билан белгиланади.

Давлат ва жамият фуқарони ўз химоясига олмоғи лозим. Хотиржам одамгина тинч яшаб, унумли меҳнат қила олади. Давлат ҳалол меҳнат учун ҳуқуқий ва иқтисодий шароит яратмоғи лозим.

Кучли ижтимоий сиёсат адолатли жамият ва демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий гаровидир. “Давлатнинг фаол ислохотчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам негизни вужудга келтиради”<sup>18</sup>.

Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари, авваламбор, оиладан бошланади. Чунки оила жамиятнинг негизидир. Оила турмуш ва “виждон қонунлари” асосида қурилади. У ўзининг кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларига эга. Оилада демократик негизларга асос солинади. Одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Шу боис ҳам давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин. Биз ҳаммамиз ана шу оиланинг аҳил фарзандлари бўлишимиз лозим.

Конституциянинг 15-моддасида шундай деб белгилаб қўйилган: **“Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”**. Ҳар бир давлатнинг ижтимоий ҳаёти ҳуқуқий асосда ривожланади. Конституция ва қонунларнинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциплари қаторига киради.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қадрланмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса демократик ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон тараққиёт йўлининг энг муҳим принципларидан биридир.

---

<sup>18</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон «бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». -Т.: Ўзбекистон, 1994, 73-б.

Ҳар бир фуқаро ёши, ижтимоий мавқеи, миллати, ирқи ва динидан катъий назар тенг асосда конституция ва давлат қонунларига бўйсунishi шарт. Агар жамиятда қонун бажарилмай қоғозда қолиб кетса, бундай жамият асло равнақ топмайди, адолатга эриша олмайди. Қонуний амалий бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, унинг ижроси ҳам катъий бўлмоғи зарур.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири барча фуқароларнинг тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги қуйидагиларни билдиради:

**биринчидан**, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг катъиян ҳукмронлиги. Ҳеч қандай шахс, ҳеч бир давлат органи ёки бошқа бирор фуқаро қонунга бўйсунish мажбуриятидан озод этилиши мумкин эмас;

**иккинчидан**, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар барча иштирокчиларининг эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши.

Ҳар бир давлатнинг Конституция ва қонунлари унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, хоҳиш-истакларини ифода этмоғи лозим: “Инсон қонунга эмас, балки қонун инсонга хизмат қилиши керак”, деган ибора айти демократик давлатдаги қонунларга тааллуқлидир. Маъмурий буйруқбозликка асосланган собиқ советлар тузуми даврида конституция ва қонунлар бир мақсадга — қотиб қолган мафкурага асосланган мустабид тузумни ҳимоя қилишга ва унинг ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилар эди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ эркинликларини таъминлашдан иборатдир. Зотан улуғ бобомиз ва Амир Темур айтганидек, “қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади”.

Конституция ўзбек ҳуқуқий тизимининг ўзагини ташкил этади. Барча жорий қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга тўла мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмоғи зарур. Конституциямизни махсус

тарзда муҳофаза қилиш мақсадида, Ўзбекистон тарихида илк бор Конституциявий суд жорий қилинди. Бу ҳақда Конституциянинг 108 ва 109-моддаларида баён қилинган. Конституциямиз қабул қилингандан буён 400 дан ортиқ янги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар миллий ўзбек давлатчилигини барпо этишга, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга қаратилгандир.

“Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У – қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У – одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият деганда – турли можароларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир”<sup>19</sup>.

Маълумки, демократик жамият қуриш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, демократик модел ҳар бир мамлакатнинг миллий давлатчилик тарихи, менталитети, урф-одатлари тарзида майдонга чиқади. Кўпгина давлатларнинг бу жараёнга энди кириб келаётгани ҳам бугунги дунёнинг асосий қиёфасини намоён этиб беради. Аксарият ривожланган мамлакатларнинг ўзига хос демократик модели мавжуд бўлиб, бу жараён кўп йиллар ичида давомли тарзда шаклланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, барча мамлакатлар учун универсал демократия бўлиши мумкин эмас. Яъни, ҳеч бир мамлакат бирон-бир умумий қолип, андоза асосида демократик жамият қура олмайди, бирон-бир моделнинг бошқа мамлакат томонидан айнан кўчириб, амалга ошириш мумкин эмас.

Демократик жамият қуришда ҳар бир мамлакат, халқ, миллат ўз тарихи, миллий хусусиятлари ва кадриятлари ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Уларни инобатга олиш, умумидемократик шартларни миллий кадриятларга мослаштирилган ҳолда амалга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>19</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3 - Т.: Ўзбекистон., 1996, 22-б.

Тарихдан маълумки, мустамлака занжири билан боғланган мамлакат эркинликка, озодликка осонликча эриша олмаган. Бундай давлат ўн йилликлар, балки асрлар оша мустақилликка эришиш йўлларини, усулларини излайди, шу улуғвор ва башарий мақсадни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга бетиним ҳаракат қилади. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва хулқ-атвор нормалари шуни тақозо этади”<sup>20</sup>.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, халқнинг эрк ва озодликка эришишга интилиши, унинг йўл-йўриқларини қидириб топиши ва қулай вазият яратиш учун изланиши унинг маънавий камолоти, шижоати, мардлиги, ватанпарварлиги, ғурур ва ифтихори билан бевосита боғлиқдир. Маънавий баркамол халқ ўзи танлаган йўлнинг шарт-шароити ва заминини яратишга интилади.

Дунёдаги мамлакатлар у ёки бу шаклда озодликка эришганлари маълум. Худди шу тариқа улар тараққиёт йўлларининг ҳам ўзига хос йўлини танлаб, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олганлар. Тинч ва парламент йўли билан мустақилликка эришган Ўзбекистон бошқа давлатларнинг тараққиёт тажрибаларини пухта ўрганган ҳолда ўз шарт-шароити, ўзига хос хусусиятлари асосида ижобий натижаларга эришмоқдаки, унинг бу дадил қадамини халқаро ташкилотлар қўллаб-қувватламоқдалар ва ижобий баҳоламоқдалар. Лекин Ўзбекистон шунчаки тақлидчиликдан мутлақо йирик эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Худди шу маънода И.А. Каримов: “Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир. Бу – ўтмиш йилларнинг хатоларини, давлат тузилишининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир... Бу Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётига муносиб турмуш шароитига

---

<sup>20</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.:Ўзбекистон, 1992, 9-б.

интилишидир”<sup>21</sup>, - дейди. Бирок, ҳали бир неча ўн йиллар давомида одамлар конига, онгига зўравонлик ва мажбур қилиш йўли билан жойлаштирилиб, кўникма ва малакага айлантирилган айрим бепарволик, лоқайдлик, мутелик, ўзибўларчилик ва шу каби салбий ақидаларни қисқа вақтда бартараф этиш қийин. Ўша чиркин иллатларни кишилар онгидан чиқариб ташлаш муаммоси ҳар бир зиёли олдида кўндаланг турибди. Бу муаммони ҳал қилиш барча тарбия воситаларини сафарбар этишни талаб қилади. Бунда, асосан, барча ахборот воситалари, радио ва телекўрсатувлар, халқ таълими тизими фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда шунчаки сўзлаш ёки қурук ахборотларни етказиб бериш эмас, балки асрлар, бир неча ўн йилликлар мобайнида рўй бераётган ва айни чоғда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни аниқ далиллар, маънавият ва қадриятларнинг аҳволини қиёслаш асосида иш тутиш лозим. Бу ишонтириш куч-қудратга эгадир. Бу сиёсий-педагогик омиллардан унумли ва оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Мустақилликка эришган ёш республикани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида муаллиф шундай дейди: “Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади”<sup>22</sup>.

Ўзбек модели Ўзбекистоннинг истиқлолдан миллий тараққиёт заруратидан туғилган ривожланиш дастуридир. Унинг маъно-моҳиятини белгиловчи асосий омил халқнинг фаровон ва эркин ҳаёт сари интилиши, тинч ва осуда тараққиёт йўлидаги хоҳиш-иродасидир. Айнан мана шу омил миллий тараққиёт борасида ўзига хос йўл тутишни белгилаб берди. Шу боис ўзбек модели, ўз маъно-моҳиятига кўра бошқа биронта тараққиёт моделига ўхшамайди.

---

<sup>21</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 1992, 10-б.

<sup>22</sup> Ўша жойда.

Ўзбек халқининг ўзига хос қадимий ҳаракат фалсафаси мавжуд. Бу фалсафа халқнинг анъанавий ҳаёт тарзига, менталитети ва руҳиятига асосланади. Ўзбек бирор-бир ишга киришар экан, аввало қариндош-уруғ, маҳалла-қўй, дўст-ёрлари билан кенгашиб кўради, масаланинг ҳамма томонини атрофлича ўйлайди, билганларнинг билим-тажрибасини, билмаганларнинг шубҳа-гумонини эшитади ва охирида ўзи холис хулоса чиқаради.

Ўзбек халқининг аксарияти қишлоқда яшаши, оилаларнинг кўп болали экани, қариндош-уруғчилик, меҳр-оқибат тамойилларининг кучлилиги унинг турмуш тарзига ҳам мана шу турмуш тарзи натижаси бўлган яшаш ақидаси, ҳаракат фалсафасига ҳам ўзига хос босиқлик, андишалилик бахш этади. Шу боис у оқибатини ўйламасдан бирор ишга қўл урмайди.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, халқи ҳамиша моҳиятини кўзлаб ҳаракат қилган. Улар учун энг муҳими моҳият бўлган. Яъни, мақсад сари босқичма-босқич бориш ўзбек халқида қадимдан анъана ҳисобланган.

Табиийки, мана шундай анъанага эга бўлган халқ турмушига ноанъанавий тараққиёт дастурини (масалан, шок терапиясини) татбиқ этиб бўлмас эди. Шу билан бирга, бу фалсафани маиший турмуш тақозо этган даражада қолдириб ҳам бўлмас, уни дунёвий тараққиётнинг энг илғор тажрибалари билан бойитиш зарур эди.

Янги тарихий вазият — мустақилликнинг ўзи кўп нарсага ойдинлик киритди ва ғоятда улкан имкониятларни вужудга келтирди. Президент И.А. Каримов бу ҳақда шундай деган эди: “Мустақиллик йиллари – ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир. Бу давр бой амал-имкониятларга эга бўлган республикани танг аҳволга солиб қўйган сабабларни мафкуравий ақидалардан ҳоли тарзда жиддий таҳлил қилиш, тангликни тезроқ бартараф этиш йўлларини излаш йилларидир.

Мустақиллик йиллари ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий

ўзлигини англашнинг ўсиши давридир. Бу – озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажагига ишонч билан тўлиб-тошган даврдир.

Энг муҳими шуки, мустақилликнинг дастлабки йиллари – республиканинг ўз тараққиёт йўлини фаол излаш, Ватанимизни эркин, кучли ва раванқ топган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди”<sup>23</sup>.

Айнан ана шу ҳол — халқ ўзлигини, унинг қудрати ва салоҳиятини тўғри ва ҳаққоний англаб етиш, келажакка ишонч, тараққиёт борасидаги тинимсиз изланиш охир-оқибатда халқнинг руҳига, ҳаракат фалсафасига мос йўл танлаш имконини берди. Бу нарса яна шундан далолат берадики, ўзбек модели шунчаки бир назария сифатида ўйлаб чиқилган эмас, балки у бутун бир мамлакатни мустабид тузум давридаги ўта танг аҳволдан озод ва хур, ҳуқуқий демократик жамият бағрига олиб чиқишнинг бирдан-бир йўли сифатида танланди ва жорий этилди.

Ўзбек модели халқнинг иродаси, унинг руҳи ва тафаккури кўп йиллик истибдод даврида ҳам сўнмагани, аксинча, эрк, озодлик, мустақилликка интилиши жараёнида янада товланиб, мустаҳкамланиб борганини, у ўз келажак тақдирини ўзи белгилашга қодир эканини кўрсатди. Ўзбек халқи Президент И.А. Каримов сиймосида ўз Ватанидаги тарихий шароитга мос йўл танлаб, сиёсий маданият борасида янги юксакликка қадам кўйганини намоён этди.

Демократик жамият қуришда Ўзбекистоннинг тарихий, миллий хусусиятлари ва қадриятларига таянган ҳолда, И.А. Каримов мустақилликка эндигина эришган республикамизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлининг шарт-шароити ва заминини ўтмишни, тарихни, ўша даврлардаги тараққиёт босқичларини, миллий қадриятлар, урф-одатларни, республикамизнинг географик ўрни, ер ости ва усти бойликларини ва шу кабиларни атрофлича қиёсий йўсинда таҳлил қилиш орқали кўрсатган. Халқ таълими ходимлари

---

23 Каримов И.А. Эришган марраимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш асосий вазифамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2004, 8 – б.

уни ёш авлодга сингдиришда ўша тажрибага таяниши лозим. Шундагина бу фикрлар ёшлар онгига тезроқ етиб боради ва келажакда ўз самарасини беради.

Ўтмиш тажрибаларидан маълумки, ишонч бўлмаган жойда тараққиёт ва камолот, эзгулик ва рўшнолик, ҳақиқат ва адолат, поклик ва ҳалоллик, диёнат ва ҳаловат ва шу кабиларнинг илдиз отиши мумкин эмаслиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тўла далилланган. Ишонч яхшиликнинг шаклланиш, ривожланиш, баркамоллик калитидир. Ишонч йўқолган ердан иймон кетади. Ишончсиз умр — ёниб битган кўмир. Ишончсиз қалбда изтироб, қайғу-алам, умидсизлик кайфияти уя қуради. Демак, одамлар руҳидан ишончсизликни чиқариб ташлаб, ишонч уруғини сепиш, уни ундириш, ўстириш ва камолга етказиш биринчи галдаги вазифадир. Юз йиллар давомида илдиз отган қабоҳатни тезлик билан бир зумда йўқотиш осон иш эмас, албатта.

Шунинг учун Президент И.А. Каримов биринчи навбатда, мамлакат ичкараси ва ташқарисида демократия ва ижтимоий адолатни қарор топтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Чунки у истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосий принципларидан биридир. Қолаверса, ҳақиқат ва адолат ишонч қасрининг калитидир. Янги ташкил топган ёш мустақил Ўзбекистон давлати учун одамларнинг одамларга, одамларнинг давлатга, давлатнинг одамларга нисбатан ишончи жуда муҳимдир. Худди шу нарса давлатлараро муносабатларда ҳам қарор топиши зарур. Билъакс, тараққиёт ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш ва янгича тузумни барпо этишда ижтимоий ва маънавий кафолатлар муҳим ўрин тутади. Чунки бу нарса инсон онгига, тафаккурига сингиши лозим. Бошқача айтганда, инсон миясини эзгу фикрлар билан тўлдириш лозим. Албатта, бу ижтимоий-маънавий тарбия билан бевосита боғлиқдир.

Инсон ҳаётини иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан кафолатлаш деганда, биринчи навбатда, инсонпарварлик ғояларига таяниш

лозим. Чунки ўша нарсаларнинг барчаси инсон учун, унинг бахт-иқболи, истиқболи учун хизмат қилади. Шуни назарда тутган ҳолда муаллиф инсонпарварлик масаласига қайта-қайта урғу беради. Бу ерда инсон кадр-қиммати юқори даражага кўтарилган. Ўтмишда доноларимиз ва халқимиз: “Қорнимга эмас, кадримга йиғлайман”, – деб бежиз айтмаган. И.А. Каримов инсон қорнини тўйғазиш билан бирга унинг кадр-қимматини жойига кўйишни бир бутун масала сифатида қарайди. “Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон ҳуқуқларининг Умумий декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтириш”<sup>24</sup> унинг бош маслаги ҳисобланади.

Хуллас, жамиятни демократлаштириш ҳар бир халқнинг тарихий-миллий хусусиятларига таянган ҳолда амалга оширилади, демократия ва ижтимоий адолат қонунлари асосида шакллантирилади. Бу жараённинг мана шундай тарзда амалга оширилиши халқнинг келажакка ишонч туйғуларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, республикаимизнинг барча ҳудудларида мазкур ишларни амалга ошириш тенг ҳуқуқлилик тамойилига асосланса, яхши натижалар бериши табиийдир. Шунинг учун мустақил иқтисодий сиёсат ёшларни ижтимоий-демократик руҳда тарбиялашнинг, демократик жамият қуришнинг асоси бўлиб қолиши зарур. Бу иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатлардан янги мустақил Ўзбекистон давлатининг равнақи ва тараққиётида салмоқли ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши жамиятнинг асосий ижтимоий қатлами бўлган ёшларнинг мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга объектив нигоҳ ташлашларига қулай имконият яратди.

“Ёшлар йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши жамиятимиз ёшларининг шахс сифатида шаклланиши, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллашларига муҳим замин вазифасини ўтади.

---

<sup>24</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 1992, 20-б.

Дарҳақиқат, инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида тарихий давр ва ижтимоий вазиятнинг ўрни каттадир. Шахс жамиятнинг бир аъзоси, унинг жамиятдан ташқарида бўлиши ғайритабиийдир. Чунки инсон кўпгина нарсаларсиз ҳам яшай олади, лекин танҳоликда яшай олмайди. Унинг бахт-саодати жамиятдан ташқари бўлмайди. Шу боис шахс жамият билан доимо боғлиқ. Мустақил шахс уч асосий компонентни — мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш ва мустақил яшашни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу талаблар ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиб, шубҳасиз, бири иккинчисига таъсир кўрсатади.

“Ёшлар йили” Давлат дастурининг бажарилиши ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатлари устуворлигининг амалий натижаси сифатида тарихдан муносиб ўрин эгаллай билди.

Бугунги кун ёшлари нафақат мамлакат, балки дунё миқёсида фикрлаш ва ижод қила билиш имкониятига эга. Уларни демократик руҳда тарбиялаш, ҳуқуқий ва сиёсий онгни ўстириш давр воқеа ва ходисаларига объектив баҳо беришни таъминлайди.

Ўзбекистон фуқароларининг, хусусан, ёшларнинг мамлакатимиз атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида хабардор бўлиши ва уларнинг дахлсизлик ҳисси билан яшаши, ўз мустақил фикри ва муносабатига эга бўлиши зарурлиги мазкур Дастурда ўз ифодасини топган. Ундан кўзланган мақсад фақат бугина эмас. Дастурнинг 2-бандида кўзда тутилганидек, республикамиздаги иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари янги авлод тарбияси йўлидаги жиддий ислоҳот ҳисобланади.

Бугунги кунда айрим давлатлар томонидан ўз демократик моделини бошқа давлатларга турли инқилоб ёки зўравонлик йўли билан экспорт қилишга уриниш ҳолатларини кузатиш мумкин. Президент И.А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаб ўтганидек, ўтиш даврида бундай ҳаракатлар маънавий бўшлиқ юз бера бошлаган вазиятда юз

бериши табиий ҳол эканлиги, бундай ҳолатларнинг олдини олиш кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий вазифа эканлигини унутмаслик зарур. Айни чоғда, бундай ҳаракатларнинг ўзи демократия табиатига мутлақо зидлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари диний эркинликларга кенг йўл очилди. Ҳақиқий диний эътиқод эркинлиги қонун йўли билан кафолатланди. Бугунги кунда мамлакатимизда турли диний конфессияга мансуб диний ташкилотлар, шу жумладан, олий ва ўрта махсус диний билим юртлари фаолият юритаётгани, фуқароларнинг эркин равишда диний амалларни бажараётгани бунинг ёрқин исботидир.

Бироқ бугунги кунда сиёсий ҳокимиятга интилаётган, диний шиорларни ниқоб қилиб олган баъзи гуруҳлар Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказмоқда. Экстремистларнинг 2005 йилнинг май ойида Андижонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, 2006 йилнинг май ойида Қирғизистоннинг Боткент тумани ва Тожикистоннинг Исфара туманида чегарачиларга, август-сентябрь ойларида Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига қуролли ҳужум уюштиришлари оқибатида бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди, халқ осойишталиги бузилди.

Марказий Осиёга диний экстремизмнинг кириб келишида Афғонистон дарвоза вазифасини ўтади. Диний-экстремистик гуруҳларнинг бош мақсади “халифалик” давлати тузиш шиори остида сиёсий ҳокимиятни эгаллашдир. Ҳозирги кунда кўпроқ “Ўзбекистон Ислом ҳаракати” (иккинчи номи — Туркистон Ислом ҳаракати), “Ҳизбут–тахрир”, “Акромийлар”, “Нурчилар” ва “Таблиғчилар” каби диний экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг фаолияти кузатилмоқда.

Бугунги кунда баркамол инсонни вояга етказиш борасидаги энг муҳим вазифа бўлиб ёшларнинг онгида мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, уларнинг миясини зарарли ақидалар таъсиридан тозалаш ва уларни

бунёдкорлик, Ватанга, миллатга садоқат руҳидаги мафкура асосида тарбиялаш масаласи турибди. Тўғри, давлатимиз раҳбари бу ҳақда илгари ҳам муттасил гапириб келган. Лекин бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган, четдан турли зарарли мафкуралар оқиб келаётган пайтда бу масала ғоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласига ёзган сўзбошида миллий истиқлол мафкурасининг маъно-моҳияти, унинг ёшларни тарбиялаш борасидаги аҳамияти, жамиятимиз ўз олдига қўйган ижтимоий-сиёсий мақсадларни англаб етишнинг мафкура шаклланишига таъсири, ижтимоий фанларнинг бугунги аҳволи, халқимизга хос бўлган туйғу ва тушунчаларнинг миллий мафкурада тутадиган ўрни каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтган<sup>25</sup>.

Ҳозирда халқимиз миллий ўзлигини англаш жараёнини бошдан кечирмоқда. Миллий мафкура бу жараёнга янгича руҳ, янгича мазмун бахш этиб, уни янада кучайтиради. Бинобарин, миллий мафкура баркамол инсонни вояга етказиш борасидаги бир талай муаммоларга ҳам жавоб бўлади, айти пайтда жамиятимиз сиёсий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Юртбошимиз мафкурани, аввало, инсоннинг, жамиятнинг яшашдан, тараққиётдан кўзлаган мақсад-муддаосини белгилаб берадиган, унинг ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган куч деб билади. Руҳида, онгида ана шундай қувват бўлган халқ, жамият ўз йўлидан ҳамиша олға қараб боради, ўткинчи, ҳавойи таъсирларга учрамайди. “Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди”, - дейди Президентимиз. “Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаати бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади”<sup>26</sup>.

---

<sup>25</sup> Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига берган жавоблари. 2000, 8-б.

<sup>26</sup> Ўша жойда.

Юртбошимиз турли хил манфаатлар кураши кетаётган бугунги дунёда айрим ғаразли гуруҳлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмагани, барча воситалардан фойдаланишга уринаётганини жуда тўғри таъкидлайди. Масалан, “Ҳизбут-таҳрир”, “Ваҳобийлик” каби диний оқимлар ислом ғояларини байроқ қилиб, аллақандай халифачилик давлатини ўрнатиш ҳақида сафсата сотиб, ёшларимизни йўлдан чалғитишга уринмоқда.

Ана шундай “даъват”ларга ёшларнинг алданиб қолмаслиги учун уларда ўзига хос мафкуравий иммунитетни тарбиялаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Баркамол жамият сари баркамол инсон орқали бориш янги сиёсий жамият, сиёсий маданият эгасини тарбиялаш демакдир. Бинобарин, баркамол инсондан баркамол жамият сари бориш жараёни сиёсий маданият нуқтаи назаридан ҳам улкан янгиликдир. Бу жараён мамлакатимиз сиёсатининг пировард мақсади инсон, унинг бахт-саодати эканини кўрсатади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Инсон учун эркинликнинг аҳамияти ва зарурати нимада?
2. “Универсал демократия” тушунчаси ва миллий қадриятлар ўртасидаги мутаносибликлар.
3. Қонун устуворлиги деганда нимани тушунасиш?
4. Миллий менталитетнинг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни.
5. Демократиянинг табиатига зид тушунча ва ҳаракатлари.
6. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий хусусиятларини санаб беринг.

## МАВЗУЛАРНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН ТЕСТЛАР

**1. “Давлат мустақиллиги” тушунчасининг тўғри таърифини топинг.**

- А) Иймон, эътиқод эркинлиги.
- Б) Миллий қадрият, маданият ва маънавият, маърифат ва дин-диёнат озодлиги.
- В) Муайян давлатнинг давлат бошқарувига, унинг ички ишларига ҳеч кимнинг четдан аралашмаслиги.
- Г) Миллий армиянинг барқарорлиги, ягоналиги ва унинг бошқаларга бўйсунмаслиги.
- Д) Барча жавоблар тўғри.

**2. Мустақил давлатнинг асосий белгилари.**

- А) Ўз ички ва ташқи сиёсатига эга бўлиш.
- Б) Ўз тараққиёт йўлини белгилаш, миллий ғоя ва миллий мафкурага эга бўлиши.
- В) Ўз ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини бошқа давлатлардан устун билиши.
- Г) Миллий қадриятларнинг бирламчилиги.
- Д) А ва Б жавоблар тўғри.

**3. “Демократия” сўзининг маъносини аниқланг.**

- А) Халқ ҳокимияти.
- Б) Давлат мустақиллиги.
- В) Халқлар дўстлиги.
- Г) Юрт тинчлиги.
- Д) Давлат сиёсати.

**4. Умумхалқ референдуми нима?**

- А) Маълум имкониятни танлаш.
- Б) Жамият ҳаётидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришларни халқ орасида овозга қўйиш йўли орқали тасдиқлаш.
- В) Овоз бериш.
- Г) Ривожланган давлат тажрибасини ўрганиш.
- Д) Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш.

**5. Жаҳидлар жамият тараққиётига эришишда нимага асосий урғу берган эди?**

- А) Иқтисодга.
- Б) Диний таълимга.
- В) Маориф ва тарбияга.
- Г) Сиёсий курашга.
- Д) Матбуотга.

## **6. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” тамойиллари кетма-кетлиги тўғри саналган қаторни кўрсатинг.**

- А) Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, давлат – бош ислохотчи, кучли ижтимоий сиёсат, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.
- Б) Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, кучли ижтимоий сиёсат, давлат – бош ислохотчи, қонун устуворлиги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.
- В) Давлат – бош ислохотчи, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.
- Г) Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, давлат – бош ислохотчи, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.
- Д) Кучли ижтимоий сиёсат, иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, давлат – бош ислохотчи, қонун устуворлиги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

## **7. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилишининг асосий омилларини кўрсатинг.**

- А) Халқаро тан олинган ҳуқуқий тамойиллар эътиборга олиниши, ривожланган демократик давлатлар тажрибаларига таяниш.
- Б) Ўзбек давлатчилиқ тарихи ва минг йиллик ахлоқий-маънавий кадриятларга асосланиш, вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг энг демократик тизимларини барпо этиш.
- В) Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими билан президентлик бошқаруви усулини танлаш.
- Г) Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза олиш.
- Д) А,Б, В жавоблар тўғри.

## **8. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар сони ва номлари тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.**

- А) 5та: ХДП, Фидокорлар, Ватан тараққиёти, Адолат, Миллий тикланиш.
- Б) 4та: ХДП, “Адолат” СДП, “Миллий тикланиш” ДП, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар либерал-демократик партияси.
- В) 6та: ХДП, Фидокорлар, Ватан тараққиёти, Адолат, Миллий тикланиш, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар либерал-демократик партияси.
- Д) 3та: ХДП, “Адолат” СДП, “Миллий тикланиш” ДП.
- Г) 4та: ХДП, Фидокорлар, Ватан тараққиёти, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар либерал-демократик партияси.

## **9. Сиёсий партиялар тузиш ва фаолият кўрсатиш тамойилларини белгиланг.**

- А) Ихтиёрийлик.

- Б) Партия аъзолари тенг ҳуқуқлилиги.
- В) Ўз-ўзини бошқариш ва ошқоралик.
- Г) Қонунийлик.
- Д) Барча жавоблар тўғри.

**10. “Диний экстремизм” маъносини аниқланг.**

- А) Дин ниқоби остидаги мавжуд сиёсий тузумга қарши кескин ҳаракатларни амалга ошириш.
- Б) Диннинг давлат бошқарувига аралашуви.
- В) Диний давлатнинг кўриниши.
- Г) Диний кадриятларни нотўғри талқин этилиши.
- Д) Диннинг давлат мафкурасига айланиши.

**11. “Истиқлол” сўзи қандай маънони англатади?**

- А) Арабчада озодлик, эркинлик, кўтарилиш, қаддини ростлаш, ўсиш, юқори мартабага эришиш.
- Б) Форсчада озодлик, эркинлик.
- В) Тожикчада кўтарилиш, ўсиш.
- Г) Қадимий туркий тилида юқори мартабага эришиш.
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

**12. «...Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим-тарбиясини кўрган шахслар керак» ибораси Ислом Каримовнинг қайси асаридан олинган?**

- А) Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.
- Б) Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.
- В) Баркамол авлод орзуси.
- Г) Бизда озод ва обод Ватан қолсин.
- Д) Адолатли жамият сари.

**13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси нечта палатадан иборат?**

- А) 2 та, юқори ва қуйи.
- Б) 1 та, юқори.
- В) 3 та, юқори, ўрта ва қуйи.
- Г) 2 та, Сенат ва Олий Мажлис.
- Д) 1 та, Олий Мажлис.

**14. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури қачон қабул қилинган?**

- А) 1998 йил 27 август.
- Б) 1999 йил 25 август.
- В) 1996 йил 22 август.
- Г) 1997 йил 29 август.
- Д) 1993 йил 12 август.

**15. Ўзбекистон ўзи учун энг мақбул деб танлаган ривожланиш йўли.**

- А) Революцион.
- Б) Шок терапияси.
- В) Инқилобий сакраш.
- Г) Консерватив.
- Д) Эволюцион (тадрижий).

**16. Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг назарий асослари И.А. Каримовнинг қайси асарида ишлаб чиқилган?**

- А) “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”.
- Б) Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.
- В) Ўзбекистон буюк келажак сари.
- Г) Юксак маънавият – енгилмас куч.
- Д) Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби.

**17. Ҳозирги даврдаги ғоявий таҳдидлар қандай намоён бўлмоқда?**

- А) Фундаментализм, маҳаллийчилик кўринишида.
- Б) Диний экстремизм ва сохта демократия кўринишида.
- В) Терроризм кўринишида.
- Г) Миллатчилик ва шовинизм кўринишида.
- Д) Мафкуравий полигон кўринишида.

**18. Яккамафкуравий ва кўпмафкуравий жамиятнинг асосий фарқлари нималарда кўринади?**

- А) Яккамафкуравий жамиятда бир мафкура ҳукмрон мафкура бўлади, кўпмафкуравий жамиятда хилма-хил мафкуралар фаолият кўрсатади, бирон-бир мафкура Давлат мафкураси сифатида ўрнатилмайди.
- Б) Давлат мафкураси жамият мафкурасидан устун ҳисобланади.
- В) Давлат сиёсати билан уйғунликда фаолият юритади.
- Г) Ҳар қандай мафкура бирламчи ҳисобланади.
- Д) Яккамафкура анъанавий бўлади, кўпмафкуравий жамиятда эса хилма-хил миллий қадриятлар инобатга олиниб, Давлат мафкураси сифатида ўрнатилади.

**19. Ижтимоий барқарорликнинг асосий омилларини кўрсатинг.**

- А) Давлатчиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
- Б) Минтақада давлатлараро, миллатлараро муносабатларда тинч-тотувлик ва ҳамкорликни таъминлаш.
- В) Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш.
- Г) Ўзбекистоннинг Жаҳон Ҳамжамиятига, жаҳон иқтисодий тизимига чуқурроқ кириб боришини таъминлаш.
- Д) Барча жавоблар тўғри.

**20. Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизими неча гуруҳдан иборат?**

- А) 4та: сиёсий, шахсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий.
- Б) 3та: сиёсий, шахсий, ижтимоий-иқтисодий.
- В) 2та: ижтимоий-иқтисодий ва маънавий.
- Г) 5та: умумий, хусусий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий.
- Д) 2та: сиёсий ва маънавий.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 1. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. / Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Эришган маррамизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш — асосий вазифамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2004.
7. Каримов И.А. Ватанамизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 2004.
8. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
10. Каримов И.А. Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. / Тузувчилар проф. Б.Ю. Ходиев ва бошқ. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

## **2. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури тўғрисида” ги Қонуни. – Т., 1997 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. – Т., 1997 йил 29 август.

## **3. Махсус адабиётлар**

1. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: Академия, 2000.
2. Абдунабиев А. Тарих — мунаввар кўзгу. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2007.
3. Абдунабиев А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: Маънавият, 1998.
4. Алимова Д. Инсоният тарихи — ғоя ва мафкуралар тарихидир. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
5. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. /Масъул муҳаррир: Очилдиев А.С. – Т.: Ислон университети НМБ, 2008.
6. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Т., 2000.
7. Закурлаев А. Ғоялар кураши. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
8. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
9. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. – Т.: Маънавият, 2000
10. Каримов А. Дин ниқобидаги юртбузарлар ёхуд “акромийлар” фитнаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.
11. Каримов В., Умаров А., Қуронов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

12. Левитин Леонид. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
13. Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунчалар ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
14. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001
15. Очил С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
16. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. – Т.: Янги аср авлоди, 2000.
17. Раҳматов О. Огоҳлик — муқаддас бурч. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000
18. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар. – Т.: Шарқ, 2004.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
Биринчи дарс. Мустақил Ўзбекистон давлатининг барпо этилиши.....	6
Иккинчи дарс. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”, уни ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилган ютуқлар.....	17
Учинчи дарс. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва Ватан хавфсизлигининг таъминланиши. Ўзбекистоннинг Жаҳон Ҳамжамиятига интеграциялашуви.....	54
Тўртинчи дарс. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарблиги.....	113
Мавзуларни такрорлаш учун тестлар.....	137
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	142

Файзулло Нарзуллаевич Эрназаров

Мустақиллик дарслари

Ўқув-услубий қўлланма

*«И-тисодиёт» нашриёти, 2009*

Мухаррир Вахабова М.М.

Техник мухаррир Мирхидоятова Д.М.

Мусахҳиҳ Бабаева Н.С., Мирбобоева С.А.

Босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 84x108. Шартли босма табағи 9,2.  
Адади. \_\_\_\_ сонли буюртма.

100003. Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг босмаҳонасида босилди.